


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт
институтининг

ҲИКОЯТИ ГҶРҲҒЛИ СУЛТОН

«Adabiyot uchqunlari»
Тошкент - 2013 йил



82.3(59) - Ғоликов

КБК 84.30 (3 УЗБ) М 25
УДК 516.10.2

Ҳикояти Ғурӯғли султон./Нашрга тайёрловчи ва сўзбо-
ши, луғат муаллифи Т.Мирзаев/ Масъул муҳаррир А.Са-
мад. Тошкент: "Adabiyot uchqunlari", 2013, 224 б.

Китобхонларга ҳавола этилаётган "Ғурӯғли" туркуми-
га кирувчи ушбу икки дoston XIX асрнинг 80-йиллари
ва XX асрнинг бошларида Қозон ва Тошкент шаҳарла-
рида "Ҳикояти Ғурӯғли султон", "Ғурӯғли султон ботас-
вир", "Қиссаи Ғурӯғли султон" номларида ўнлаб марта-
ба қайта-қайта нашр этилган. Шу воқеанинг ўзиёқ дос-
тоннинг нақадар қизиқарли ва жозибадор эканлигидан
далолат бериб турибди.

Китоб 1911 йилги Қозон босмаси асосида нашрга тай-
ёрланди.

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши
ҳамда луғат муаллифи:
Тўра МИРЗАЕВ

Масъул муҳаррир:
Асрор САМАД

NO 42743
2
ISBN 978-99-43-381-82-7

© "Adabiyot uchqunlari" < 2013

	Alisher Navoiy
2013/148	ncmidagi
11924	O'zbekiston MK

Гўрўглибекнинг Авазхонни олиб келиши

ГҮРҮҒЛИБЕКНИНГ АВАЗХОННИ ОЛИБ КЕЛИШИ

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоғ ривоят қилурларким, замон омон бўлғонда, Чамбилбел обод бўлғонда Чамбилнинг аввалги ҳокими Оғалихон ўлди. Ондин сўнг Жиғалихон бўлди. Ондин сўнг ўн беш ёшинда, тилла жиғаси бошинда, қирқ йигити қошинда, Гўрўғли султон ҳоким бўлди. Туғ, байдоғ шириллаб, тилла қалқонлар дириллаб, пўпакли найза шириллаб, шердек бўлиб ғориллаб, Чамбилбелни обод қилиб, атрофига қирқ фарсанг ерга қалъа солдириб, баландлигини қирқ қулоч ва энини олти қулоч қилиб, қўрғонина юз тўқсон жиба қилдириб, ичидан юз саксон шираб қилдириб, ичинда онинг тахтининг олдина норимон беклар бўлиб, лолазори олдида Ирам боғи бекор бўлди. Ҳар ким Чамбилбелни бир мартаба кўрса, армон қилиб, яна бир мартаба кўрсам, деб кетар эрди.

Аммо Гўрўғли султон ўттиз ёшига келганда, Хўжаи Хизр алайҳиссалом қирқ чилтан, ўн икки имом бирла келиб, Гўрўғлининг ҳақиға дуо қилди. Пир ҳақи бўлди. Гўрўғлиға ҳар на бало келса, дуо қилиб, ҳар балодин қуртурғовчи алар бўлди. Аммо қирқ ёшига келганда, яна Хизр алайҳиссалом билан қирқ чилтан, ўн икки имом келиб, Гўрўғлиға айтдилар:

— Эй, султон, сенинг на матлабинг бор. Биздан тилагил, бизлар сенга Ҳақ таалодан тилаб олиб берайлик.

Анда Гўрўғли айтди:

— Эй, пири бузрукворлар, менинг ота-бобом бул вилоятга подшо ўтди. Ҳеч қайсининг кейинидан овозаси қолмади. Менинг умрим аввало узоқ бўлсин. Иккинчи, донғим бўлса, унга ҳеч нимарса қилолмасман.

Анда пирлари тилаб, Гўрўғлиға юз йигирма йил умр олиб бердилар ва яна айтдилар:

– Эй, Гүрүғли, то ўзинг ўлмай, зарра ёмонлик кўрма-гил ва яна то қиёматгача сенинг эрлигинг кундан-кунга баланд бўлсин.

Анда Гүрүғли султон бир улуста лашкар тортиб бор-са, пирларнинг дуоси билан олмоқ бўлди, қолмоқ бўлма-ди. Лекин қизилбош халқига андоғ зарбини ўткардики: "Ол, Гүрүғли келди", деса, қизилбошнинг йиғлаб турган боласи йиғисини кўяр эрди. Эллик ёшинда Гүрүғлининг донғига ошиқ бўлиб, Кўҳи Қоф тоғининг подшоҳининг қизи Оға Юнус пари келиб тегди. Эллик беш ёшинда Ҳиндистондин Мисқол пари келиб тегди. Олтмиш беш ёшинда Ирам боғидан Гулнор пари келиб тегди. Тўққи-зини [хотинни] одамзоддан олди. Ҳар бири паризоддан ҳам хушрўй эрди. Бул ўн икки заифадан фарзанд бўлма-ди. Зероки, пирлар уч мартаба тила деганда, донғини тилаб, фарзанд тиламаган эди. Охири юз ёшина келган-да, фарзанднинг доғи ўтиб, фарзанди бўлмаганига хафа бўлиб, Исфаҳон шаҳридан Холдор деганнинг ўғли Ҳасан-хонни олиб қочиб келиб, Ҳасанхонни ўғлим деб, жону дилим деб, ўлсам, ўрнимда меросхўр фарзандим, деб ўзига ўғил қилди.

Ҳасан келганда, Чамбилбел андоғ обод бўлдиким, ҳеч нимарсадин Гүрүғли заррадек кўнглига олмади. Ҳасан-хонни ҳамма йигитлари сардор ўрнида кўриб, барча их-тиёрни Ҳасанхонга берди. Шул тариқа боз беш йил ўтди. Аммо Гүрүғлихоннинг Ҳасанхонга бир меҳри юз бўлиб, элу юртидан кўнгли тиниб, Ҳасан олдида, қирқ йигит ёнинда ўлтириб эрди, анда Гүрүғли султон неча ердан тимсол келтириб, бир сўз айтди:

Сўз айтурман эмди бу дам юз алвон,
Бу давлатни бизга берибдир мавлон,
Чамбилбелда сурдингизлар кўп даврон,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Суриш бўлса, ширин жондин кечдингиз,
Душманларни найза билан санчдингиз,
Силаб-силаб қизларини қучдингиз,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Ҳар на деб амр этсам, ани қилдингиз,
Мени ўзингизга сардор билдингиз,
Арғумоқни ариллатиб миндингиз,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Кафан тўнин ғанимларга бичдингиз,
Душманларнинг юрак-бағрин тешдингиз,
Сув ўрнига ароқ, шароб ичдингиз,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Бир тоғим Асқардир, бир тоғим Болқон,
Чамбилда шоҳ, ҳукм ияси, ўзимдир хон,
Ёмилдинг силосиб карк тери қалқон,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Ғажим қилдинг зарбоф билан мовутни,
Урушда йўқладим пирим Довудни.
Силаб кийдинг оқ кировка, совутни,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Ҳавас қилиб қизилбошга юришни,
Рустамдек майдонда қилиб урушни,
Белга тақиб сада олтин қилични,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Олмос қилич боғладингиз белингга,
Душман қўрқиб чиқолмади йўлингга,
Қизил ялов, найза бердим қўлингга,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Бу сўзларни айтган Гўрўғели султон,
Ҳақ таоло бизга бўлғай меҳрибон,
Ўртангда дастагул бўлди Ҳасанхон,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?

Анда йигитлар Гўрўғелининг бу сўзини эшитиб, айтдики:

– Эй, султоним, рост айтурсиз, бизлар аввал Худой, охир сизнинг давлатингизни соя қилиб, ичмаганимизни ичиб, киймаганимизни кийиб, ҳеч нимарсадан заррадек армонимиз қолмади. Лекин бир армонимиз шулдирки, бул вақтларда Хунхоршоҳ элида Булдуруқ қассоб деганнинг бир ўғли бор эрмиш. Ҳусни кўркам, кўрган киши отдан йиқилур эрмиш. Ўзи фаришта сифатлик, ҳур хилқат, ғилмон сурат эрмиш. Шул Авазхонни олиб келиб, тиззангиз устига ўлтирғизиб, ўғил қилсангиз. Бизлар ани бекзода қилиб қўйиб, хизматида бўлсак, ҳеч армонимиз қолмас эрди, – деб Гўрўғели султонга қараб, неча ерлардан тимсол келтириб, бир сўз айтдилар:

Қулоқ солиб эшит, Чамбилнинг шоҳи,
Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур,
Сиз эурсиз бизга пушти паноҳи,
Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур.

Сиз ўлган сўнг ким хонашин бўлади,
Бефарзанднинг ўтган умри зояди,
Худо сиздан бир фарзандни аяди,
Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур.

Дунёда ҳеч киши мурод топмади,
Дунёдин ўтарин банда билмади,
Чамбилбелда бир меросхўр бўлмади,
Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур.

Ярқиллатиб тилла добил туймадинг,
Ҳовдак қўлга шунқорингни чуймадинг,
Талпинтириб бир фарзандни суймадинг,
Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур.

Боқмадинг қўзим, деб фарзанд юзига,
Бир фарзандни Ҳақ бермади ўзингта,
Чиқариб ўйнатмай ани тизингта,
Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур.

Тингла эмди қирқ йигитнинг бул оҳи(н),
Сиз эрурсиз ғарибларнинг паноҳи,
Қай бирин айтайлик Чабилнинг шоҳи,
Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур.

Алқисса, Гўрўғли султон қирқ йигитнинг бу сўзлари-
ни эшитиб, ўзининг бефарзандлигига хафа бўлиб, Аваз-
хонни олиб келсам, Чамбилни ва Ғиротни, дафтардаги
хатни, қатордаги норни, хазинадаги зарни, пешонадаги
борини эгаси бўлса, меросхўр қилмоқчи бўлиб, қўлига
бир коса шароб олиб, бул хизматга борурға талабгор бор-
ми, деб Гўрўғли бир сўз деди:

Менинг учун бир жонидин кечгудай,
Ғанимларнинг юрак-бағрин тешгудай,
Ўнгу сўлдан бир ғирамат бормисан,
Шул коса шаробни олиб ичгудай?

Хизмат деса, дарёдайн тошқудай,
Хунхордин Авазни олиб қочқудай,
Бу косани текин деманг, йигитлар,
Уммон дарё лабларидан ошқудай.

Айтган сўзни дарров қабул қилгудай,
Хизматта ўзини бажо билгудай,

Ўнгу сўлдин бир эрамат бормисан,
Шул косани мен олайн дегудай?

Душманларнинг ҳасвидан еб ўлгудай,
Хизмат деса, аргумоққа мингудай,
Бу косани текин деманг, ёронлар,
Хунхордин Авазни олиб келгудай.

Армон қолмас кўрсам анинг юзини,
Олтиндан ясайин анинг ўрнини,
Авазни ҳар кимки олиб келтирса,
Қирқ кунгача берай анинг тўйини.

Хизматига қатор билан нор берай,
Бисотимдан ҳар нимадир бор □ берай,
Авазхонни ҳар ким олиб келтирса,
Бўйига тенг қилиб анга зар берай.

Ўргатайин анга сонсиз илмни,
Топширайин анга Чамбилбелимни,
Авазхонни ҳар ким олиб келтирса,
Унга берай Така-Ёвмит элимни.

Берайин мен анга бирда баҳримни,
Фидоси айлайин анга наҳримни,
Авазхонни ҳар ким олиб келтирса,
Анга бёрай Чамбилбелдай шаҳримни.

Шаҳаншоҳи дерлар асли зотимни,
Аваз олди менинг кўнгил шодимни,
Аваз ўғлим кела қолса баногоҳ,
Устига миндирсам бул Фиротимни.

Гўрўғли дер мен қилурман зору зор, —
На қилса, қудратли Ҳақда ихтиёр,

Шул косани келиб қўлдан олғудай,
Ўнгу сўлдан ҳеч бормикан талабкор.

Анда Гўрўғли султоннинг бу сўзини қирқ йигит эшитиб, ҳеч бири хизмат биздан етсин демади. Токи Гўрўғли уч мартаба талабкор борми, деди, ердан садо чиқди, қирқ йигитдан садо чиқмади. Тўртинчи мартаба йўлбарс билаклик, қоплон юраклик, Рустам сифатлик, урушга кераклик, нур юзли, ширин сўзли, қуралай кўзли, саратон юлдузли, амир мингизли, теранг ўйли, санобар бўйли, дархашон рўйли, фаришта ҳўйли, сунбул мўйли, ёш боладай ёлбираб, зар кокили жалбираб, тилла жиғаси бошинда, қирқ йигитнинг қошинда, Фироти остинда, айни ўн олти ёшинда Ҳасан жойидан туриб, қўл қовуштириб, адаб билан бориб, отасининг қўлидан косани олиб ичиб, фотиҳа олиб, Гўрўғлига бир сўз деди:

Ҳасан боланг бўлди сизга интизор,
Сиз бўлингиз дуо билан менга ёр,
Мен Авазни олиб келиб берарман,
Ушбу йўлга эмди бўлдим талабгор.

Хулқинг эрур фариштадан зиёда,
Юзинг кўрган шоҳлар юрур пиёда,
Мен Хунхорга талаб қилиб бораман,
Отажон, бўлингиз эмди дуода.

Мен борурман эшитмаган ерларга,
Юрагим тўладир ғаму черларга,
Мен борурман талаб қилиб Авазга,
Ғойибона топшир мени пирларга.

Бу йўлларда менга йўқ иниман оға,
Тушарман ҳадди йўқ узоқ далаға,
Фотиҳа берибон бу дам менга сиз,
Топширингиз мени қодир Худоға.

Қўрқаман ёшлиқдан ишларим хом-а,
Кичикдин илиндим эрликка нома,
Ҳар на бўлса, қўлинг ёзиб дуо қил,
Мени топширасиз ўн икки имомга.

Ёд этаман пирим ҳазрат Алини,
Абубакир, Умар, Усмон валини,
Бу сафарга эмди талаб айладим,
Худо берсин мендай ғариб йўлини.

Бу сўзларни бир-бир айтур Ҳасанхон,
Бир Худодин ўзга йўқдир меҳрибон,
Бу сафарга ёлғиз талаб айладим,
Фотиҳа бер менга, Гўрўғли султон.

Анда Гўрўғли султон Ҳасанхоннинг бу сўзини эшитиб, эрлигига қойил бўлиб, ўн олти ёшинда қилган талабига ҳайрон бўлиб, айтди:

— Эй фарзандим, нури дийдам, балиқнинг тириклиги сув бирлан, менинг тириклигим сенинг бирлан, ва лекин ўзим қадимги ёшлиқда бўлсам, асло сени юбормас эрдим. Нечук ёшим етиб, умрим юздан ўтиб, балки қўлдан ғайратим кетибдир. Эмди, эй, фарзандим, сен ул элларга ёлғиз-танҳо бора олмассан. Зероки, Хунхоршоҳнинг эли ҳаддан зиёда кўп. Ҳар нарса бўлса, қирқ йигитни ўзингга ҳамроҳ қилиб олгайсан, — деб қирқ йигитни Ҳасанхонга қўшиб, тайинлаб, йигитларига қараб, Гўрўғли бир сўз деди:

Талаб қилиб Авазхоннинг йўлига,
Киарсиз Бадбахт тоғнинг чўлига,
Ўз бошингга беклик қилма, йигитлар,
Ҳасанхон не деса, боқинг тилига¹.

Ошиқ бўлдим бол Авазнинг юзига,
Тушадир кўзларим қачон кўзига,
Иттифоқни қўлдин берма, йигитлар,
Ҳасанхон не деса, кўнинг сўзига.

Баҳра олинг анинг ойдек юзидан,
Ҳар на деса, чиқмангизлар сўзидан,
Бош-бошингга бек бўлмангиз, йигитлар,
Кўрқингизлар Гўрўғлининг тузидан.

Ҳасанхонни ёлғиз бошли билмангиз,
Олдида ҳар на сўз айтиб қулмангиз,
Бул сафарда Ҳасан бўлди сардоринг,
Қўзимни келгунча хафа қилмангиз.

Чўлларда қўзимни қилмангиз дилтанг,
Ҳасан султон бўлди сизларга, билсанг,
Менга қандай хизмат қилсанг, анга қил,
Бошингни бер деса, андин аяманг.

Давлати бор Ҳасанхоннинг бошида,
Сардор бўлди бул ўн олти ёшида,
Хизмат қилиб кеча-кундуз, йигитлар,
Бўлингизлар Ҳасанхоннинг қошида.

Гўрўғли дер қулоқ солинг бизларга,
Бизнинг айтган барча ушбу сўзларга,
Арвоҳ қўллаб, пирлар бўлсин мададкор.
Ҳасанхонни сардор этдим сизларга.

Аммо Гўрўғли султон қирқ йигитга бу сўзни айтиб,
Ҳасанхонни ўшал ерда ўз-ўзидан йигитларга султон қил-
моқчи бўлиб, белига тилла камар боғлаб, камарига тил-
ла қилич боғлаб, устига тўққиз қат либос гунагун шоҳо-
на кийдириб, бошига тилладан тиккан калдирум салла

боғлаб, салласига тўққиз сачоқли тилла жиға санчиб,
хонлар илмида ёрлиқ этиб, Ҳасанхоннинг бошига қис-
тириб, андоқ оро бердики, кўрган киши савлатидан ёнига
келолмас эрди. Кўрган киши чидаб туролмас эрди. Аммо
Гўрўглихон ярашган қабат-қабат сарпойга баракалла деб,
Ҳасанхонга қараб бир сўз деди:

Икки кўзинг қуралайдай жовдираб,
Кийган тўнлар ярашиққа гудираб,
Бир-бирига барча келиб муносиб,
Тўққиз қат тўн шамол тегиб шовдираб.

Ярарсан, болам, ўлмасанг, ҳар ишга,
Ишингни эрта қил, қолмагил кечга,
Кийган тўнинг бир-бирига муносиб,
Мен қойилман белда тилла қиличга.

Қоматингга қизу жувон қарашар,
Ҳасратингда сунбул сочин тарашар,
Одамзод боласи сендай бўлама,
Кийган тўнинг бир-бирига ярашар.

Душман чиқмас то ўлгунча йўлингга,
Пўпакли найзани олсанг қўлингга,
Баракалла, синбатингдан, бўйингдан,
Белбоғинг муносиб кийган тўнингга.

Ўзинг ўлмай душман келмас қошингга,
Янги келдинг сен ўн олти ёшингга',
Ҳар ранг кийсанг бир-бирига ярашар,
Хўп келишди тилла жиға бошингга.

Бошима ҳижронинг мотам солди-да,
Ақл-хушим бир тарафда қолди-да,
Қиёматда менинг йўқдир армоним,
Буралиб сен турсанг отанг олдида.

Гўрўғли дер: қилдинг юрагим доғли,
Ақл ила ҳушимни айладинг боғли,
Хурмисан, фариштамисан, билмайман,
Баракалла, Гўрўғлибекнинг ўғли.

Аммо Гўрўғли султон бу сўзни айтгандан сўнг Ҳасан-
хон жойидан туриб, қўл қовуштириб, фотиҳа тилади.
Анда Гўрўғли Ҳасанхонга жавоб бермоқчи бўлиб, аввал
Худо, қолди пирларга топшириб, бир сўз деди:

Кулоқ солгил мен айлаган нидоға,
Фариб кўнглим бўлсин, жоним, садаға,
Бўйингдан айланай сенинг, фарзандим,
Боргил, болам, мен топширдим Худога.

Фаниматдир менга ҳар бир кенгашинг,
Найлайин, сафарга чирмашди бошинг,
Хизр бўлсин кеча-кундуз йўлдошинг,
Аввал Худо, қолди пирга топширдим.

Авазхонга талаб қилдинг, қўзимсан,
Пирларга йиғлайман сенинг учун ман,
Бор, ёлғизим, бир Оллога топширдим,
Жиловингда бўлиб юрсин чиҳилтан.

Бир талаб айладинг, қўзим, анга бор,
То келгунча мен йўлингда интизор,
Жиловингда Хизр бирла чилтанлар,
Ўн икки имом, пирлар бўлсин мададкор.

Соғ бориб, жон болам, келгил саломат,
Душманлар, эгам, қилмасин маломат,
Аввал Худо, қолди пирга топширдим,
То кўргунча, қўзим, сени омонат.

Сувада бўлсин Илёс ҳамиша ёринг,
Чўлда бўлсин Хизр бобо ғамхўринг,
Йўлинг бўлсин, тез кечикмай келибон,
Кўрсатгил эртароқ келиб дийдоринг.

Қирқ йигитга хон айладим ўзингни,
Эҳтиёт айлабон айтдим сўзингни,
Йўлинг бўлиб, омон қолсанг, жон болам,
Келиб кўрсат сен эртароқ юзингни.

Сен келмасанг, кўнглима тушар тўда ғам,
Келганингча ғамга бўлурман ҳамдам,
Ер юзида пирлар қолмай сиғиндим,
Соғ бориб, саломат келгил, жон болам.

Гўрўғли дер: мен қилурман зору зор,
Пирлар бўлсин сен боламга мададкор,
То кўргунча мен топширдим омонат,
Ҳамма пирлар сенга бўлсин жиловдор.

Алқисса, Ҳасанхон отасининг бу сўзини эшитиб, тоб-
тоқати қолмади. Оёғига бош қўйиб, бир сўз деди:

Вайрон кўнглим эмди қайнаб жўш эмди,
Ҳижроннинг косасин бизга хуш эмди,
Мен Хунхорга талаб қилиб бораман,
То кўргунча, ғариб отам, хўш эмди.

Нелар кечар ора чўлда ҳол эмди,
Сув ўрнига қонлар ютдик, бол эмди,
Бир талаб айладим Аваз ўғлонга,
Дуо қилсанг, ғариб отам, хўш эмди.

Соғиниб ким келур менинг қошима,
Қарға, кузғун кўнмасин-да лошима,

Талаб қилиб мен Хунхорга бораман,
Ора чўлда нелар тушар бошима.

Оққув учар ойдин чалқар кўлларда,
Сафар қилдим дашти билан чўлларда,
Ғариб отам, дуо билан йўқлағил,
Ҳолларим на кечар йироқ йўлларда.

Сафар деган турфа қаттиқ аломат,
Аломатдан балки ортиқ қиёмат,
Насиб бўлса олти ойда келурман,
Худойим айласа бизни саломат.

Ҳасанхондан эшитингиз бу сўзни,
Лойиқ кўрди бу талабга бир ўзни,
Худо агар кўлга берса Авазни,
Отажон, кўрарсиз олти ойда бизни.

Алқисса, Ҳасанхон бу сўзни айтиб, олмос қилични
белига боғлаб, от устида жайнаб, қирқ йигит билан шай-
ланиб, қарчигайдай отга кўниб, бир сўз деди:

Бадбахт чўлига тушиб,
Қирқ йигит бари нор бўлиб,
Кейин қолмоғи ор бўлиб,
Шабгир тортиб садда беклар,
Ҳасанхон сардор бўлиб.

Адаб билан сўзни сўзлаб,
Юрар йўлларини кўзлаб,
Жўнай берди бекзодалар,
Хунхор шаҳрини излаб.

Чўлларда отни ғимийиб,
Сўз айтур барчаси ийиб,

Шабгир тортиб жўнай берди,
Хунхор шаҳри қайдасан деб.

Арғумоқ отлар ариллаб,
Тилладан қалқон дириллаб,
Жўнай берди бекзодалар,
Пўпакли найза пириллаб.

Душманлар қочиб зириллаб,
Булар йўлбарсдай ғариллаб,
Садда беклар шабгир тортиди,
Туғу байдоқ шибирлаб.

Етакда бедов иркиллаб,
Душманлар қўрқиб қайғуллаб,
Оқ-қизилдан туғ, байдоқ,
Йигитлар қўлида сўлқиллаб.

Кечарди неча найзалар,
Ҳар бири мисли байзалар,
От чопганда ярқирайди,
Қизил ялови найзалар.

Бошга тушган ушбу ишлар,
На эрта қўнмас, на кечалар,
Белларида ширқиллайди
Олтиндан қилган қиличлар.

Йўлга тушган сап бўйдоқлар,
Остида бедов ўйноқлар,
Сўлқиллайди қўлларида
Тилла қўтосли байдоқлар.

Лой бўладир ичган сувлар,
Келолмас ёнига қувлар,

2013/148	Alisher Navoiy
11924	nomidagi
	O'zbekiston MK

Шамол тегса, ширқирайди,
Қўлидаги олтин тувлар.

Бир-бирига қилиб эрликлар,
Отида бахмал терликлар,
От чопганда ярқирайди,
Белида олтин белликлар.

Минганлари бедов отлар,
Устинда қизил мовутлар,
От чопганда ярқирайди,
Кировка, олтин совутлар.

Минганлари бедов отлар,
Солиб юртга аломатлар,
Йигирма беш, ўттиз яшар,
Бари бирдай азаматлар.

Зўр қилиб отлар жонига,
Қамчилар уриб сонига,
Бадбахт чўли сўлқиллайди,
Отларнинг ирғиганига.

Тилла жиғалар бошига,
Келолмас душман қошига,
Бадбахт чўли ларзон урар,
Қирқ йигитнинг довушига.

Душманнинг шахрин истади,
Зўр бериб отин қистади,
Овдарилиб от чопмоққа,
Бир-биридан ҳам устади.

От чопишиб чапа-роста,
Барчаси урушга пайваста,

Жўнай берди аста-аста,
Тўп-тўп бўлиб, даста-даста.

Кийгани гулгун ёнади,
Арғумоқ отлар минади,
Шабгир уриб кеча-кундуз,
Хунхорга қараб жўнади.

Кеча бўлса санаб юлдуз,
Гоҳи тўп-тўп, гоҳи ёлғиз,
Шабгир урди навжувонлар,
Ўн беш кеча, ўн беш кундуз.

Тай уриб дашту даласин,
Кўриб чўлларнинг балосин,
Қирқ беш кун йўл юрганда,
Кўрди Бадбахтнинг қорасин.

Булбуллар гулшан боғига,
Йўл бермай тоғнинг зоғига,
Айни намозшом маҳалда,
Борди Бадбахтнинг тоғига.

Алқисса, Ҳасанхон қирқ йигитга бош бўлиб, шабгир уриб, Бадбахт тоғининг этагига бориб ётдилар. Аммо Бадбахт тоғининг нари юзи Хунхорнинг шаҳри эрди. Отини Гуржистон дер эрди. Гуржистон шаҳрида етти юз етмиш шаҳар бор эрди. Ўттиз икки дарвозаси бор эрди. Ҳар дарвозасининг ораси бир тош йўл эрди. Гуржистон атрофи ўттиз икки фарсанг ер эрди. Ҳар ким эрта бирла шаҳарга кирса, пешин вақтинда зўр уриб базўр бошига борур эрди. Бу Бадбахт тоғининг канорасида эрди. Лекин бу тоғни Бадбахт тоғи демакнинг сабаби ул эрдик, ҳар вақти Гўрўгли сафар қилиб келса, эрта бирла ул тоғнинг бошига қарар эрди. Агар ул тоғнинг боши очиқ бўлса, йўли

бўлиб қайтар эрди. Агар бошига туман тушиб ётса, қирқ йигитнинг йўли бўлмай, бекор қайтар эрди. Аммо Ҳасанхон қирқ йигит бирла намозшом вақтида келиб тушди. Ул тоғнинг пастида юз эллик авлиёларнинг қадам жойлари бор эрди. Ҳасанхон эрта саҳар туриб, зиёрат қилиб, ул Худой таолога ёлбориб, охири ҳамма пирлардан мадад тилаб, шафе келтириб, бир сўз деди:

Чамбилбелда ўзим эдим шоҳ,
Гўрўглига бизни қилмағил расво,
Отингдин айланай яратган Оллоҳ,
Бир мадад бер мендай ғариб қулингга.

Ғарибман бу ерда, донои асрор,
Мусофирман, сендан ўзга кимим бор,
Отингдин айланай, яратган жаббор,
Бир мадад бер мендай ғариб қулингга.

Мусофирман, менда йўқдир яхши ҳол,
Товфиқ бериб, мени ўзинг йўлга сол,
Минг бир отинг хақи, ё, Зулжалол,
Бир мадад бер мендай ғариб қулингга.

Кўнглимда йўқдир ғайри, қодир Оллоҳ,
Осийларга сиз эурсиз ҳўб паноҳ,
Тасаддуқ номингман, ё, Расулуллоҳ,
Бир мадад бормикан ғариб қулингга.

Умидим бор тонгла сиздин шафоат,
Ҳамма одам йиғилганда қиёмат,
Худонинг дўсти, ё, Расули Аҳмад,
Бир мадад бер мендай ғариб қулингга.

Бу чўлларда мени этмангиз ҳайрон,
Ҳайрон бўлиб, кўнглим этмасин бирён,

Абубакир, Сиддик, Умару Усмон,
Бир мадад вақтидир ғариб қулингта.

Ушбу тоғнинг атрофида лолазор,
Лолазор ичиндадир мен беқарор,
Мусулмонни дўстим деган, чаҳорёр,
Бир мадад бер мендай ғариб қулингта.

Умид айлар сендин ҳамма мусулмон,
Қўлим тут тонгла вақти паришон,
Сипоҳининг пири, ё Шоҳимардон,
Бир мадад бер мендай ғариб қулингта.

Дардим кўп юракда бўлакўр марҳам,
Руҳингни айлагил мен қулга ҳамдам,
Тасаддуқинг бўлай, ё Ғавс ул-Аъзам,
Бир мадад вақтидир ғариб қулингта.

Худое, нафс учун айлама восвос,
Нафс бошига урсам шамшири олмос,
Пирим Ғавсул Ғиёс, ё, Хизр Илёс,
Бир мадад бер мендай ғариб қулингта.

Умид бирла қўлим ёйиб юкундим,
Тараҳхум вақти деб ёйдай букилдим,
Қирқ чилтан, ўн икки имомга сиғиндим,
Бир мадад вақтидир ғариб қулингта.

Ҳасанхон дер: кўкка етди фиғонлар,
Дуодин кўрмадим зарра нишонлар,
Ер юзида ҳамма комил эшонлар,
Бир мадад бера кўр ғариб қулингта.

Алқисса, Ҳасанхон намози бомдод вақти бўлгунча шул
тариқа муножот қилиб, ҳамма бузрукворларнинг қабри-

га дуо қилиб, мадад тилаб, қайтиб қирқ йигитнинг қоши-
га келиб, барчаси таҳоратни тоза қилиб, намози бом-
додни ўқиб, отларига миниб, бу Бадбахт тоғининг бо-
шига қаради. Кўрдиким, Бадбахт тоғининг бошига бир
қизил ола туман чўкиб ётибдир. Ранги кўп совуқ кўри-
нур. Муни кўриб, йигитларнинг бели бўшай берди. Анда
Ҳасанхон йигитларнинг кўнгли ярим бўлганини билиб,
мардоналик бериб, мард билан номарднинг шаънига
қараб, бир неча ердан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Ботир Ҳасан сизга сўзлар,
Айтган сўзни билингизлар,
Ёмон одам қартайғонда,
Ул ўзининг бошин кўзлар.

Ёмон қулга етса давлат,
Барча иши бўлур миннат,
Кўрса агар уч-тўрт фарзанд,
Кўп бўлдим деб ёшин кўзлар.

Эр йигит қойим урушга,
Кирмакка дойим хурушга,
Баҳодирлар кирса урушга,
Ўнин санчиб, бецин кўзлар.

Ёмонга ботир ҳар нарса,
Туrolмас ҳар ерда турса,
Номард одам ёвга борса,
Қочатурғон ерин кўзлар.

Бир-бирига гириш қилса,
Жанжал бирла хуруш қилса,
Яхши билан уруш қилса,
Тотувлашур ишин кўзлар.

Номардга сўз кўзғотсанг,

Ё анга бориб сўз қотсанг,
Ҳазил қилиб бир сўз айтсанг,
Салмоқлаган ҳушин кўзлар.

Ҳасанхон дер: сўзни билган,
Эр хизматин бажо қилган,
Талаб қилиб изода юрган,
Қиладиган ишин кўзлар.

Алқисса, Ҳасанхон бу сўзни айта-айта Бадбахт тоғининг бошига чиқди. Кўрдик, Гуржистон шаҳрининг тамоми минора-пештоқлари узоқдан ярқиллаб кўрина берди. Бир-бир санадилар: етти юз саксон тўрт минора, пештоқ кўринди ва шаҳар ичи туманланиб ётибдир. Асли билинмайди. Буни кўриб, қирқ йигит қўрқиб, ўшал ердан от бошини буриб қайтмоқчи бўлди. Андин сўнгра Ҳасанхон йигитларига қараб, мардоналик бериб, қайт-сак уят бўлмайми, деб бир сўз деди:

Олисида қолгандир Чамбилнинг эли,
Урадир бетларга бу тоғнинг ели,
Белларингни маҳкам бўғинг, йигитлар,
Туманланиб ётган Хунхорнинг эли.

Урушда очилур йигитнинг баҳри,
Ғаним кўрса, қоблар ботирнинг заҳри,
Душманнинг бағрини қилинг тумори,
Урушда тарқалур эрлар хумори.

Йигитман, деб оту анжом қилибсиз,
Текинми сизларга Гўрўғли оши.
Йигитман, деб от устига минибсиз,
Текинми сизларга бекларнинг нони?!

Оллоҳ денг, очилсин мусулмон йўли,

Боғлансин ҳамиша ғанимнинг қўли,
Йигитман, деб оту анжом минибсиз,
Текинми сизларга бекларнинг пули?!

Тинглангиз, йигитлар, айтийин мунн,
Бугун бўлур бизга маҳшарнинг кунн,
Жон борица урушинглар, йигитлар,
Текинми сизларга бекларнинг тўни?!

Гўрўғлибек бизни элдан узатди,
Авазхон келур, деб жойин тузатди,
Бу ерда барчангиз қайтмоқчи бўлдинг,
Шундай қилиб бизга бердимн отди?!

Борармиз биз нечук Чамбил юртига,
То етмайин Авазхоннинг зотиға,
Бу ерларга жондин кечган келади,
Бир бошини қанжиғалаб отиға.

Қирқ йигит, бўшанмай отга мин эмди,
Ҳар нима бўлса тақдирдан бил эмди,
Гунг бўлмайин бу кун уруш қил эмди.
Ҳар на десам, фармонимни қил эмди.

Оллоҳ деб оту жон аямай қўйинг,
Эгам асрар ҳар балодан бил эмди.
Ҳасанхон дер, топшир Ҳаққа ўзингни,
Қиёматдай бўлатурғон кун эмди.

Аммо Ҳасанхоннинг бу сўзини эшитиб, ботир йигитларнинг кўнгли бир қарор бўлмай, қўрқа берди. Ғам устига ғам босиб, қирқ йигитдан арвоҳ қочиб, анда Ҳасанхон яна йигитларга қараб:

— Эй, йигитлар, бу ердан қўрқиб қайтсак, аввалн, Гўрўғлихоннинг юзига, иккинчи, элнинг бетига

нечук қарармиз. Ё бу элда ўлиб кетайлик, ё Аваз-
хонни олиб кетайлик, — деб йигитларга қараб бир
сўз деди:

Фаромуш бўлмасин эмди хотирлар,
Қурингизлар сара парда чотирлар,
Оқ кировка, совут кийган ботирлар,
Ё олинглар, ё ўлинглар, йигитлар.

Йўлимизда кўзи Гўрўғли султон,
Авазхонни келтирур деб қирқ арслон,
Ёмилғон ўқ ўтмас карк тери қалқон,
Ё олинглар, ё ўлинглар, йигитлар.

Чамбилда бир-бирин мазоқ қилганлар,
Анча-анча танга инъом олганлар,
Силаб-силаб инъомини еганлар,
Ё олинглар, ё ўлинглар, йигитлар.

Олтиндин ёқали совут кийганлар,
Бизларга учраса бу деб юрганлар,
Гўрўғлининг югрук отин минганлар,
Ё олинглар, ё ўлинглар, йигитлар.

Бу сўзима барча қулоқ солингиз,
Жондан кечиб бол Авазни олингиз,
Мендан ортиқ бўлдимикан жонингиз,
Ё олинглар, ё ўлинглар, йигитлар.

Ариллаб остингда Гўрўғли оти,
От бўлади эл йигитнинг қаноти,
Қуруқ қайтсак қанча бўлур уяти,
Ё олинглар, ё ўлинглар, йигитлар.

Бундан қайтиб Чамбилбелга кетасиз,
Ондағига қайтиб ҳазил қиласиз,
Қури ғайрат ичинда сақлаб нетасиз,
Ё олинглар, ё ўлинглар, йигитлар.

Ҳасанхон дер, қуруқ қайтган эмас эб,
Ултирасиз Гўрўғлининг ошин еб.
Бекор борсак от тақалур хотин деб,
Ё олинглар, ё ўлинглар, йигитлар.

Алқисса, Ҳасанхоннинг бу сўзи йигитларга таъсир қилмай, бир ерда ўни, бир ерда ўни кенгаш қилиб айтур эрди:

– Ҳасанхон маст бўлибми эрур. Бўлмаса, ўйламас эрдими! Бизлар бундан қайтиб, аввали Хунхорнинг шаҳрига кирармиз. Кирган билан шоҳнинг олдида ўлтирғон Авазхонни арбаймизми?! Уни қайтиб қўлга туширамиз ва қўлга туширган билан шундоқ Жайхундек шаҳардан нечук олиб кетармиз?! Агар душманлар билиб, дарвозани кўмиб, қирқимизни ўша ерда қириб, қиличдан ўткариб, Авазхонни айириб олиб қолар. Бекор ўлиб кетармиз. Аммо қирқ киши бир Аваз деб ўлганимиз ярашмас. Аваз жони бизларга жон бўлмас.

Охири кенгашни мунга қўйиб, Ҳасанхонга келмай, сўзига қулоқ солмай, тоғнинг бошидан келган изи билан тушиб, Чамбилга қараб жўнай бердилар. Анда Ҳасанхон йигитларнинг бу ишига аччиғи келиб, қайтариб билмай, айтса сўзига кирмай, танҳо ўзи турган ерида турди. Йигитларнинг кетганини кўриб, йигитларга қараб бир сўз деди:

Душман келиб олдингизга эл бўлсин,
Ғанимнинг шавкати синиб, қил бўлсин,
Келган, ишни битирмайин қайтдингиз,
Аё, хотин эрлар, сизга йўл бўлсин?

Йиғилиб бир ерга кенгашқиласиз,
Кенгашларинг битиб қайтиб борасиз,
Гўрўғлини на деб бетин кўрарсиз,
Муханнас йигитлар, сизга йўл бўлсин?

Эй, хотинлар, қулоқ солингиз манга,
Хотиннинг либосин кийингиз танга,
Авазни сўраса, на дерсиз хонга
Жовлик келган бойбаччалар, йўл бўлсин?

Топширмайми Гўрўғлибек тузига,
Бориб на деб сўз айтасиз ўзига,
Қарайсиз сўраса қайтиб юзига,
Муханнас хотинлар, сизга йўл бўлсин?

Ҳар ишнинг барисин қиласиз ўйсиз,
Ҳар қайсингиз ўз олдингизда бийсиз,
Аваз ўғлим қани деса, не дерсиз,
Аё, хотин эрлар, сизга йўл бўлсин?

Ҳасанхоннинг насихатин қилолмай,
Душманларнинг қалъасига етолмай,
На қилдик деб борасизлар уялмай,
Муханнас хотинлар, сизга йўл бўлсин?

Бу душмандан Авазни айириб олмай,
Худо берса бу йўлдан обрў олмай,
Эй, йигитлар, душманга қилич солмай,
Этаксиз хотинлар, сизга йўл бўлсин?

Ажал етса, ушбу талабда ўлмай,
Ё бўлмаса кириб Авазни олмай,
Уруш қилиб қизил қонга бўялмай,
Эй, нокас йигитлар, сизга йўл бўлсин?

Ҳасанхон дер: эрлар қилиб хурушни,
Душман келса, эрлар қилур юришни,
Ҳеч бўлмаса бир қилмайин урушни,
Муханнас ботирлар, сизга йўл бўлсин?

Алқисса, Ҳасанхонинг бу сўзини қирқ йигит эшитиб, қулоқ солмай ва назар қилмай, Чамбилга қараб жўнай берди. Анда Ҳасанхон тоғда бир дам, икки дам туриб, тоқати бўлмай, ахири йигитларининг сўнгидан қайтиб жўнай берди. "Гўрўғли отамнинг олдига бориб, ёлғиз фотиҳа олиб, қайтиб келиб, Авазхонни Худо хоҳласа олиб, отамнинг хизматига олиб бориб, дуосини олурман", деб чошттоҳ номозини ўқиб, жўнай берди. Айни пешинда Чамбилга келди. Анда оға Юнус пари чангу губорни кўриб, Гўрўғлига қараб, бир сўз деди:

Давронларинг омон ўлди,
Душманларинг ёмон ўлди,
Сиҳат бўлмоқ гумон ўлди,
Беклар, бу на туман ўлди,
Гўё охир замон ўлди.

Оға Юнус эритадур,
Кийикдайин карбалодур,
Бир кўп тўзон кўринадур,
Беклар, бу на туман ўлди,
Гўё охир замон ўлди.

Бу тўзоннинг пири борму,
Ё билмам сурури борму,
Ё оти, лашкари борму,
Беклар, бу на туман ўлди,
Гўё охир замон ўлди.

Туман босди элни аста,
Туғу байдок чаппа-роста,
Лашкари бор даста-даста,
Беклар, бу на туман ўлди,
Гўё охир замон ўлди.

Туман тушди ҳар қаёндин,
Ғўч йигитлар, кечинг жондин,
Эмди чиқинг сиз бу ёндин,
Беклар, бу на туман ўлди,
Гўё охир замон ўлди.

Оға Юнус ғамда қолди,
Билмам бу на савдо бўлди,
Чамбилбелни туман олди,
Беклар, бу на туман ўлди,
Гўё охир замон ўлди.

Алқисса, Гўрўғли султон Оға Юнус парининг бу сўзини эшитиб, майхонада ўлтирғон йигитлар билан қўрғоннинг дарвозасига чиқиб қараб, кўриб таниб, ўзининг оқ туғини кўрди. Ҳасанхоннинг остидаги арғумоқни кўриб, таниб, қувониб, ёнида турган йигитлар билан отланиб, қирқ йигитнинг олдига чиқди. Анда қирқ йигит ўзи қилган ишларига пушаймон бўлиб, ўлганига рози бўлиб, ҳеч ким Гўрўғлихоннинг олдига келолмай, ҳар бири ҳар ёнга кета берди. Ҳасанхон отасининг олдига келиб, ўзини отдан ташлаб, Гўрўғли султонга қараб, йиғлай берди. Анда Гўрўғли султон Ҳасанхонни олтин тахтга миндириб:

— Чирогим, балиқнинг тириклиги сув билан, менинг тириклигим сенинг биландир, Авазни олиб келурман, — деб Ғиротни ўзи миниб жўнай берди. Айни намози пешин вақтида Бадбахт тоғнинг қошига келди. Анда Худой таолонинг юборган минг бир балоси олдига келиб, нима эканини билолмай, анга қараб, бир сўз деди:

Билмам кўп қул ётиб бунда на чоқли,
Ғанимни айлайлик қўлини боғли,
Худой берди бу душманларни бизга,
Лашкар тортиб бунда келди Гўрўғли.

Майдонда оқизай бу кун қизил қон,
Ҳақ таоло бизга бўлғай меҳрибон,
Белингни беш ердан бўғиб эмди сан,
Оллоҳ деб от қўйгил, қўзим Ҳасанхон.

Бу душманни мен биламан, йўқди тенг⁹,
Кўнглингизда сақламангиз зарра кек,
Оллоҳ деб от қўйинг эмди аянмай,
Қайда кетдинг, ёнимдаги Сафобек.

Бу душманга бизни эгам қилсин зўр,
Қайда кетдинг, аё, Соқи мирохўр,
Аянмай от қўйинг ушбу душманга,
Қилайлик душманнинг манглайини шўр.

Қирқ жаллодим, кейин қолмай менга ет,
Ғанимни айлангиз бу ерда хўп ит,
От бошин тик қилиб жондан кечибон,
Йўлбарсдайин от қўйинглар, қирқ йигит.

Арғумоқ от кўкка қараб ариллаб,
Тилла қалқон орқангизда дириллаб,
Оллоҳ деб от қўйинг эмди душманга,
Наъра шердай бўлиб эмди ғариллаб.

Қирқ йигитим бул айтганим қил эмди,
Қонларни оқизинг мисли сел эмди,
Гўрўғли дер ичда армон қолмасин,
Душманларга қиёматдай кун эмди.

Алқисса, Гүрўғли султон бу сўзларни айтиб, тилла добилни қоқиб, лашкарнинг тўғарагига боқиб, ўзининг катта сўзларига тавба қилиб, аввал Ҳақ таолонинг зоти-га сиғиниб, Хизр Илёс, Фавс ул-Ғиёс, қирқ чилтан, ўн икки имомнинг арвоҳига ёлбориб, мадад тилаб, фақир-мискин бўлиб, бир сўз деди:

Қайтган билан бизга қайда эл эмди,
Худоё, мен қулга раҳм қил эмди,
Минг бир отинг хурматидин, Худойим,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Йиғлаб мудом даргоҳингга моҳу сол,
Гуноҳкор бандангман, менинг алим ол,
Ўн саккиз минг олам ҳаққи, Зулжалол,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Сен эрурсан барча шоҳлар узра шоҳ,
Ким сени билмаса, ул эрур гумроҳ,
Айланай отингдин яратган Оллоҳ,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Осийлар ғамхўри Аҳмади мухтар,
Бер мадад деб сизга ўзим интизор,
Муслмонни дўстим деган чоҳор ёр,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Худоё, айлагил бизларни раҳмат,
Насиб этгил тонгла кунда қиёмат,
Осийлар паноҳи Расул Муҳаммад,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Бер мадад деб сизга ўзим интизор,
Рухингни айлагил менга сабабкор,

Мусулмонни дўстим деган чоҳор ёр,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Олдимда кўп қўшин ётур фаровон,
Танҳо ўзим ёвга кирмакка ҳайрон,
Камарбаста пирим, ё, Шоҳимардон,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Диннинг чироғи Имоми Аъзам,
Муҳаммад уммати халққа мусаллам,
Камарбаста пирим, ё, Ғавс ул-Аъзам,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Қўлимга олайн шамшири олмос,
Бу лашкарга эмди кирмасам бўлмас,
Пирим Ғавс ул-Ғиёс, ё Хизр Илёс,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Ларзон урар мадад тилаб ғариб тан,
Нафси ҳаво ишларига яқинман,
Ўттизимда пирлик қилгон қирқ чилтан,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Қартайиб кўнглимда қолмади ором,
Йигитликда кўтарганман ботир ном,
Камарбаста пирим, ўн икки имом,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Барчаларинг бўлгон Чамбилнинг шоҳи,
Бўлиб ўтган ғарибларнинг паноҳи,
Аё, ота-бобом қолин арвоҳи,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Барчасининг Чамбил эрди ерлари,
Бўлиб ўтган ушбу ернинг эрлари,

Отамнинг қўл берган бузрук пирлари,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Гўрўғли дер: ҳеч қолмади нишоним,
Оғзимдин чиқадур бу дурфи шоним,
Сифинган, қул берган бузрук эшоним,
Мен ғарибга мадад берар кун эмди.

Алқисса, Гўрўғли султон бу сўзни айтиб, ҳамма комил пирларнинг арвоҳларига сиғиниб, қайтадан от устига миниб, ёнидаги тилла добилини уч-тўрт марта уриб, бир катта кўк чодирга етдики, тилла қўтосли тўрт-беш туғ туриб эди. Анга қараб от қўйиб, яқинлаб борғонда, Хўжаи Хизр алайҳиссалом бирла Илёс ва Фавс ул-Фиёс, қирқ чилтан, ўн икки имом олдиларидан чиқиб, Гўрўғли султоннинг отининг жиловидан тутдилар. Анда Гўрўғли султон аларни кўриб, ўзини отдан ташлаб, босган изларидан кўзига суртиб, пирлари бирла қўшилиб, Хизр алайҳиссаломнинг чодирларига кирдилар. Анда Хўжаи Хизр алайҳиссалом айдилар:

– Эй, Гўрўғли, сен Чамбилдин чиқарда лоф уриб, "Худо хоҳласа" демаб эрдинг. "Аввало ўлурман, агар ўлмасам, Авазни олиб келурман", деб чиққанингта Худой таолонинг қаҳри келиб, сени шул мартабада ер билан яксон қилмоқчи эрди. Биз сенинг учун Худой таолонинг даргоҳига етмиш уч мартаба бориб, сени бир чибиндек жонингни сўраб олиб эрдик. Агар сен бу мартаба аввал Худой таолога сиғинмай, иккинчи пирлардин мадад тиламай, эрлигингта ишониб, кўкраклик қилиб, бизларга от қўйсанг эрди, бизлардин, минг жонинг бўлса ҳам, омон кетмас эрдинг. Лекин сен бу ерга келганда, ақлинг кириб, Ҳақ таолони тилингта сидқи ихлос бирла олғондин сўнгра боз бизларга сенга қарши чиқиб, мадад беринг, деб амр ўлди. Сенга мадад бердик. Эмди билгил, сенга бир неча сўзлар айтайлик. Аммо сен эмди мундин отла-

ниб Бадбахт тоғнинг бошига чиқиб, у ёқ-бу ёқ қарагил. Бир оқ соқоллик киши қўй боқиб юргандир. Лекин ул чолнинг оғзида бир тиши йўқ. Анинг Худо бирла иши йўқ, ўзи душмандир. Авазхонга хуштордир. Ҳар йилда бир мартаба бориб, Авазхоннинг ойдек юзини, қуралай-дек кўзини кўриб келадир. Қўй боқиб андин олатурғон ҳақи шулдир. Аммо сен ўшал бобонинг қошига бориб, анинг кийимларини кийиб, қўлингга таёқни олиб, анинг қўйидан уч-тўрт юз қўйни бўлиб ҳайдаб, Авазхоннинг отаси Булдуруқ қассобни сўраб боргайсан. Лекин Булдуруқ қассобнинг хотини туркман фарзандидир. Ўзи мусулмон, оти Гулойимдир. Ул душман қўлига тушгали қирқ йил бўлди. Хануз ҳам оғасидин бир кишини кўргани йўқ. Ҳеч кимни танимайдир. Аммо туркманда Қўнғирбой деган бир укаси бор эрди. Сен ўшал Қўнғирбой бўлиб борсанг, ишинг битар, — деб бир неча ердан панд-насихат қилиб, Гўрўғлининг ҳақиға дуо қилиб қола берди.

Анда Гўрўғли султон пирларидин дуо олиб, Фиротни йўлга солиб, ўйнатиб, сувлиғини чайнатиб, Бадбахт тоғининг бошига чиқиб, у ён-бу ён қараб, ёйилиб ётган қўйни кўриб, қошига бориб, боқиб юрган бобога қараб, бу қўй кимники, деб савол сўради, бобо айтди:

— Остимда Фиротим ўйнар юз алвон,
Эғнимда ялтирар карк тери қалқон,
Меҳнат чекиб, жафо кўриб юрибсан,
Бу қўйларинг кимникидир, бобожон?

— Остингга арғумоқ минган бек йигит,
Бу қўйнинг эғасин сўраб нетасан,
Айтайин сўзимни, бир-бир сен эшит,
Бу қўйнинг эғасин сўраб нетасан?

— Эргаштирган менинг сонсиз кишим бор,
Сўрарға сендайларға хушим бор,

Бу қўйнинг эгаси кимдир, бобожон,
Мол йўқолтиб келадурман, ишим бор.

— Билсанг, болам, мен элимнинг сўзиман,
Бу мол учун қарайтурғон кўзиман,
Ҳар на йўқинг бўлса мендин сўрагил,
Бу қўйнинг эгаси ҳозир ўзимман.

Мен айтайин, болам, сўзга қулоқ сол,
Сеники эмасдур, билурман, бу мол,
Бу қўйнинг эгаси ўзимман, билсанг,
Очувда қилма эмди мени тентак чол.

Бу молнинг эгаси ўзимман, билинг,
Таёқ билан силайин, қошима келинг,
Эй, энағар, нега мунча сўзладинг,
Эгасиман, сен онангга эр қилсанг.

— Чини билан келса мен эрнинг ҳоли,
Қўйин боқар чўлда сендайин чоли,
Сен айтмасанг, айтмай турғил, қинғир чол,
Бу қўйни биламан, Авазнинг моли.

— Чўлларда юрарман мудом беқарор,
Ой юзин кўрмакка бўлиб интизор,
Таёқ емай, жўна эмди бу ердан,
Авазнинг отини тутма, баччағар.

— Бадбахтнинг кўп эрур турли гиёси,
Айта берсам келур сўзнинг жўяси,
Мен билурман бу молларнинг барини,
Аваз ўғлон эрур молнинг эгаси.

— Сен қайдин эшитдинг анинг зотини,
Ё ўқиб кўрдингми анинг хатини,

Ажал етиб агар келган бўлсанг,
Оғзингга олмагил Аваз отини.

— Гўрўғлидин бир-бир эшит бу сўзни,
Аваз учун йўлга соламан кўзни,
Чини билан кўнглинг бўлса, бобожон,
Келтирайми ушбу ерга Авазни.

— Эмди билдим, сен экансан Гўрўғли,
Ўлганингча сен юрмадинг ҳеч тўғри,
Аваз десанг ўттиз тишинг ушатай,
Изингга қайтиб кет, баччағар ўғри.

Алқисса, бобой аччиғи келиб:

— Мен Авазнинг ишқида ўлиб юрсам, баччағар, ани
олиб кетаман дейсан. Лекин сен одамига йўлиқмай юр-
ган экансан, — деб таёқни қўлига олиб, энкасига солиб,
бели буралиб, оёғи узалиб келаётир. Гўрўғлининг жило-
қидан(?) ушлар бўлди.

Анда Гўрўғли султон отдан аста тушиб, дарров қўл-
оёғин боғлаб, юрак-бағрини доғлаб:

— Товушингни чиқарма, — деб анча таёқлаб, устида-
ги кийимини кийиб, қўлига таёқни олиб, ўзининг ан-
жом ва ёв-яроғининг барини беркитиб, бир хилват жойга
қўйиб ва чолнинг бошига бир таёқ уриб ва яна Фирот-
ни чолнинг қошига қўйиб: — Эй, Фиротим, огоҳ бўл, ёв-
яроғимни сенга топширдим ва сени Оллога топширдим.
То мен Гуржистон бориб келгунча бу молга, бу ётган
чолга эҳтиёт бўлгайсан, — деб Гўрўғли султон Фиротга
қараб, бир сўз деди:

Сенсан менинг қўл-қанотим,
Урушга минсам савлатим,
Мен сени Ҳаққа топширдим,
Кўз Фиротим, жон Фиротим.

Пиёдалаб кетар бўлдим,
Мен чўпонлик ихтиёр қилдим,
Омон бўлгил то кўргунча,
Авазхонга кетар бўлдим.

Сенсан менинг тоза боғим,
Минсам сени тарқар доғим,
Мен келгунча эҳтиёт бўл,
Қўйиб кетдим ёв-яроғим.

Ҳеч кимга ўзингни билдирма,
Бу ерга жондор келтирма,
Ўтлаб қолиб гофил бўлма,
Душманга буни олдирма.

Ҳеч банда сени билмасин,
Ғафлатда сенга келмасин,
Биров олиб ёв-яроғим,
Қўл-оёғим кесилмасин.

Бошқа сўзга қулоқ солма,
Хабардор бўл ётган чолга,
Андин сўнгра бил насиҳат,
Эҳтиёт бўл ётган чолга.

Мен келгунча қоқирмасин,
Овоз қилиб бақирмасин,
Эҳтиёт бўл ушбу чолга,
Одам кўриб чақирмасин.

Гўрўғли дер: эшит муни,
Чолга бўлсин маҳшар куни,
Довши чиқса, бос юрагин,
Шуйтиб боққин, жоним, шуни.

Мен келгунча ётсин ухлаб,
Ишни биткар бунда тўхтаб.
Довши чиқса, босиб қўйгин,
Кўкрагидин ерга ниқтаб.

Алқисса, Гўрўғли султон Фиротга бу гапларни тайин қилиб жўнай берди. Анда чўпон бобонинг аччиги келиб, ётган жойида қимирлаб, довушини чиқарайин деб эди. Фирот кўкрагидан оҳиста бир босди. Чол ерга кириб кетгудек бўлиб, қўрққанидан индай олмай, кўзи жовдираб ётиб қола берди. Анда Гўрўғли султон қўйларнинг бир бошидан оралаб, катта-каттасидан, ғўнон, дўнонидан саралаб, тўрт юз қўйни бўлиб ҳайдаб, то хуфтонгача йўл юриб, Гуржистон шаҳрининг дарвозасига бориб кўрдики, ҳамма одам дарвозани беркитиб ётиб қолибдур. Анда Гўрўғли султон ўз отини Кўнғирбой қилиб, дарвозада ётган қўрбошиларга бир сўз деди:

Ётагимда қаторлаган нормисан,
Савдогар келса деб анга зормисан,
Хуфтон бўлмай, барча ётиб қолибсан,
Туринглар, миршаблар, уйда бормисан?

Хизматга яратган эгам кичикни,
Тополмайман кирай десам тешикни,
Ароқ ичиб ётган ҳамма миршаблар,
Очингизлар туриб менга эшикни.

Ҳавасга яктадай турқини,
Ярашиққа тол-тол ўрар зулфини,
Ташқарида мен бир келган савдогар,
Қўрбошилар, оч дарвоза қулфини.

Мол сотиб қилмоққа менинг тўйим бор,
Бозор солиб сотсам деган ўйим бор,

Қўрбошилар, оч дарвоза қулфини,
Қўрқаман, олдимда беҳад қўйим бор.

Савдогарлар бугун хафа бўлмасин,
Ташқарида биров зўрлик қилмасин,
Қўрбошилар ичкарига киргизсин,
Ўғирлашиб дала ерда олмасин.

Мен мусофир, элу юртим қолди-да,
Худойим бошимга савдо солди-да,
Бир қўйим йўқолса, сиздан юз қилиб
Тўлатиб олурман подшоҳ олдида.

Оҳ урсам тўкилур кўзимнинг ёши,
Қиёматча бўлур марднинг саваши,
Мен савдогар, мусофирман сизларга,
Дарвозани очқил, бобо қўрбоши.

Алқисса, Гўрўғлининг бу сўзини қўрбошилар эши-
тиб, бир-бирига айтдиларки:

— Ўзбакдан келган савдогар экан, олдида моли кўп
экан. Агар буни шаҳарга киргизмасак, баногоҳ бир моли
йўқолса, бошимизга бало бўлур, — деб дарвозани очиб,
ҳамма қўйларини ичкарига киргиздилар.

Анда Гўрўғли ўзини анқовсимон қилиб: — Йўл бўлсин,
деганига — Ассалому алайкум, — деди.

Анда душманлар айди:

— Қайда борурсан?

Гўрўғли айди:

— Мол-жонимиз омондир.

Душманлар айди:

— Қанча қўйинг бор?

Гўрўғли айди:

— Овулдин чиққанимга йигирма беш кун бўлди.

Душманлар айди:

– Бу қўйларинг пулига нима олурсан?

Гўрўғли айди:

– Қўйларим неча кундан бери йўл юриб, чарчаб ётқандир.

Қизилбошлар айди:

– Отинг нимадур?

Гўрўғли айди:

– Беш-олти йилқим бор эди, анинг ҳар қайсини бир бола миниб кетибдур. Бу ерга пиёдалаб келибман.

Лекин Гўрўғли ҳар гап айтганда, душманлар қаҳқаҳа уриб, кулиб айтур эди:

– Бу аҳмоқ экан. Бу ўзбак эрта бу афт-андоми билан шаҳарда бозорга қўй солса, бунинг ҳам қўйларини талаб олиб кетар. Бизлар ҳам бориб турайлик, – деб ўшал кеча ётиб, тонг отгандан сўнг Гўрўғлининг қўйини ҳайдашиб бозор бошига келди.

Кўрдики, ҳали қўй бозорга тушган йўқ, савдоси очилган йўқ. Анда Гўрўғли султон ҳамма қўйларини кўканлаб, ўзи катта калтакни қўлига олиб: "Ўшал ерда одамлар ишониб, аҳмоқ экан десин", деб, бир анча афсона сўзларни баён қилиб турур эди.

Ўшал ҳолатда Гўрўғли султон кўрдики, тилла жиғаси бошинда, беш юз қассоб қошинда, ўзи эллик ёшинда, бир саман йўрғаси бор, пўшт-пўшглаб Булдуруқ қассоб келиб, қўй бозорини оралаб, катта-катта қўйларни саралаб, келиб Гўрўғли қошинда турди. Анда Булдуруқ қассоб турган одамлардин сўради:

– Бу қандоқ кишидур?

Қизилбошлар айди:

– Биз бунинг қандоқ одам эканин билмадик. Зероки, бир нима десак, бул бошқа бир нима ўтлайдур. Ўзингиз сўранг.

Анда Булдуруқ қассоб:

– Қайдин келурсан ва қайда борурсан? – деб Гўрўғлидин сўради.

Анда Гўрўгли бир-бир жавоб берди:
– Бу ерларга ғариб бўлиб келасан,
Ўзингни кўп ичра ёлғиз биласан,
Аслу наслинг қайдин сенинг, сўрайин,
Аё, ўзбек, қайси элдин бўласан?

– Ажал тегса, қизил гулдай сўламан,
Олдима кўп қўйни солиб келаман,
Аслим менинг туркман элнинг фарзанди,
Шаҳрингта савдо бор учун келаман.

– Ярашиққа от кокилин тарайман,
Даллол бўлиб қўй сотарга ярайман,
Ўзбек деган ота юргим бўлади,
Қай уруғсан, уруғингни сўрайман.

– Ода бўлмас элим шакару қанди,
Кўнглимдин кетмайдур пирларни(нг) панди,
Аслимни сўрасанг, сенга айтайин,
Менинг аслим Така-Ёвмит фарзанди.

– Ким билади ичингдаги ўйингни,
Кувонаман кўриб сенинг бўйингни,
Бу ерга на учун келдинг сен ўзинг,
Сотармисан олиб келган қўйингни?

– Ҳам учи-қуйруғи йўқдир ўйимнинг,
Иссиғи йўқ сенга рангу-рўйимнинг,
Бу қўйларнинг баҳосини билмайман,
Ҳамзамон эгаси келур қўйимнинг.

– Ўйлаб турсам мана ўзбек шум экан,
Юрган еринг Ёвмит элда қум экан,
Қўйимнинг эгаси бор деб айтасан,
Мен сўрайин, қўй эгаси ким экан?

– Худойим суймаган банда хору зор,
Дўзахийнинг бир белгиси — кўнгли тор,
Мени ёлғиз бошли дема бу ерда,
Бу шаҳарнинг каттасидан язнам бор.

– Бошима зарафшон салла ўрайин,
Савлат қилиб муритимни бурайин,
Бу шаҳарда менинг язнам бор дейсан,
Язнанг оти кимдир, сандин сўрайин.

– Мен айтайин, сўраб бориб они топ,
Сўрасанг билади ҳамма шайху шаб,
Айтайин, язнамнинг отин сўрасанг,
Отини дерлар Булдуруқ қассоб.

– Эмди билдим тортган жабру жафонгни,
Кўрсатгил менга эмди вафонгни,
Язнанг оти агар бўлса Булдуруқ,
Биламисан, оти кимдур опангнинг.

– Юрагимга тутди менинг кўп войим,
Азалдин айирган бизни Худойим,
Янгилмасам болаликда кетибди,
Чироғимнинг оти эрди Гулойим.

– Қай ерларда қолди Ёвмит элатинг,
Туркман элидандир сенинг зотинг,
Опанг билан язнангни мен танидим,
Ким бўладир, айт мента ўзингнинг отинг.

– Кичикликдан ғариб қилди бир Худой,
Ғариб бўлиб кунда чекдим оху вой,
Аслу насли бир-бир қилиб сўрадинг,
Ўз отимни, билсанг, дерлар Қўнғирбой.

Алқисса, Булдурук қассоб:

— Қўнғирбой чироғим, эсон-омон бўлдингми. Ул тарафдаги ота-она, қавм-қариндошлар омонми, — деб Қўнғирбойга қараб, бир сўз деди:

Асқарнинг тоғининг усти туманму,
Ул юртларни бизга кўрмак гумонму,
Сўрайин бир-бирин сендан, Қўнғирбой,
Туркмандаги элу юртинг омонму?

Ҳажр ўтиға қолди бизнинг танамиз,
Ёвмитнинг элинда ота-онамиз,
Куйдирма бу кунда кулба хонамиз,
Оқ сут берган меҳрибонлар омонму?

Баҳор булбул боғда сайрар гулимиз,
Сўзлашайлик, ой тусли) дилимиз,
Ёвмитнинг элинда барча элимиз,
Бола-чақа, оға-ини омонму?

Ким билади кўнгилдаги дардимиз,
Ичимиздан чиқар оху гардимиз,
Кўрмасакда бизнинг ҳам бир юртимиз,
Катта-кичик, навжувонлар омонми?

Юрагимга тушди сенинг бу доғинг,
Баҳорда очилур гулшанда боғим,
Бўйингдин айланай сенинг, чироғим,
Ул тарафда қолган эллар омонму?

Барчаларнинг ичинда мен удаға,
Кийганим ипақдир, олтиндин жоға,
Дол бўйингдан мен бўлайин садаға,
Ёвмит элда навжувонлар омонму?

Булдуруқ дер: кўздин ёшим тизилди,
Сени кўриб менинг кўнглим бузилди,
Кўнғирбой деганда бағрим эзилди,
Дарду бало кўрган эллар омонму?

Алқисса, Гўрўғли султон Булдуруқ қассоб билан сўзлашиб, кўришиб, ҳол-аҳволларини сўрашиб эди.

— Язна, Авазхон чироғим қайда, кўриб ўлай, деб келиб эрдим, — деди.

Аммо Авазхон Хунхоршоҳнинг олдида, бир неча манман деган маҳрамлар ёнинда, кеча-кундуз Хунхаршоҳ билан ўлтириб эрди. Анда Булдуруқ қассоб ёниндаги бир маҳрамини Хунхоршоҳга чоптириб:

— Авазхоннинг тоғаси келиб, ани кўрмакка кўпдан-кўп интизордир. Бу кунча бериб турсин, хизматларига эрта билан борур эрди, — деди.

Маҳрами бориб, Хунхоршоҳга Булдуруқнинг саломи-ни бир-бир баён қилди. Анда Хунхоршоҳ қабул қилиб, Авазхонни равон қилди. Авазхон от устида бозордан ора-лаб: "Менинг тоғам қандоқ йигит экан", деб яхши отли, яхши тўнли кишиларга қараб келур эрди. Баногоҳ Гўрўғлибекнинг кўзи Авазхонга тушиб, югуриб бориб, от устидан Авазхонни кучоқлаб олиб, кўтариб олиб, икки юзидан искаб, олмадек қўйнига солиб, Авазхонга қараб, бир сўз деди:

Сени кўриб кетди кўнгилдин армон,
Иш бўлмас қудратли Ҳақдин бефармон,
Юрагимда армон билан дардим кўп,
Чироғим, сендурсан дардимга дармон.

Ярашиққа зар кокилим силайман,
Қарчиғадай бўлиб туриб тилайман,
Дол бўйингдан бир кўрмакка, Авазхон,
Тилай, тилай, комил пирдин тилайман.

Бўйингдан мендайин тоғанг садаға,
Қулоқ солғил мен айлаган нидоға,
Ой юзингни бир кўрсам деб, чироғим,
Саҳроларда йиғладим тинмай Худоға.

Сени излаб туролмадим элларда,
Хоҳи чўлда бўлсин, хоҳи кўлларда,
Охиринда излаб чиқиб, бол Аваз,
Пиёда йўл юрдим узоқ чўлларда.

Аждаҳосан, ким чидайди захрингга,
Кўй ҳайдадим тошу тоғу наҳрингга,
Охиринда чидай олмай, чироғим,
Савдогарлик қилиб келдим шахрингга.

Жонима ўлчадим айтган сўзингни,
Аввал ўлгунча қуллик қилай ўзимни,
Тоғу тошнинг азобини кўп кўрдим,
Шукрилиллоҳ, кўрдим ойдек юзингни.

Оқ юзингга ярашадир қўша хол,
Душманларинг бўлсин сенинг поймол,
Шукрилиллоҳ, кўрдим ойдек юзингни,
Бир қора мўйингга садақа ушбу мол.

Юрагимга тушди сенинг бу доғинг,
Ҳар кимсадин сўраб билдим сўроғинг,
Худога минг шукур кўрдим бўйингни,
Ўлсам заррача йўқдир армоним.

Алқисса, Гўрўғли султон бу сўзни айтиб, Авазхон-
нинг бошидан уч мартаба айланиб, кўксига қисиб, кўз
ёшини ёмғирдек тўкиб йиғлар эрди. Бунни кўриб Булду-
рук қассоб гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб, ёниндаги одамларга
айтур эрди:

— Ўзбек халқи шундоқ бағрмол бўлур экан. Кўрдинг-ларми, жиянларини соғиниб келиб кўрган сўнг бошидан айланиб, мундоқ қилаётир.

Турган халойиқларнинг ҳам кўнгли бузилиб, йиғлашур эрдилар. Аммо ўшал ҳолда Гўрўғлининг устидаги кийган чакмани Авазхоннинг гулдек баданига ботиб, Аваз ўғлон отасига қараб, бир неча афсона сўзни айтиб эрди. Ҳазали:

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ҳар банда олгани билан қарисин,
Чакмани бағримдин ўтиб боради,
Қув ўзбекнинг кийган кийими қурисин.

Бек бўлиб нетадур, шунқор чуймаса,
Добил бойлаб нетар, ани туймаса,
Мунча қўйни бекор ҳайдаб нетади,
Устига бир яхши тўнни киймаса.

Ол деганда, эрми ёвга тегмаса,
Қилган иши бекор хайри бўлмаса,
Моли қурсин бу ўзбекнинг ҳайдаган,
Остига бир яхши тулпор минмаса.

Сўз айтмангиз, эшитганга ёқмаса,
Сўз сўраманг, нокас сўзга боқмаса,
Мол жийиб меҳнатин кўриб нетади,
Нукра қилич белга олиб тақмаса.

Чорвадорнинг юрар ерлари Болқон,
Қора сувга қориб ичарлар толқон,
Мол меҳнатин бекор кўриб нетади,
Эгнига тақмаса карктери қалқон.

Бу дунё ёлғончи, биздин ўтади,
Барча молин бир кун ташлаб кетади,

Дўсту душман, барча қилур масхара,
Келмай кеткур, йўлда ўлса нетади.

Моли йўқлар ҳар ерларда дармонда,
Бефарзанднинг ўтган умри армонда,
Келмай кетгур, тоғангман деб келибди,
Дўст-душманга мени қилиб шарманда.

Бу сўзларни сўзлар бир-бир Авазхон,
Иш бўлмас қудратли Ҳақдин бефармон,
Элу юртга мени қилиб шарманда,
Эртароқ йўқотгин буни, отажон.

Алқисса, Авазхоннинг бу сўзини Булдуруқ қассоб эшитиб:

— Эмди, эй беақл бачча, кўп номаъқул сўзни айтма. Шунча қўйи бор киши от-анжом топа олмадимиз?! Шул қўйларнинг тўртдан бирини ўзига қаратиб харж қилса, беклар савлатинда бўлур. Лекин тоғанг мусофирликни ихтиёр қилгон экан. Ўзи сўфинақш, авлиё одам экан. Бундан буён яна шундоқ деб айтсанг, дарҳол ўлдирурман. Эмди турғил, тоғангни уйга олиб борғил. Опаси билан кўришиб, баҳузур ётсин. Ўзинг олдида хизмат қилиб турғил, — деди. Яна Гўрўғлидан: — Қўйларингнинг баҳосини айтиб кетгил, — деб сўради.

Қўнғирбой:

— Эй, язна, бу қўйлар аввали меники бўлса, охири ўз молинг турур. Бозор баҳоси билан сотиб келгил, — деб Авазхонга қўшилиб жўнай берди.

Анда Авазхон тоғасининг қўлидан ушлаб, олдида тушиб бошлаб, ҳовлисига бориб, онасининг қошига бориб, онасига қараб, бир сўз деди:

Ўйласам, бу дунё ишлари фано,

Худо суйган қулнинг тилида сано,
Мен бир сўзни сенга баён этайин,
Қулоқ солиб тингла буни, жон она.

Сўз эшитгил бол Авазнинг тилидан,
Бир киши чиқибдир Ёвмит элидан,
Бу ерга келибдир бизни сўроқлаб,
Бизларни кўрмакка қолиб йўлидан.

Найзага баробар анинг бўйи бор,
Билмайман хаёли, нечук ўйи бор,
Бу шаҳарга ул келибдир сўроқлаб,
Олдинда ҳайдаган беш юз қўйи бор.

Бугун эрта ул кирибдир шаҳарга,
Кўчини ортибдир бир катта норга,
Бу шаҳарнинг ёлғизини танимай,
Солган экан қўйларини бозорга.

Ўзбек деб одамлар мазоқ қилибдур,
Мазоқ қилғонини ул ҳам билибдур,
Ҳайрон бўлиб турганида ул ўзбек,
Ногаҳон қошига отам келибдур.

Отам келиб ул ўзбекка қарабди,
Сўз сўраса, жавобига ярабди,
Асли-наслин бир-бир қилиб ўзбекдин,
Ани отам ҳўб ахтариб сўрабди.

Ул ўзбекнинг айтган сўzlари эбди,
Бу шаҳарда менинг язнам бор дебди,
Язнасининг асли-наслин сўраса,
Сўраган язнаси отам чиқибди.

Ул ўзбекдин бир келибди ўзингдай,
Сўзласа сўзлари мисли ўзингдай,
Ёвмит элда оға-ининг бормиди,
Айириб бўлмади, кўзи кўзингдай.

Дема, она, мени эмди ўйинчи,
Туриб бугун тоза тўнлар кийингчи,
Тоғамиздан кўнгил узган бўлмасанг,
Тоғам келди, бергил эмди суюнчи.

Неча кун йўл юриб бағрини доғлаб,
Сени, мени бир кўрмакка зор йиғлаб,
Тоғам келди бермаймисан суюнчи,
Гулойим қайда деб келди сўроғлаб.

Ичадиган деган Худо суйган семиз чой,
Бир неча нон тополмай, йиғлар вой-вой,
Ишонмасанг, эмди сенга айтайин,
Сўраб эдим, отим деди Кўнғирбой.

Авазхон дер: орқам эмиш бешикда,
Ё бўлмаса кўзим эмиш тешикда,
Бунда билганимча борин сўрадим,
Чиқмаймисан ул турибдир эшикда.

Алқисса, Гулойим Авазхондан Кўнғирбой отини эшитиб,
тоби-тоқати қолмади. Оҳ уриб, зор йиғлаб, уйдан югуриб
чиқиб, Кўнғирбойнинг бўйнидан кучоқлаб, кўз ёшини ерга
тўкиб, Кўнғирбойни искаб, бир сўз айта берди:

Юракларга тушди аламли доғим,
Хазон бўлмай сўлди менинг чорбоғим,
Қирқ йил бўлди айрилгани элимдан,
Эсон-омон юрарсанму, чироғим.

Кеча-кундуз бўлди юракда войим,
Ваҳм солган менга қодир Худойим,
Эсон банда кўрар экан бир-бирин,
Бўйингдан айлансин мендай Гулойим.

Ётсам-турсам сени Ҳақдан тиладим,
Ҳеч бермади Ҳақ таоло муродим,
Мусофирлик бошга тушиб бу ерда,
Гоҳи кунлар тинмай Ҳаққа йиғладим.

Бир одам кўринса, ани кўзладим,
Кимни кўрсам, туркман элдан сўзладим,
Мусофирлик қурсин эмди, қайтайин,
Гоҳи кунлар бўтадайин бўзладим.

Қолмади, қайтайин, душман қоғиниб,
Мен юрганман ғанимларга боғиниб,
Худойимга бўтадайин бўзладим,
Жовдираган кўзларингни соғиниб.

Шукрилиллоҳ, кўрдим ойдак юзингни,
Бир кўрмакка интиқ бўлдим ўзингни,
Умримнинг барини йиғлаб ўткардим,
Соғиниб, чироғим, деган сўзингни.

Эр-йигит майдонни кўрса шайлансун,
Худоё, душмоннинг қўли бойлансун,
Элу халқим, қариндошлар омонму,
Бўйингдин мендайин кўрган айлансун.

Мени бундай шўрли қилди бир Худой,
Шўрли бўлиб кунда қилдим оҳу вой,
Ўлган ўлиб, тириклари сиҳатму,
Қай бирин сўрайин эмди, Кўнғирбой.

Гулойим дер, элни кўрмак гумонму,
Бошима ҳар кун охир замонму,
Барчасини сендан сўраб нетайин,
Юрт эгаси Гўрўғлибек омонму.

Алқисса, Гулойимдан бу сўзларни эшитиб, Кўнғирбой ҳам бўтадай бўзлаб йиғлаб, иккиси кўришиб, ҳолаҳвол сўрашиб ўтиргандан кейин Кўнғирбой айтди:

— Эй, чироғим, элу халқнинг барчасини сўрадинг, маъкулдир. Агар Гўрўғли бизга ёв турур. Ани нимага алардин ҳам кўпроқ сўрарсан?

Анда Гулойим айтди:

— Эй, ука, кишининг ўз уруғи бўлгандин сўнг киши чидаб бўлмас экан. Зероки, душманлар айтса, Гўрўғли султон фалон ерга келиб, чопиб олиб, кўп ўлжа билан кетибди деса, шул ерда ўлтириб, кўйлагимга сиғмай, семириб қувонурман. Агар қочиб бораётир деса, уч кунгача томоғимдан ош ўтмайдур. Шул сабабдан ани сўрайман.

Анда Гўрўғли буни эшитиб, билдирмай, ўксиб-ўксиб йиғлади.

Алқисса, Авазхон тоғасини меҳмонхонага киргизиб, тўққиз турли таом тортиб, ҳар на деганини тайёр қилиб, гоҳ Гўрўғлининг тизиди ўлтириб, бўйнидан қучоқлаб, бир дам бошқа ерда ўлтирмай, Гўрўғлидан туркман эли, Чамбилбелини сўрар эрди. Анда Гўрўғлихон айтур эрди:

— Эй, Авазхон, олиб кетсам, бизнинг элга бориб, бек бўлиб юрармусан?

Авазхон айтди:

— Агар олиб кетсанг, бораман.

Гўрўғлихон Авазхоннинг сўзига қайта батар эриб кетиб, бол Авазхоннинг бўйнидин қучоқлаб, икки юзидан суйиб искаб, Чамбилбелда ўлтиргандек бўлиб, бир сўз деди:

Юракда қолмасин сўзларим пинҳон,
Пинҳон сўзни айлай бу дамда аён,
Бизнинг эллар ажаб элдир кўрарга,
Борармусан олиб кетсам, Авазхон.

Томошаси кўкартади иймонди,
Ҳар ким кўрса, анинг ақли ҳайронди,
Боғларида мудом сероб булбуллар,
Булоқлари ҳар тарафга равонди.

Ботирлар қўлида олтин байдоклар,
Овга чиқиб садда сендай бўйдоқлар.

Очилиб жавзода Асқар булоғи,
Бошинда ўйнашур олқор, улоғи,
Кўрган киши асли чиққуси келмас,
Тўбасида улоқларнинг қулоғи.

Узун-узун тоғларининг силаси,
От чопмоққа ҳўб қойимдир даласи,
Шул тоғларга ёзнинг куни бўлганда,
Чиқади ўйнашиб беклар боласи.

Бекбаччалар карнай-сурнай қўяди,
Чулониға олқор, кийик сўяди,
Қиз-жувони ичларида аралаш,
Ҳар ким кўрса, анинг кўзи тўяди.

Одамлар бир сенга қилгон тулимдан,
На ишлар чиқади, билмам, ўйингдан,
Не-не ажаб ўйин-кулги анда бор,
Борармусан олиб кетсам, бўйингдан.

Қушинг солсанг бориб Ҳовдак кўлима,
Туркман эли интизордир йўлима,

Бўйингдин айлансин мендайин тоғанг,
Бекбачча бўлсанг-чи Чамбил элима.

Эга бўл дафтарда насия, нақдима,
Булбул бўлиб қўнгил боғда рахтима,
Бўйингдин айланай, болам Авазхон,
Бек бўлиб минсанг-чи тилла тахтима.

Йўлим тушди бундай душман зотига,
Қўшилмас бошингнинг асли уётига,
Бек бўлиб Чамбилнинг юртида юриб,
Минасанму ариллатиб Фиротига.

Аммо қизилбошларга Гўрўғли султоннинг ўзидан ҳам Фиротнинг донгғи зўр эрди. Қизилбошнинг йиғлаб турган боласининг олдинда "Фирот" деб сўз қилса, ўшал бола қўрққаниндин дарҳол йиғлаганни қўяр эрди. Лекин Гўрўғлининг айтган сўзига Авазхон ҳам эриб: "Тоға, олиб кетсанг, бораман", деб ўлтириб эрди. Ногоҳ оғзидан "Фиротга минасанми", деган сўз чиқиб эрди. Дарҳол Гўрўғлининг тизиди ўлтирган Авазхон қўрққанидан ирғиб эшикка чиқиб, даладаги одамларни чақириб: "Дод-фарёд, бизнинг уйда Қўнғирбой деб Гўрўғли келиб ўтирган экан", деб бир сўз деди:

Мени аҳмоқ қилган экан,
Ақлу ҳушим олган экан,
Йиғилинглар, эй, ёронлар,
Гўрўғли қув келган экан.

Жаёвгина бўлиб гадой,
Остига минмай ғўнон той,
Қувлик билан тоғам бўлиб,
Отини қўйиб Қўнғирбой.

Юрагимни қилмоққа доғли
Қўлимни этмакка боғли,
Қасдин тикиб келган экан
Қўнғирбойман деб Гўрўгли.

Мени ўғил қилайин деб,
Хўб сирини билайин деб,
Келган экан қув Гўрўгли,
Менга чангал солайин деб.

Муродига етмакликка,
Қўлларимдан тутмакликка,
Келган экан душман ўзбек,
Мени олиб кетмакликка.

Худодир бизга сабабкор,
Тақдирдандир, ҳар на келар,
Мунда келгил, баччағарлар,
Қўрбошилар, мирғазоблар.

Барча азроил савлатилар,
Ёнида шамшир пўлатлар,
Қайда кетдинг, йиғилинглар,
Сап қон ичгувчи жаллодлар.

Одам буйтиб қутирарму,
Ақлу хушин етирарму,
Душман деган кундуз куни,
Уйга келиб ўлтирарму.

Кўздин тўкинг ёшларини,
Териб олинг қошларини,
Мирғазоблар, келинг мунда,
Олингизлар бошларини.

Ичим туйди сўзларини,
Ўйиб олинг кўзларини,
Баччағар қув уйда ўлтирур,
Маҳкам боғланг қўлларини.

Дод айласа, берманг омон,
Солингизлар бошга туман,
Оз бўлмаса, эй, ёронлар,
Бўла ёзди охир замон.

Оёғин кес тизларидан,
Ўт чиқадур кўзларидан,
Баччағарни боғлаб олинг,
Қўрқадирман кўзларидан.

Алқисса, Авазхон бу сўзни айтиб, ҳовлидан дарвозага қараб йиғлаб чиқа берди. Анда Гўрўғли султон айтган сўзига пушаймон еб, саросима ва ҳайрон бўлиб, Авазхоннинг кейинида югуриб етиб, меҳмонхонага олиб келиб, айтди:

— Эй, Авазхон, қўзим, сенга не бўлди? Девона бўлдингми? Мен шундоқ узоқ йўлдан чироғимни кўрарман, деб интиқ бўлиб келсаму, сен мени Гўрўғли деб душманга гирифтор қилиб ўлтирсанг, яхши бўлурми?! Мен ким, Гўрўғли ким. Эй, Авазхон, Гўрўғли деган андоғ одам-дирки, ҳар кифтида ўн икки кишидан йигирма тўрт киши ўлтирур. Кулоқлари қалқондек, кўзлари шоҳкосадек, бурни, оғзи отасининг гўридек баччағардир.

Анда Авазхон қаҳқаҳа уриб кулди.

— Аммо сен менинг еримда ўлтирганингдек, ўз кўнглимда ўзим Гўрўғли бўлсам, Фиротим бўлса, сени олиб бориб миндирсам, деб сенинг мастлигинг билан айтибман. Йўқ эрса, Гўрўғли ёвдир. Агар Гўрўғлини ёлғиз топсам, гўштини хомлай ер эрдим, — деб Авазни ишонтирди.

Аваз Гүрүғлига қадимгидек тоға деб бүйнидан кучоқлаб ўлтирур эрди. Кун намозшом бўлди. Эrsa, Булдуруқ қассоб ҳамма қўйларини пул қилиб, уйга келиб, пулларини Гүрүғлининг олдига қўйди. Анда Гүрүғли ул пулларини уч ҳисса қилиб, бир ҳиссасини бозорлик, деб Булдуруқ қассобга берди, бир ҳиссасини кийим-кечак, деб Гулойимга берди. Бир ҳиссасини ўз ёнига сақлаб:

— Эй, язна, бу пуллардан Авазхонга нимага бермади, деб кўнглингизга келтирмангиз. Зероки, уйдан чиқарда Авазхонга энчи қилиб тўрт юз, ҳаммаси қора қўзи, ният билан ҳайдаб эдим. Шул тоғнинг бериги ёнинда келганда, қўзи қуйруқларини кўтара олмай қолди. Ахир ул қўзиларни бир чўпонга қўшиб, тайинлаб, ўзим бунда келибман. Насиб бўлса, эрта билан бориб, Авазхон ўз қўзи билан энчиларини кўриб, сиз билан яна қайтиб келсин, — деди.

Анда Булдуруқ қассоб кулимсираб:

— Хўп бўлур, — деб қола берди.

Турли-турли зиёфатлар қилиб, тонг отгунча Гүрүғлини сийлаб, тонг отгандан сўнг Булдуруқ қассоб саман йўрғага миниб, Авазхонни кейинига миндириб, чиқиб жўнай берди.

Анда Гүрүғли султон алар чиқиб кетгандан сўнг Гулойимни чақириб олиб:

— Эмди кўрсак-кўрмасак-да омон бўлгил, — деб хўшлашиб, бир сўз айтадир. Анда Гулойим ҳам Кўнғирбойга қараб, бир сўз деди:

— Ғариб синглим, бугун қайнаб жўш эмди,
Қазо жойин тутар бўлдик, хўш эмди,
Бир кўргали келиб эдим узоқдин,
Яна қайтиб кўрганимча, хўш эмди.

1. Унга қулоқ солинг, демоқчи.

– Қўйинига кабоб қилди бир Худой,
Худого қилурман тинмай оҳу вой,
Меҳрингга қондирмайин борасан,
Уч-тўрт кун ётсанг бўлмайму, Қўнғирбой.

– Агар бир йил ётсам меҳринг тўймайди,
Тириклик ётурга бизни қўймайди,
Омон бўлгил, ғариб синглим, кўргунча,
Мол бошига мен бормасам бўлмайди.

– Ўт туташди бу кун ғариб танага,
Фалак шабхун урди кулбахонага,
Қайтар бўлсанг ўз элингга, Қўнғирбой,
Салом дегил аввал ота-онага.

– Сўзни сўзга улаштирса эб бўлур,
Охир замон бўлса, ўғри кўп бўлур,
Саломингни сиҳат борсам айтайин,
Бажонидил, ҳар на десанг, хўп бўлур.

– Муллалар олалар давот-қаламни,
Юрагима солди эгам бу ғамни,
Андин сўнг айтайин эмди, Қўнғирбой,
Юрт эгаси Гўрўғлига саломни.

– От кокилин ора чўлда ўрганди,
Тақдиринда ҳар на бўлса кўрганди,
Гўрўғлига нега салом айтайин,
Валлоҳ аълам ушбу ерда турганди.

– Мен садаға, Қўнғирбойжон, ҳулқингга,
Ғам қўшмасин эгам ўйин-кулгингга,
Бор, Қўнғирбой, сени Ҳаққа топширдим,
Бир-бир салом дегил элу халқингга.

- Бир нечалар тополмайдир изимни,
Кулоқ солиб тингла менинг сўзимни,
Яна бир сўзим бор айтайин сенга,
Менга топшир бол Аваздай қўзингни.

- Қўнғирбой, эшиттил менинг сўзимни,
Мотамда қўймагил эмди ўзимни,
Тентакмисан, ё мастмисан, Қўнғирбой,
Нега топшир дейсан менга қўзингни.

- Сайр этмакка тоза боғнинг гулини,
Авазинг биркитиб булди белини,
Бизнинг фолдин бўлса айтайин, Гулойим,
Аваз ўғлинг кўрар Чамбилбелини.

- Нега кўрсин Аваз болам элингни,
Ҳар нима деб сўз айтасан тилингни,⁹
Тилингни торта сўзла, эй, Қўнғирбой,
Боғлатурман дарров икки қўлингни.

- Баҳорда очилган боғда гул бўлур,
Бу кундин сўнг кўзда ёшинг қўл бўлур,
Хўш, омон бўл то кўргунча, Гулойим,
Қўзисидан айрилди деган шул бўлур.

- Билолмадим аввалгидай сўзингни,
Кўрганим йўқ илгариди юзингни,
Мен мушטיפар йиғлаб қолиб бораман,
Ким-да бўлсанг, билдириб кет ўзингни.

- Ўйласам бу дунё барчаси фони,
Бу кундин илгариги одамлар қани,
Мен ростимни айтиб кетай, Гулойим,
Аслимни сўрасанг, Чамбилнинг хони.

– Кўришали кел қайтадин десанг-чи,
Хар на бўлса, берарироқ келсанг-чи,
Чамбилнинг хониман дегунча, жоним,
Айирилдинг Авазингдан десанг-чи.

Алқисса, Гулойим Гўрўглининг бу сўзини эшитиб,
бунинг тайин Гўрўгли эканини билиб, дарвозадан йиғ-
лаб чиқиб, Булдуруқ қассобнинг кейнидан югуриб етиб,
зор-зор йиғлаб, Авазхонни ташлаб кетгил, деб бир сўз
деди:

Текинмиди сенга дала ерда мол,
Бу сўзима тинглаб эмди қулоқ сол,
Кўзимни ортингта миндириб борасан,
Эмди сенга йўл бўлсин, эй, тентак чол?

Юрагингта солур доғу аламини,
Кўнглима солмагил ҳижронли ғамни,
Ортингта миндириб жўнаб борасан,
Қайда олиб борасан сен боламини?!

Гул деб излаб борган еринг йўл бўлсин,
Душманларинг келиб сенга эл бўлсин,
Ортинга бир қарамайсан, аҳмоқ чол,
Қараб тургил, мен сўрайин, йўл бўлсин?

Эсон банда кўрар қиш билан ёзни,
Гумроҳ қилган ўхшайдур Худойим бизни,
Кетар бўлсанг, ўзинг кетгил далага,
Ташлаб кетгил бунда болам Авазни.

Юрагинг қилмайму ғам билан доғли,
Кўлингни айлаюр армонда боғли,
Кўзи берар деб борасан Кўнғирбой,
Кўнғирбой деганинг экан Гўрўгли.

Ҳеч амал қилолмай қолиб қалага,
Ёлғондан қўзим бор деб болага,
Қўнғирбой деганинг чиқди Гўрўғли,
Чиқармагин Авазимни далага.

Гулойим дер: тингла айтган сўзимни,
Сарғайтмагил, қаба фалак, юзимни,
Қўзи деб айриладирсан қўзингдан,
Далага чиқарма Аваз қўзимни.

Алқисса, Гулойимнинг бу сўзини Булдуруқ қассоб қулогига олмай, на дейсан, деб қошига келмай, на деганини ҳам билмай, саман йўрғанинг тизгинини олиб, Авазни сағрисига солиб, шаҳардан чиқиб, далага қараб жўнай берди. Лекин Гулойим бечора юзини йиртиб, дод-фарёд деб кейинидан югуриб етолмай, охири ноумид бўлиб, Авазхондан айрилганини билиб, яна Гўрўғлининг қошига келиб:

— Эй, чирогим, Гўрўғли, то кўргунча сени Худога топширдим, қўзимни сенга топширдим, — деб бир сўз деди:

Сўзни сўзга куйганимдан ёширдим,
Улуғланиб оёғинга бош урдим,
Ўз суягинг эмди болам Авазжон,
Бол Авазни эмди сенга топширдим.

Даво тополмадим ушбу ярама,
Айтган сўзинг бир-биридан сарама,
Эрка бўлиб ўсиб эди Авазим,
Аччиқланиб оқ юзига қарама.

Қўриб билиб ичиб эдинг тузимни,
Сенга айтай эмди ички сўзимди,
Аччиқланиб гул қўнглини оғритма,
Ҳийла билан олиб чиқдинг қўзимни.

Ғариб қилиб юрак-бағрин доғлатма,
Гўристон йўлини анга чоғлатма,
Авазхонни эмди сенга топширдим.
Хафа қилиб ёлғизимни йиғлатма.

Ҳар бир сўзни ўйлаб-ўйлаб қарайман,
Эсон кетмоғингни Ҳақдин сўрайман,
Бир эр эрдинг, соғ-саломат элга бор,
Қасдлик қилсам, ўлдирарга ярайман.

Не қилайин, бундин жўна саломат,
Эр бўлсанг, айтурсан йўқла давомат,
Хўш, омон бўл то кўргунча Гўрўғли,
Авазни топширдим сенга омонат.

Соғ-саломат эмди бундин элга бор,
Аваз учун мен бўлурман интизор,
Боргин эмди, бир Худога топширдим,
То кўргунча, Гўрўғлибек, аллаёр.

Алқисса, Гулойим бу сўзини айтиб, зор-зор йиғлаб,
омонлашиб қола берди. Анда Гўрўғлихон йўлбарсдек
чорқиниб юриб, шаҳардан чиқиб, Булдуруқ қассоб би-
лан Авазхоннинг кейинидан етиб, аларни бошлаб, қўйни
кўрсатиб, кўп қўйнинг ичидаги қора қўзиларни Аваз-
хонга кўрсатиб кета берди. Тўрт юз қўй дегани етти юз
қўзи бўлди. Биёбон қўзига тўлди. Анда Авазхоннинг
юрагига ўт тушиб, Булдуруқ қассобга қараб, шибирлаб
бир сўз деди:

Ўлмасин, дўстлар ўлмасин,
Душманнинг бири қолмасин,
Отажон, бу қалай бўлди,
Шумликнинг боши бўлмасин.

Бир туш кўрдим бугун ёмон,
Ҳақ таоло берсин омон,
Бу кўзига кўп қизиқма,
Олиб кетмак бизга гумон.

Тўрт юзи етти юз бўлди,
Биёбон кўзига тўлди,
Бир дам, ота, туриб ўйла,
Қалай текин кўзи бўлди.

Оёғингдин тойрилмагин,
Қанотингдин қайрилмагин,
Бу кўзига кўп қизиқиб,
Авазингдан айрилмагин.

Бир нечанинг бағри доғли,
Ҳижрон кўрарсан на чоғли,
Кўзи ол деб алдаб келган
Бўлмасин ушбу Гўрўғли.

Кўп қўрқаман кўзларидан,
Туша берма изларидан,
Кеча ёмон чўчиб эдим
Мунинг айтган сўзларидан.

Мунга кўра тўлар дегин,
Йўлда чарчаб ўлар дегин,
Бориб эмди Қўнғирбойга,
Шу кўзилар бўлар дегин.

Мен қайтмасман сенинг билан,
Ота, мендан қилма гила,
Синамоққа Қўнғирбойдан,
Бориб эмди жавоб тила.

Авазхон дер: кўзи курсин,
Кечаги бир сўзи курсин,
Чаманг келса, қочиб кўргил,
Кўнғирбойнинг юзи курсин.

Алқисса, Авазхондан бу сўзни эшитиб:

— Рост айтурсан, чирогим, — деб теракнинг япроғи-
дек қалтираб, нетарини билмай, ҳайрон бўлиб Гўрўғли-
га:

— Эй, Кўнғирбой, эмди жавоб бергил. Авазхон икки-
миз шул кўзиларни ҳайдаб кетсак ҳам бўлар, — деди.

Анда Гўрўғли султон Булдуруқ қассобга нима дейсан,
деб тиклаб қараб эрди. Гўрўғлининг кўзи бу ёғидин у
ёққа ўтиб кетди. Зероки, ғайрати икки кўзида эрди.
Кўрган одамлар тоб-тоқат қилолмас эрди. Лекин Булду-
руқ билдики, бул Гўрўғли экан. Ҳийла билан бу ишлар-
ни қилган экан. Анда ўзи оҳиста-оҳиста бориб, отни
ушлаб, Авазни ташлаб, отга миниб жўнамоқчи бўлди.
Анда Гўрўғли султон Булдуруқ қассобга қараб:

— Шоҳингта салом де, бунда келсин, — деб бир сўз деди:

Уч кунгача изласанглар, мундин топ,
Сен келмайин қадам қўймаймиз тираб,
Аваз билан биз иккимиз турармиз,
Шоҳингта салом де, Булдуруқ қассоб.

Майдон ичра Фиротимни желейин,
Рустамнинг урушин сизга қилайин,
Шоҳингта салом де, эртароқ келсин,
Кўзғолмайин, сизлар бунда келмайин.

Умидим кўп тонгла Ҳақдан шафоат,
Бандам деб йўқлагай ҳасратли соат,
Бу ерда ётарман сизлар келгунча,
Қилмай кетмам бу ерда бир қиёмат.

Суриш бўлса ширин жондин кечмайин,
Душманларни найза билан санчмайин,
Бу ердан кетмам сизлар келгунча,
Сув ўрнига қизил қонни ичмайин.

Насиб бўлса зўрлигимни билдирмай,
Душманларнинг юрак-бағрин тилдирмай,
Бу ердин кетмам, Булдуруқ қассоб,
Узангига қизил қонни келтирмай.

Ўлгунча эгам қилмасин дарманда,
Худойим қилмасин бизни шарманда,
Бор шоҳингга, салом дегин Булдуруқ,
Демасин, йўлиқмай қолдим армонда.

Гўрўғлидан эшитиб ушбу каломди,
Бундай кунда қандай кўнгил оромди,
Сизлар келмай, мен кетмайман бу ердан,
Шоҳингга эртароқ бориб салом де.

Алқисса, Гўрўғли султон бу сўзларни айтиб, Булдуруқ қассобни жўнатиб, Авазхоннинг қўлидан ушлаб, Фиротнинг олдига олиб келди. Анда Авазхон Фиротнинг қадду қоматига, девзод суратига, малойикдек сийратига, дол бўйнига, ғарғара битган туёғига, фалакни кўзлаган думоғига, етти дарё музлаган шамолига баракалла, деб офарин қилиб, жон-дили билан Фиротга ҳуши кетди. Анда Гўрўғли султон ўзининг ёв-яроғини кийиб, Авазхонга боқиб, отга мингил, деб, ақлини синамоқ учун бу сўзни айтадур, Авазхон Гўрўғлининг сиёсатини кўзга илмай, қайтариб бир сўз деди:

– Юрагимда кўпдир алам,
Хушвақт бўлдим, кетибди ғам,
Бир сўз айтай, тингла буни,

Қоматингдан, Аваз болам,
Кел, Аваз, мингил Фиротга.

– Мусофирман менинг ўзим,
Чор тарафда икки кўзим,
Мен ҳам сенга бир сўз айтай,
Ота, эшит айтган сўзим,
Минмайман Гўрўғли отига.

– Сени деб сарғайди юзим,
Чўлларда ахтардим ўзим,
Хаёлингга на сўз келди,
Менга айтгил, жоним кўзим,
Кел, Аваз, мингил Фиротга.

– Эшитганман сенинг зотинг,
Элни босган сиёсатинг,
Эрлигингни кўзим кўрмай,
Не деб минай сенинг отинг.
Минмайман Гўрўғли отига.

– Майдонда от жилдирмагин,
Паймонангни тўлдирмагин,
Айтган сўзим кўп қайтариб,
Аччиғимни келтирмагин,
Бўйни йўғон, мин Фиротга.

– Ботирларнинг устозиман,
Шунқор ичра бозиман,
Эр эмассан, хотин номард,
Ўлдирсанг ўлдир, розиман,
Минмайман хотин отига.

– Кейнимиздан лашкар келур,
Чор тарафни қуршаб олур,

Ҳар қайси бир найза солур,
Бошимизда ғовға бўлур,
Келгин, бачча, мингил отга.

– Орқамиздан ғаним келмай,
Эрлигингни кўзим кўрмай,
Келганидин қизилбошга,
Шердай бўлиб қирғин қилмай,
Минмайман Гўрўғли отига.

– Кўшин келар байдоқ-байдоқ,
Дашту ёбон тўлар андоқ,
Кўп душманга ёлғиз ўзим,
Сочаман-ку кўпга тупроқ,
Кел, Аваз, мингил Фиротга.

– Сўз айтайин, мени бўлма,
Қиёматнинг куни бўлмай,
Не деб сенга мингашайин,
Рустамнинг қирғини бўлмай,
Минмайман Гўрўғли отига.

– Ғайратимдан ўрамайман,
Кўп сўзингга қарамайман,
Қартайибман ёшим етиб,
Урушмоққа ярамайман,
Мингил, болам, кел, Фиротга.

– Ботирлардай хуруш қилмай,
Йўлбарсдайин юриш қилмай,
Узангига қон келтириб,
Алидайин уруш қилай,
Минмайман ўзбек отига.

– Ўттиздаги ёшим ўтиб,
Умрим менинг борча кетиб,
Шаҳарингнинг лашкарига,
Қайтиб турай тоқат этиб,
Келгин, болам, мингил отга.

– Майдон ичра кирган яхши,
Хўб армонсиз қирган яхши,
Йўлиқмай қочиб кетгандан,
Уруш қилиб ўлган яхши,
Минмайман ўзбек отига.

– Ёв қўлидан қутилган яхши,
Баланд тоғдан ўтган яхши,
Қочирмоқ қўлдан келмаса,
Кўринмаёқ кетган яхши,
Кўп сўзлама, мингил отга.

– Ажал етса ўлган яхши,
Тақдирини кўрган яхши,
Душмандан қочиб кетгунча,
Қора ерга кирган яхши,
Минмайман, ўзбек, отинга.

– Эр йигитлар уруш қилар,
Душман кўрса юриш қилар,
Қирқ минг лашкар босиб келса,
Ёлғиз қайтиб уруш қилар,
Кел, Авазхон, мингил отга.

– Бурунгилар мундоғ демиш,
Худо берса бир кишига,
Қирқ минг лашкар сўз эмас,
Минмайман ўзбек отига.

– Гўрўғли дер: сўзим англа,

Ҳиммат қилиб келдим танҳо,
Отадан бўлсанг, шундай бўл,
Ҳимматингга баракалла,
Минмайдурсан сен Фиротга.

– Авазхон дер уруш қилмай,
Душманларга қилич солмай,
Худо берса бу душмандан,
Қириб-жўйиб обрўй олмай,
Нечук минай бул Фиротга.

Алқисса, Гўрўғлихон бол Авазнинг бу сўзини эшитиб, эрлигига қойил бўлиб, бир меҳри юз бўлиб, Авазхоннинг булбулдек тилларидан, пахтадек қўлларидан, шакардек сўзларидан, олмадек юзларидан, қуралайдек қўзларидан айланиб, Худога шукур деб ўлтирди.

Эмди сўзни Булдуруқ қассобдан эшитинг.

Аммо Булдуруқ қанотидан айрилиб, туёғидан тойрилиб, саман отга қамчи уриб, тинмай юриб, шаҳарга кириб, Хунхорни кўриб, бошидан ўтганини, Гўрўғлининг текканини, Авазнинг кетганини бир-бир баён қилди. Анда Хунхоршоҳ бу воқеани эшитиб, ақли кетиб, дарҳол аччиғи билан карнай-сурнай қўйдириб, ман-ман деган эрлардан қирқ минг йигит тайёр қилиб, ўзи билан Гўрўғлининг кейинидан тушиб, вақти пешинда Гўрўғли устига келди. Анда Гўрўғли султон Авазхонни бир тоғнинг устига чиқариб қўйиб, Авазхондан фотиҳа олиб, Фиротни ўйнатиб, сувлиғини чайнатиб, кўп душманга рўпара бўлиб, душманларга бир сўз деди:

Нолишим етсин фалакка,
Фулғула тушсин малакка,
Биз бу ёндин, сиз у ёндин,
Кел-ҳо, эрлар, якка-якка.

Қочганга дуруст ғорлар,
Остига минган тулпорлар,
Жондин кечган талабгорлар,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Устида қўрғон-чотирлар,
Олдига солиб шотирлар,
Қўп инъом олган ботирлар,
Келингизлар, якка-якка.

Ўзини ман-ман деганлар,
Хунхорнинг нонин еганлар,
Кировка, совут кийганлар,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Талашиб инъом олганлар,
Бир-бирига ўпка қилганлар,
Югуриб бедов минганлар,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Уруш қилинг кеча-кундуз,
Томошани кўрсин юлдуз,
Сизлар кўпсиз, мен бир ёлғиз,
Кел, ботирлар, якка-якка.

Томоша кўрсин бегу хон,
Қўриб турсин ул Авазхон,
Майдонда оқсин қизил қон,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Сизлар кўпсиз баланд-паста,
Бирдек урушга пайваста,
Уруш бўлса аста-аста,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Мен бир ғариб бошикаста,
Ёлғиздирман ўзим хаста,
Уруш бўлсин чаппа-роста,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Обрўй кимга берадир,
Кимлар майдонда ўладир,
Худойим кимга берадир,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Катта сафлар кейин турсин,
Туғ-байдоғин ерга қўйсин,
Томошани шуйтиб кўрсин,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Гўрўғлибек бизни дерлар,
Ингранур майдонда шерлар,
Жондан кечган садда эрлар,
Кел-қо, эрлар, якка-якка.

Алқисса, Гўрўғлихоннинг бу сўзини қизилбошлар эшитиб, маслаҳат қилиб, айдиларки:

— Агар бунга бирор-бирор борсак, биримизни биримизга қўшмас. Лекин ҳар на бўлса, буни ҳаммамиз бирдан ўртага олайлик, — деб ҳаммалари Гўрўғлининг устига бирдан от қўйдилар. Анда Гўрўғли ҳам душманларга қарши туриб, Ғиротта қамчи уриб, душманни оралаб, қўйдек суриб, Оллоҳ, деб от қўйиб, қириб-жўйиб, қонига тўйиб, қизилбошнинг ёмонини оралаб, семизини саралаб, найза найзада, қилич байзада, совут танда, тана жонда, Гўрўғли омонда; қонлар қорилиб, бошлар ёрилиб, кўзлар тешилиб, бедовлар чопилиб, хонлар ёпилиб, излаган топилиб, қочган қутилиб, совутлар сўтилиб, ўқлар отилиб, қонига ботилиб; баъзига аросат, баъзига қиёмат, Гўрўғли саломат, Хунхоршоҳга надомат; кўз

қўрмак, қулоқ эшитмак, оёқ юрмак, қўл урмак, катта-каттасини қирмак, жазосини бермак — Ғўрўғлига эрмак. Бу урушнинг томошасини Авазхон билан фаришталар қўрмак. Лекин Ғўрўғли душманлар билан эрта пешиндан кечгача отдан ерга қўнмай, бир дам ором олмай уруш қилиб, душманлар билан суришиб, лаблари қуришиб, ўлгани тиришиб, нега келдик, деб бир-бири билан керишиб, ер ва осмон бир бўлди. Бул урушнинг шаънига суханварлар бир сўз айта берди:

Кори қодир мавлон,
Юрагида кўпдир армон,
Шердай бўлиб Ғўрўғлихон,
От қўйди майдон ичинда.

Душманларин дириллатиб,
Найзасини пириллатиб,
Фиротини ғариллатиб,
От чопди майдон ичинда.

Худодан бўлган бу ишлар,
Ўнгин-сўлин боскурлар,
Тилладин суққан қиличлар
Чопилди майдон ичинда.

Бедовларга солиб мовут,
Уруш қилиб овут-овут,
Зар қуббали олтин совут
Сўтилди майдон ичинда.

Томошани кўриб балққан,
Душман бўлиб талқон-талқон,
Олтин қубба, кумуш қалқон
Ёпилди майдон ичинда.

Фаромуш бўлиб шу он,
Ағдарилиб Гўрўғлихон,
Жасадда турган ширин жон,
Сотилди майдон ичинда.

Ярашиққа қуриб чотир,
Ёболашиб сатта ботир,
Фаранг милтиқ патир-путир
Отилди майдон ичинда.

Урушда сатта бўйдоқлар,
Остида тулпор ўйноқлар,
Тилла қўтосли байдоқлар
Шириллар майдон ичинда.

Қонни қилиб мисли сувлар,
Боши кетиб неча қуллар,
Сап қорабош ола тувлар
Ёйилди майдон ичинда.

Барча душман бирдай бўлиб,
Қарар эрди ердай бўлиб,
Гўрўғлихон шердай бўлиб
Ақирар майдон ичинда.

Ҳар ким кўрса ақли шошиб,
Ота боладан адашиб,
Минган оти гуриллашиб,
Чопилди майдон ичинда.

Лашкар тушиб ҳар қаёндан,
Азаматлар кечиб жондан,
Ўн бир ёндан, беш бир ёндан
Топилди майдон ичинда.

Қирғин бўлиб охир замон,
Душманларга берманг омон,
Тоғ бошини олиб туман,
От қўяр майдон ичинда.

От чопишиб аста-аста,
Тўп-тўп бўлиб, даста-даста,
Бошлар кесиб чаппа-роста,
Қон тўқди майдон ичинда.

Ичади беклар қирқма чой,
Мададкор бўлгай бир Худой,
Олтин карнай, кумуш сурнай
Тортилар майдон ичинда.

Душманлар қилиб ҳамлалар,
Совутлар мисли байзалар,
Қизил яловли найзалар,
Ёйилди майдон ичинда.

Кўрганларнинг ақлин элителиб,
Бо кирсам деб бўлиб интиқ,
Оғзи катта қора милтиқ
Отилди майдон ичинда.

Қилғонға барча қойиллар,
Бедовга зарли айиллар,
Шамғам милтиқ, жазойиллар
Тўп бузар майдон ичинда.

Адашиб ақлидан қўплар,
Парвой қилмай ақли ҳўблар,
Аждаҳодай катта тўплар
Ишқирар майдон ичинда.

Уруш қилиб алвон-алвон,
Сигингани қодир мавлон,
Шул сифатда Гўрўғлихон
Қон тўқди майдон ичинда.

Алқисса, Гўрўғлихон Хунхоршоҳнинг қирқ минг лашкари билан танҳо ўзи урушиб, у ён, бу ён суришиб, қўйдай қириб, тўп-тўп айириб, зўрлигини билдириб, неча мингини ўлдириб, майдонни ўликка тўлдириб, лекин Гўрўғли султон ғайрат билан ҳар чопганда ўн бешни бирдан чопар эрди. Чопгани жазосини топар эрди. Кутирган итдай ерни қопар эрди. Аммо Гўрўғлибек ҳар ушлаганда йигирмани ушлар эрди, ушлаб туриб танасига муштлар эрди. Бир мушт бирлан ишлар эрди. Душманлар қўтир кучукдай қора ерни тишлар эрди. Шуйтиб вақтин хушлар эрди. Гўрўғли султон душманларнинг ўлигини буғдойнинг боғидек сочди, суягини ерга ташлар эрди. Баъзиларни ёқасидан тишлар эрди ва баъзилар қачон кутилармиз, деб кўзларини ёшлар эрди. Аммо Гўрўғли султон шул тариқа намозшомгача уришиб боқди, сув ўрнига қонлар оқди. Андоғ ҳам бўлса, ўлмагандек бўлиб, яна Гўрўғли устига от қўяр эрди. Ўшал ҳолатда ҳориб-чарчаб, сувсаб-чанқаб, қора чангга ботиб, ҳалқуми сувсизликдан қотиб, ҳайрон бўлиб, аввали □Олло таолонинг ўзидан мадад тилаб қолди. Авлиё-анбиё ва камарбаста пирларнинг руҳларига сиғиниб, мадад тилаб, ёд қилиб, бир сўз айта берди. Фазали бу турур:

Сизни яхши кўрган Жалил,
Фарзандингдир Исмоил,
Бир мадад бер мен ғарибга,
Айланай, Иброҳим Халил.

Арвоҳингизга тунайман,
Мақсадимни тилайман,

Бир мадад берар кунингиз,
Довуд ўғли Сулаймон.

Шарманда қилма ё Самад,
Бу душманга йўқдир адад,
Айланайин, Расулulloҳ,
Мен қулга берингиз мадад.

Бу душманинг ўзи беҳад,
Барчасининг ранглари бад,
Бир мадад берар кунингиз,
Умматим деб ё, Муҳаммад.

Менинг ўзим бўлдим ҳайрон,
Ғариб кўнглим бўлди бир ён,
Бир мадад берар кун эмди,
Абубакир, Умар, Усмон.

Сўз айтурман йиғлай-йиғлай,
Эранлар ичра сиз вали,
Бир мадад берингиз мен қулга,
Ё, пирим, ҳазрати Али.

Авлиёлар кияр жанда,
Хув деган оллоҳга банда,
Бир мадад берар кунингдир,
Ё, пирим, ҳазрати Зинда.

Урушмасам бунда бўлмас,
Сиз кетсангиз кўнглим тўлмас,
Бир мадад бер мен ғарибга,
Ғавс ул-Ғиёс, пирим Илёс.

Руҳингиз йўқлар ғарибман,
Зор қиладир ғариб тан,

Бир мадад берар кунингдир,
Камарбаста пирим чилтан.
Йиғларман айна намозшом,
Бўлмай кўнглим ҳеч ором,
Бир мадад берар кунингдир,
Ё, пирим, ўн икки имом.

Кўкларга етди зорлприм,
Юзимдин кетди орларим,
Бирор хабар мендан олмай,
Қўл уздингизми пирларим.

Гўрўғли дер: эшит сўзим,
Тўрт бўлди сизларга кўзим,
Сизлардан мадад бўлмаса,
На қилурман ёлғиз ўзим.

Алқисса, Гўрўғли султон бу сўзни айтиб, найзасига суяниб туриб эрди, баногоҳ кўзига бир чанг кўринди. Чангнинг ичида сонсиз оқ долақай кийган одамлар тўп-тўп, даста-даста туғ-байдоқлар чиқиб келиб, шошма Гўрўғли, деб Хунхоршоҳнинг лашкарларига ўзларини бир мартаба Оллоҳ, деб уриб, ул қўшинни така-пука қилиб юборди. Анда Хунхоршоҳнинг лашкарларини арвоҳ уриб, тўп-тўпхонаси, туғ-байдоғини ташлаб, қочиб бориб шаҳарга йиғилди. Анда Гўрўғли вақти хуш бўлиб, сайлаб юриб, зарли от ва зарли тўн бўлмаса, ўлжа қилиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўп ўлжа билан Авазнинг олдига келди. Анда Авазхон отасининг бу қилган ишини кўриб, баракалла, деб офарин қилиб, Гўрўғли деганча бор экан, деб бир меҳри юз бўлиб, "Отамнинг босган изини кўзимга суртиб ўлсам, армоним йўқ", деб ўз хаёлида ваъда қилиб турди. Анда Гўрўғли султон Авазхонга ўлжа отдан бир яхши отнинг эгарини эгарлаб берди. Ўзи Фиротга миниб, ўлжаларини олдига солиб, ўн минг

отга юклаб, Бадбахт тоғининг бошига чиқди. Анда Аваз-хон кейинига боқиб, Гуржистон шахрини кўриб, ёши оқиб, элу юрти билан ғойибона хўшлашиб, яна қайтиб кўргунча, деб бир сўз деди:

Олдимда кўринур Бадбахтнинг бели,
Неча кунлик экан, билмадим, йўли,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Ўйнаб-ўсгин она Гуржистон эли.

Айрилиқ бошима солғондур қаҳри,
Аждоҳодур, ким кўтарур бу заҳри,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Хўш омон бўлиб тур, Гуржистон шахри.

Солибдур юракка ҳижроннинг ўти,
Юзима урибдур чўлларнинг гарди,
Насиб бўлса қиёматда кўрармиз,
Омонда бўлиб тур, Гуржистон юрти.

Ҳажр ўтига қолар бўлди бу танам,
Вайрон бўлди, найлай, бу кулбахонам,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Оқ сут берган Гулойимдек жон онам.

Вайрон кўнглим эмди қайнаб жўш эмди.
Эсон бўлса нелар кўрар бош эмди,
Омонлашмай бир-бировдин айрилдик,
То кўргунча, ғариб синглим, хўш эмди.

Ўт тушади бол Авазнинг ичига,
Бола бўлди Гўрўғлидай кишига,
Салом де бошимдан учган қарғалар,
Ота рози бўлсин белин кучига.

Аччиғланиб қарамадим бетига,
Мен бораман Гўрўғлининг юртига,
Салом дегил шўрли ғариб онамга,
Онам рози бўлсин берган сугига.

Учқуриб қанотимдан қайрилдим,
Югругимда туёғимдан тойрилдим,
Омонда бўлинглар, барча оғайин,
Армон билан мен сизлардан айрилдим.

Урушга минганим жийрон қизилдай,
Қайтиб келиб кўрмак йўқдир биз элдай,
Омон бўлинг оға-ини барчангиз,
Туз насиба Гуржистондан узилдай.

Қулоқ солинг мен айлаган нидоға,
Жону дилим барчангиздан садаға,
Кўраму, кўрмаймизму, оғайин,
Омонат топширдим сизни Худоға.

Алқисса, Авазхон бу сўзни айтиб, кўз ёшини артиб, Гўрўғли-
га қўшилиб, Бадбахт тоғининг бошидан тушиб, ўлжаларни
ҳайдаб, Чамбилга юзланиб, пештоқларни кўра берди. Анда
Гўрўғли султоннинг вақти хуш бўлиб, Авазхонга қараб, ерла-
рининг отини айтиб, танитиб, бир-бир кўрсатиб, бир сўз деди:

Худойим бўлди мен ғарибга меҳрибон,
Майдонда оқиздим сувдай қизил қон,
Кокилингдан, дол бўйнингдан, чироғим,
Қулоқ солиб буни тингла, Авазхон.

Қулоқ сол Авазхон отанг тилига,
Ғариб бўлдим тушиб Чамбил йўлига,
Бўйингдан, кўрдик йўлнинг азобин,
Кўзингни оч, келдик Чамбил элига.

Ота тоғи Асқардир, она тоғи Болқон,
Чамбилбелда ўзим беку ўзим хон,
Аё, болам, Чамбил ичра кирган сўнг,
Қирқ йигитга хон бўлурсан Авазхон.

Ана бир кўринган Чамбилнинг боғи,
Булбуллари кўниб, учарлар зоғи,
Кўзинг очиб, ер-сувини танигин,
Ана турган Жонбулоқнинг булоғи.

Кўзимни тутибдир чангу губори,
Узоқдан кўринур Чамбилнинг дори,
Кўзинг очиб қара эмди, бол Аваз,
Ярақлаб кўринган Чамбил минори.

Қарай-қарай кетди кўзимнинг ёғи,
Бир тош эрди Чамбилбелнинг узоғи.
Минорлар қошида катта кўринган,
Барчасидир мадрасанинг пештоғи.

Бойлансин, Авазхон, ғанимнинг қўли,
Келаётган еринг Чамбилнинг чўли,
Шукрилиллоҳ, эмди келдик Чамбилга,
Ярақлаган ана Ҳовдакнинг кўли.

От чопмоққа қойим Ҳовдак даласи,
Лойлайдур Ҳовдакни беклар боласи,
Гўрўғли дер: келдик Чамбил элига,
Олдимизда турган Чамбил қаласи.

Алқисса, Гўрўғлининг бу сўзини Авазхон эшитиб келаётганди, олдидан тамом Чамбилнинг умаро, акобирлари бирла Ҳасанхон пешвоз чиқиб, отидан тушиб, ҳаммаси Гўрўғли, Авазхон бирла кўришиб, ҳорманг тўрам, деб барчалари дуо қилди. Авазхоннинг қадду қоматига,

Рустамдек савлатига, ойдек юзига, шакардек сўзига, қура-
лайдай кўзига қойил бўлиб ва деганча ўн ҳисса бор экан,
баракалла, деб ўртага олиб, Чамбилнинг дарвозасига
келдилар. Аммо шул маҳалда Оға Юнус пари, Мисқол
пари ва Гулнор пари ўзга тўққиз хотинга бош бўлиб,
Авазхонни Оға Юнус пари отдан қўтариб олиб, ёқаси-
дан солиб, этагидан тортиб олиб, ўн икки хотин бари
ҳам шундоқ қилиб, фарзанд қилдилар.

Алқисса, Гўрўғли султон Авазхонни олиб келиб, Чам-
билнинг шаҳрига киргизиб, бир кўнглини минг кўнгил
қилиб ва яна қирқ йигитнинг Авазхонга кўнгли тўлиб,
барча ойимлар ҳам шоду хуррам бўлиб, гўёки ўзлари
топгандай бўлиб, ҳеч бири биридан қизғанмади. Аммо
Гўрўғлихон Аваз ўғлонни меҳмонхонасига киргизиб, қирқ
йигитнинг ўртасига ўлтирғизиб, кўнглидан барча ғам ке-
тиб, Гўрўғли Аваз ўғлонга қараб бир сўз деди:

Сенсан менинг қизил гулим,
Балки менинг жону дилим,
Кокилингдан, Аваз улим,
Кўзим, тўлдир май, тўлдир май.

Уруш бўлса кир савашга,
Зулфинг юзингга яраша,
Қўлга олиб олтин коса,
Болам, тўлдир май, тўлдир май.

Файрат қилгил шердек бўлиб,
Душман қолсин ердек бўлиб,
Жаннат ичра ҳурдек бўлиб,
Кўзим, тўлдир май, тўлдир май.

Кокилинг юзинга таралиб,
Душман элини оралаб,
Йигитларни саралаб,
Кўзим, тўлдир май, тўлдир май.

Душманга қайғу меҳнат,
Қирқ йигитим сенга улфат,
Бу давронни бил ғанимат,
Қўзим, тўлдир май, тўлдир май.

Гўрўғли дер: шукур, Оллоҳ,
Аваз ўғлим менга дилхоҳ,
Беклар эрур ушбу дунё,
Болам, тўлдир май, тўлдир май.

Алқисса, Гўрўғли султоннинг бу сўзини Авазхон эшитиб, вақти хуш бўлиб, қирқ йигитни қатор ўлтирғизиб, икки зар кокилин икки юзига ташлаб, қадимги савлатини бошлаб, муқом билан лабини тишлаб, ғамза бирла биқинини ушлаб, қирқ йигитнинг вақтини хушлаб, бир косадан шароб бера берди. Қирқ йигит баъзилари Авазхоннинг ўзига ва баъзилари шакардек сўзига ва баъзилари нақш олмадек юзига, баъзилари қуралайдек кўзига боқиб, ароқ-шаробни кайфи билан, Авазхон, Ҳасанхоннинг жамоли билан кўнгиллари дунёдан битиб, ҳаммаси шердек бўлиб, Авазхоннинг сабаби билан бир йигитнинг куч-қуввати минг йигитдан ҳам зиёд бўлиб, Гўрўғлининг овозаси аввалгидан минг ҳисса ортиқ бўлиб, дунёнинг чор тарафига хабар етиб, тахту фалакка донғи кетиб, кўп ерларни Гўрўғли обод қилди. Аваз ўғлоннинг бошига жиға, белига тилла камар, устига либоси шоҳона бериб, қўлига ўзининг ҳукумат муҳрини бериб, маънан ихтиёр бериб, Чамбилбелини, Така-Ёвмит элини Авазхонга бериб, хон қилиб, мақсаду муродига етди.

Валлоҳу аълам биссавоб, таммат ул-китоб.

1329 сана.

АВАЗХОННИНГ АРАЗИ

Ушбу иккинчи қисса Авазхоннинг қиссаса турур.

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоғ ривоят қилурларким, Аваз ўғлон Чамбилбелга ва туркман элига бек бўлиб, вилоятни андоғ обод қилдики, бир кишига жабру ситам қилмади ва қирқ йигитни майхонада андоғ таҳқиқ қилдики, ҳар вақтики, қирқ йигит бирла ўлтириб шароб ичар бўлса, ногоҳ бировининг қўлидан косаси тушса ва ё косасида бир қатраси қолса, ул одамга Авазхон танбеҳ бериб, от-тўниғача ва ёв-яроғиғача соттириб, гуноҳкор қилиб олур эди. Лекин майхонада қирқ йигит бир-бири билан беҳуда сўзлашмоқ ва беҳуда қилмоқ ва беҳуда турмоқ ва бақирмоқ асло йўқ эрди. Агар буларнинг бирини бирови қилса, дарҳол гуноҳкор бўлур эрди ва яна қирқ йигит Аваз ўғлон билан ўлтурса ва ё бирга овга чиқса ва ҳар йигит бир минг йигитдек бўлиб, йигитларнинг ўртасига барокат кирар эрди ва агар Авазхонсиз бўлса, қирқ йигитнинг барокати бир йигитдек қолмас эрди. Аммо шул сабабдан қирқ йигит, Гўрўғли султон-барчаси Аваз ўғлоннинг кейинидан дуо қилиб айтур эрдилар: " Агар Худой таоло бизнинг му-род-мақсадимизни ва тилагимизни берса, Авазнинг олдида бизни олсин ва агар бизлар Авазхондан бирдан айрилиб қолсак, анинг доғи ҳажридан ўлармиз, ҳеч ишимиз ўнгмас. Ҳозирги Чамбилнинг хайру баракаси — Хизр - Илёс Авазхонга йўлдош бўлди. Эмди Худой таоло шул Авазхон тўраимизни ҳеч заррадек ёмонлигини кўрсатмасин".

Аввали Гўрўғли султон, қирқ йигит, ўрдадаги ойим оналари, Чамбил юртининг ғарибу ғурабо фақирлари — ҳамма Авазхоннинг адолати ва донгғини ва олмадек юзини, шакардек сўзини кўриб, кейинидан кеча-кундуз ғойибона дуо қилур эрдилар. Яна Хизр, Илёс икковлари ҳар жума оқшоми қирқ чилтан бирла келиб, Авазхоннинг ҳақиға дуо қилиб кетар эрдилар. Ойдек тўлғон юзини кўриб, томоша қилиб: "Бу дунёда ҳам мундоғ чирой-

лик одам бўлур экан", деб чилтанлар дуо қилиб кетди. Аммо ул орадан тўрт йил ўтди. Авазнинг яхшилигининг оти ер юзига кетди.

Алқисса, Авазхон Чамбилга шоҳ бўлиб, ўйнаб-кулиб, умрини шоду хуррам билан ва кундуз куни қирқ йигит бирла ўлтириб, кечаси тонг отгунча намоз ўқиб ва кишига билдирмай Худой таолонинг қаҳридан қўрқиб йиглаб, асло ухламас эрди. Шул сабабдан Хиэр, Илёс икковлари Аваз ўғлоннинг олдига ҳар ҳафтада бир мартаба келиб, иймонига ва умрига, жаҳонгирликнинг ҳақиға дуо қилиб кетар эрди. Аммо Гўрўғли султон юз йигирма ёшга кириб эрди. Нордек чўкиб, қаддини букиб, кўз ёшини тўкиб, дунёнинг бепоёнлигини ўйлаб, ўзидан бир зурриёд қолмаганига хафа бўлиб, Оға Юнус парининг ўрдасига кириб, Оға Юнус, Мисқол пари ва Гулнор парини чорлатиб, айтди:

— Эй, воафодорларим, сизлар паризода бошларингиз билан менга келиб, тегиб, кадхудолик қилиб эрдингиз. Эмди охир вақтим яқин етди, бир-икки йилдан сўнг сафар қилурман. Сизлар анда мени нима деб йўқлайсизлар, ўз қулогим билан эшитиб кетайин, — деб ўрданинг ўнг ёнида ўликдек бўлиб ётди. Анда уч паризода Гўрўғлининг ўнг ёғига ўтиб, устига кимхоб ёпиб, соч-ларини ёйиб, навбат-навбат ҳар қайсиси бир сўз билан Гўрўғлини тириклай йўқлагани:

Ўн бешингда ғориллағон нор эдинг,
Ўттизингда Асқар тоғдай бор эдинг,
Кўп душманга оч бўридай доридинг,
Ёшинг етди юз йигирма, қаридинг,
Булут чайнаб. музни пурккан кунларинг.
Фиротингни ғўғонида ўргатдинг,
Дўнонида ипак арқон суйратдинг,
Сен найзангни қора тошга туйратдинг,
Тошни талқон қилган сенинг ғайратинг,
Булут чайнаб, музни пурккан кунларинг.

Душманга қилдинг ҳар замон хурушни,
Рустамдек майдонда қилдинг урушни,
Йигитларга бердинг олтин-кумушни,
Қизил қонга бўяб тилла қилични,
Булут чайнаб, музни пурккан кунларинг.

Бу бир сўз бурундан қолган масалди.
Қирқ йигитга бердинг қанду асалди,
Ёвни кўрса ғайратли эрлар тасади',
Исфаҳондин Холдар ўғли Ҳасанди
Отамлатиб олиб қочган, султоним.

Олдингда чалдирдинг тилладин созни
Лочинга олдирдинг ўрдакман ғозни,
Юз ўн бирга кирганингда ғарқираб,
Гуржистондан қассоб ўғли Авазни
Бўтадай бўзлатиб қочган, султоним.

Эшитингиз Гулноройим сўзини,
Чўлларда телмуртиб икки кўзини,
Дод айласа эшитмайин сўзини,
Йигирмада Райҳон араб қизини,
Кокилин юлғитиб қочган, султоним.

Тоғларнинг бўладир турли гиёси,
Бузилмасин ҳеч банданинг уяси,
Одамзоднинг беш кун тирик дунёси,
Фарзанд экан бу ярашқон меваси,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.
Қозининг олдида бўлур нойиби,
Йигитга панд берар отнинг майиби.
Ўзинг ўтсанг бу Чамбилдан бир куни,
Ким бўлади тожу тахтинг сойиби,
Дунёдин бефарзанд ўтган, султоним.

Чўлларда бор турли-турли чияси,
Душманларнинг бошга урар кияси,
Ўзинг ўлсанг бу Чамбилда бир куни,
Ким бўлади элу юртнинг ияси,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Бухоронинг бир тумани Регистон,
Тоза мато келар экан ўрисдан,
Фарзандни уйингда кўрсанг гулистон,
Ўзинг ўлсанг, Чамбилбелинг чўлистон,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Пайғамбарлар минар тонгла буроғи,
Ёмонларнинг ичга тушади доғи,
Беш-олти кун ушбу фоний дунёда,
Фарзанд экан одамзоднинг чироғи,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Бошингни кўтаргин Чамбилнинг шойи,
Бепилта ёнмайдур чироғнинг мойи,
Қартайганда нордай бўлиб чўккан сўнг,
Бўлғонсан охирда фарзанд гадойи,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Қартайиб қаддингни икки букибсан,
Кўзингдин лолагун ёшни тўкибсан,
Бир фарзанднинг йўқлигидан охири,
Нордай бўлиб, сен инграйиб чўкибсан,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Очилмайин, қизил гуллар сўлама,
Ажал етмай ҳеч бандаси ўлама,
Кунинг учун бачча қилдинг Авазхонман Ҳасанни,
Ўзингдан туғмаса фарзанд бўлама,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Ўттизингда ғариллағон нор бўлдинг,
Ким динни тузатса, анга ёр бўлдинг,
Бир фарзанднинг йўқлигининг бир куни
Қирқ йигитга охирида хор бўлдинг,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Чамбилбелда султон эдинг, мининг йўқ,
Олдинг ўлмай, душманларга тиним йўқ,
Ўзинг ўлсанг бу Чамбилда бир куни
Олдингда оға, ёнингда ининг йўқ,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Чамбилбелдан от қочирдинг, изинг йўқ,
Ўзинг ёлғиз, кўзга айтур сўзинг йўқ,
Ўзинг ўлсанг бу Чамбилда бир куни
Отамлаб йиғлаб турурга ўғил туғул қизинг йўқ,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Гўрўғли султон бу сўзни эшитиб, вақти хуш бўлиб:

— Баракалла, мен сизлардан ўлгунча розидурман, то қиёматда мени шул тариқада қилиб йўқлангиз, — деб жойидан туриб, майхонага юраберди. Аммо шу ҳолатда Ҳасанхон билан Авазхон иковлари: "Нима деб йўқлатур экан", деб уйнинг орқасидан қулоқ солиб туриб эрдилар. Паризод оналари Гўрўғлини бефарзанд деб йўқлагани буларга қаттиқ тегиб эрди.

— Ҳей, дариғо, киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл, дегани рост экан. Бизлар ҳарчанд жон фидо қилиб, Гўрўғлининг ўғлимиз десак, бизларни фарзанд ўрнига кўрмас экан, деб кўнгиллари бузилиб йиғлай берди. Гўрўғлига билдирмай, қайтадан майхонага кириб кетди. Кейинидан Гўрўғли кириб келиб эди.

— Эй, Авазхон, даврон ғаниматдир. Келгил, ўз қўлинг билан йигитларга ароқ-шароб бергил, — деди.

Анда Аваз ўғлон йигитларни қатор-қатор ўлтирғизиб,

ичидан хафа бўлиб, сиртидан кулган бўлиб, ароқ бериб туриб эрди, ногоҳ хафалик билан косаси ерга тушиб кетди. Йигитлар бир-бирига шибирлашиб: "Авазхон гуноҳкор қилиб, устимиздаги тўнимизни ва яроғимизни, совут-қалқонимизни соттириб олар эрди. Эмди ўз ўғли ва жону дили, фарзанди, кўрар кўзи гуноҳкор бўлди. Анинг гуноҳкорлигига на берур экан", дер эдилар. Анда Гўрўғлихон йигитларнинг шибирлашган сўзини эшитиб, йигитларнинг ҳаммасини олдига чақириб олиб, Авазхоннинг гуноҳкорлигига нима тиларсиз, берай, деб бир сўз деди:

Чамбилда мен ўзим бўларман дархон,
Бандасига қодир эгам меҳрибон,
Ўргангизда ҳам тўрангиз, бегингиз,
Гуноҳкор бўлибдир болам Авазхон.

Кеча-кундуз бўлдим анга интизор,
Қўлга берди сабаб бўлиб кирдикор,
Қирқ арслоним, мен айтайин сизларга,
Ногаҳонда бўлди ўғлим гуноҳкор.

Ботирлар олади найза тирагин,
Ёв кунда яшнатадур юрагин,
Аваз ўғлим бўлган экан гуноҳкор,
Қирқ йигитим, эмди мендан тилагин.

Қатордаги қўша-қўша норимни,
Нор устига юклаб берай заримни,
Авазхондан аямайман, бераман,
Тилангизлар манглайдаги борини.

Баҳорда очилган боғда гулимни,
Қора қилдинг Авазхондай улимни,
Аваз ўғлим бўлиб экан гуноҳкор,
Тилангизлар Така-Ёвмит элимни.

Душманга соламан доим қаҳримни,
Чамбилдан ўткардим рўду наҳримни,
Аямасдан берадирман сизларга,
Тилангизлар Чамбилбелдай шахримни.

Ўлмасин, яхшилар асло ўлмасин,
Яхши банда ёмонликни кўрмасин,
Гўрўғли дер: мен берайин сизларга,
Тилангизлар, кўкракда армон қолмасин.

Алқисса, Гўрўғли султоннинг бу сўзини қирқ йигит
эшитиб, айтдилар:

— Э, султон, сизнинг отингиз ҳам, юртингиз ҳам, молин-
гиз ҳам бизга керак эмас. Аларнинг барчаси ўзингизнингдир.
Лекин Авазхон ўз элидан келгандан бери ҳеч ёққа чиқмай,
хафа бўлиб юрибдур, кўнглини кўтарсин. Эмди Авазхонни
гуноҳкорлигига сиз Авазхонга Фиротни миндириб ва қўлига
олғир шунқорни қўндириб, ёнига тилла добилни боғлаб юбор-
сангиз. Бизга Ҳовдақдан тўққиз қатор ўрдак олиб келиб бер-
са бўлар. Анда Гўрўғли Соқи мироҳўрни чорлаб, Фиротни Аваз-
хонга эгарлаб бергин, деб бир сўз деди:

Мен айтайин, тингла эмди бу додни,
Худойим солгайда кўнгилга шодни,
Аваз ўғлим овга чиқар бу замон,
Соқиё, абзаллаб келгин Фиротни.
Фиротимга Худо берган ақлди,
Ёмон одам аҳволидан ғофилди,
Ярашиққа солиб зарбоб тўқимди,
Соқиё, абзаллаб келгин Фиротни.

Бу дунёда яхши эрлар сойилди,
Овозамиз еру кўкка ёйилди,
Белга берк тортиб кумуш айилди,
Соқиё, абзаллаб келгин Фиротни.

Отга миниб мен қилурман эрликни,
Душманларга кўргузурман зўрликни,
Ярашиққа солиб мовут терликни,
Соқиё, абзаллаб келгин Фиротни.

Худо берди менга ўғил қобилди,
Муродим, мақсадим Ҳақдан топилди,
Ёнига боғлагил олтин добилди,
Соқиё, абзаллаб келгин Фиротни.

Гўрўғлига Худой берди жигарди,
Давлатимдан неча эрлар кўкарди,
Ярашиққа солиб олтин эгарди,
Соқиё, абзаллаб келгин Фиротни.

Аммо Гўрўғли султоннинг бу сўзини Соқи мирохўр
эшитиб, бориб Фиротни эгарлаб, ёнига тилла добилни
боғлаб, хўб ўхшатиб, Гўрўғлининг қошига олиб келди.
Анда Гўрўғли Аваз ўғлонни Фиротга миндириб, бошига
тилла жиғани қистириб, либоси шоҳоналарни кийди-
риб, Аваз ўғлонга қараб, Гўрўғли султон неча ердан тим-
сол келтириб, бир сўз деди:

Оҳ уриб кўзимга қонли ёш урдим,
Улуғ дедим, комил пирга бош урдим,
Аваз ўғлон, йўлинг бўлсин, жон болам,
Мен сени келгунча Ҳаққа топширдим.

Бундан чиқиб Ҳовдак кўлни кўзлагил,
Шунқорингни кўлга олиб тизлагил,
Эрта қайт, чошттоҳ вақтни кўзлагил,
Бол Аваз, мен сени Ҳаққа топширдим.

Бир насиҳат сенга айтай эмди ман,
Атрофимда юрур менинг кўп душман,

Кўрар кўзим, ёлғиз ўғлим сандирсан,
Бол Аваз, Фиротни сенга топширдим.

Ким кўринса, ани ҳолин сўрама,
Жоним қурбон сендай болам, тўрама,
Аччиқ билан Фиротима қарама,
Бол Аваз, Фиротни сенга топширдим.

Шунқар деган қушни кўрдим қиёда,
От ҳукмидин ғаним юрди пиёда,
Ақили бор одамзоддин зиёда,
Бол Аваз, Фиротни сенга топширдим.

Бенамозни йўлатмагин қошига,
Қушингни солмагин тоғнинг тошига,
Эгасиз деб урма отнинг бошига,
Бол Аваз, Фиротни сенга топширдим.

Қатти қамчи урма отнинг этига,
Гўрўғлининг қарағайсан зотига,
Авазхонни миндирганди отига,
Авазхон, Фиротни сенга топширдим.

Алқисса, Авазхон Гўрўғли султондан фотиҳа олиб,
Фиротни йўлга солиб, Ҳовдакнинг кўлига бориб, у ён,
бу ёнига боқиб, тилла добилни қоқиб, чоштгоҳча
тўққиз қатор ўрдак олиб, Чамбилга қараб юзланиб эрди,
сипоҳи нарса, дарҳол чилимнинг хумори тутиб, боши
айланиб, юргиси келмай, бир тепанинг бошига чиқиб,
у ён, бу ён қараб эрди, ногоҳ кўзига бир тўда ўба кўрин-
ди. Аммо ўба деб туркман халқи овулни айтур эрди. Аммо
Аваз ўғлон шул ўбаларга қараб, отини ўйнатиб бориб
кўрдики, бир кўп ўба турур. Бу четидан у четига асло
кишининг кўзи етмайдур. Ул овулларнинг ичида икки
уй яхши турур. Бири катта уй ва бири ўтовдур. Аммо

катта уйга қараб кўрдиким, бўсағасини олтин бирла чоптириб, устига кимхоб, атласдан кийиз қилиб ёптирибдур. Ўтовга қараб кўрдиким, бўсағасини кумуш билан чоптириб, устига бахмалдан кийиз қилиб ёптирибдур. Анда Авазхон кўнглида айтдики: "Муни катта уйдан сўрасам, беадабчилик бўлур, кичик ўтовдан сўраб, бирор чилим тортиб кетай", деб кичик ўтовга қараб, зар кокилин бураб, бирор чилим бормикан, деб Авазхон бир сўз деди:

Остимда Фиротим ўйнар юз алвон,
Тилла қилич белда, эғнимда қалқон,
Ҳовдақдан келаман бўлиб хумори,
Гўрўғли ўғлиман, отим Авазхон.

Ярашиққа зар кокилим тарайман,
Ўнгга айланаман, сўлга қарайман,
Ҳовдақдан келаман бўлиб хумори,
Бирор чилим шул ўбадин сўрайман.

Боғ ичинда тар очилган гул борму,
Мундин бошқа яна мунда эл борму,
Ҳовдақдан келаман бўлиб хумори,
Бирор чилим берадиган ул¹ борму?
Фиротимнинг баданида тер борму,
Куйган қулнинг юрагида чер борму,
Ҳовдақдан келаман бўлиб хумори,
Бирор чилим берадиган эр борму?

Бу сўзларни айтиб анда Авазхон,
На қилса, ҳукми бор, яратган мавлон,
Ҳовдақдан келаман бўлиб хумори,
Савоб учун топилурми холиён.

Алқисса, Авазхоннинг бу сўзини эшитиб, ул ўтовдан қора кўзли, ширин сўзли, зулфи чин-чин, мўрчамиён, писта даҳон, жон олғувчи бир офтоб, ким кўрса, бўлур хуснига ҳайрон, қошлари қалам, ўзи бир санам, бир келинчак югуриб чиқиб кўрдик, бир нозанин, барно йигит ёш боладай ёлбориб, кокиллари шолбираб, икки юзи олмадай пишиб, маъшуқалари юракни тешиб, икки зулфи белига тушиб, кўрганларнинг рангги учиб, шундоғ бир йигит келиб, чилим сўраб турибдур. Анда келинчак Авазхоннинг бу шаклини кўриб, ҳайрон бўлди. "Мен бир куйганман, жонимдан тўйганман. Агар ёрим бор десам, тезакдай куйган эканман. Айш-ишрат қилдим десам, тўшакка сийган эканман. Илоҳи, менинг шўрим қурсин, молга сотган ерим қурсин, оғзи-бурни дўрбадай мени олган эрим қурсин. Бу янглиғ йигитлар билан бир кеча ўйнаб кулган урғочининг ҳеч бир армони бўлмас. Бўлса-бўлмаса ҳам, менга йўқ. Ҳар на бўлса, бир-икки сўзлашиб, ойдек юзини, шакардек сўзини эшитиб қолайин", деб ул келинчак Аваз ўғлонга қараб, бир сўз деди:

Юрагимда бордир ҳар турли армон,
Иш бўлмас қудратли Ҳақдин бефармон,
Меҳмон йигит, ҳуш келибсиз бу ерга,
Қулоқ солиб тингла буни, бегижон.
Аччиғланиб ой юзима қараманг,
Қаҳр билан зар кокилни тараманг,
Изингдан мендайин ойим айлансин,
Чилим деган йўқдир, биздан сўраманг.

Бор бўлганда берар эдим қўлимдан,
Чилим топилмайдир ушбу элимдан,
Кокилингдан мен айланай, бегижон,
Ҳуш келибсан, эмди қолма йўлингдан.

Малойиклар тасбеҳ айтур, боши йўқ,
Бизнинг эллар чилим билан иши йўқ,
Керак бўлса отдан тушинг, бегижон,
Сенга хизмат қиладиган киши йўқ.

Ўйласам бу дунё, ўзинг бекорсан,
Мен биламан Гўрўғлига навкарсан,
Сенга хизмат қиладиган киши йўқ,
Даркор бўлса отдан тушиб чекарсан.

Ойнагул дер: айтмаган сўзим қолдима,
Бошимга ҳижронни эгам солдима,
Керак бўлса отдан тушинг, бегижон,
Чилим солиб бермас ҳеч ким олдинга.

Алқисса, бу сўзларни Авазхон эшитиб, хафа бўлиб,
отнинг бошини буриб, мусофирлигига оҳ уриб, қайта
берди. Аммо бу ўтов кировка-совутнинг жоғаси, турк-
ман элининг оғаси, Гўрўғлихоннинг тоғаси Аҳмад сар-
дор деганнинг уйи эрди. У кечки ўтови эрди. Бу келин
Аҳмад сардорнинг келини эрди. Аммо Аҳмад сардор-
нинг бир қизи бор эрди. Ўзи ўн беш ёшинда, сув ичса,
ҳалқумидан кўриниб, таом еса, биқинидан кўринур эрди.
Ойдек юзи ярақлаб янгасининг бул ишидин хабар олур
эрди. Янгасининг қилиқ қилиб, чилим бермаганини
билиб, хилват жойда ўзи танҳо туриб эрди. Дарҳол
Бўтакўз ойим жойидан туриб, тилла чилимга ўт солиб,
катта уйнинг жапсарини кўтариб, Авазхоннинг кейини-
дан чақириб, бери келгил, тўрам, деб бир сўз деди:

Остингизда бедов ўйнар юз алвон,
Ярашиққа тақдинг эгнига қалқон,
Бедов отли, добилбозли, жон тўрам,
Чилим чекинг, бери келгил, бегижон.

Мен айланай сендай эрнинг бўйидан,
Келиб ушла тилла чилим тубидан,
Сиздай бекни ҳар ерлардан сўрайман,
Ҳар вақти чилимни сўранг жойидан.

Эр йигит майдонни кўрса қайтолмас,
Нур кўрмаган авлиёга тобинмас,
Ҳар вақти чилим сўранг жойидан,
Чилим деган ҳар ёмондан топилмас.

Ёмонга сўз айтсанг бовар қилмайди,
Сўзни асло қулоғига олмайди.

Ёмон билмас яхши сўзнинг қадрини,
Чорвадорлар билар тоғнинг адрини,
Зар қадрини заргар билар дегандек,
Яхши билар яхшиларнинг қадрини.

Ботир йигит майдон ичра айлансин,
Худое, душманнинг қўли бойлансин,
Чилим тортсанг, бери келгил, бегижон,
Кокилингдин мендай чўринг айлансин.

Қирқ қизнинг ичинда менман ўдаға,
Кийганим ипакдир, олтиндан жоға,
Чилим десанг, бунда келгил, бегижон,
Қоматингдан мендай чўринг садаға.

Алқисса, Авазхон Бўтакўз ойимдан бу сўзни эшитиб,
Гиротнинг бошини қайтариб, катта уйнинг очиқ жал-
сарининг тушидан келиб, тилла чилимни тортиб олиб,
чекиб, хумордан чиқиб, қараб кўрдиким, жамоли қорон-
ғу уйни ёруғ қилибдир. Анда Авазхон ул қизни ўз бўйига
муносиб кўриб, яна ташқарига чиқиб, ўз қўлинг билан
чилим бергил, деб Бўтакўз ойимга қараб, бу ерларнинг

паст-баландини, ул уйларнинг кимники эканини сўраб,
неча ҳазил-мутойиба билан савол сўрайдир, Бўтакўз
ойим жавоб берадир:

– Ошган ерим Асқар тоғнинг белидай,
Куш солганим бол Ҳовдакнинг кўлидай,
Мусофирман, бу ерларни билмайман,
Ул ўбалар қандай шоҳнинг элидай?

– Келган йўлинг катта қарвон йўлидай,
Сайр этганинг бол Ҳовдакнинг кўлидай,
Менинг отим Бўтакўздир, сўрасанг,
Бул ўбалар Аҳмад сардор элидай.

– Ҳаво ёғса баланд ерлар бўлур нам,
Сиздек ойим туркман элда бўлур кам,
Аввали сўрайин эмди мен мунг,
Аҳмад сардор деган одам бўлар ким?

– Бошинда бор икки зарли жиғаси,
Ўзин десанг, туркман элнинг оғаси,
Қирқ минг элат эмди мунга қарайди,
Якка ўзи Гўрўғлининг тоғаси.

– Сен ҳам бир яхшининг сўзлар сўзисан,
Парво қилган балки икки кўзисан,
Эмди сўрайман ўзингнинг зотингни,
Бул ўбада қайси шоҳнинг қизисан?

– Сўзласа, оғзида ширин сўзиман,
Кўрадиган балки икки кўзиман,
Аслим десанг, Аҳмад сардор қизиман,
Отим десанг, Бўтакўзнинг ўзиман.

– Тўтиё айласам изингни тавоф,
Сендайин яҳшини кўрмаклик савоб,
Ёлғизмисан, ёринг борми, Бўтакўз,
Бу сўзима ўйламайин бер жавоб.

– Бир ёр деб интизор кеча-кундузман,
Не сабабдан таъкид айлаб сўрарсан,
Отам бермас сендай яҳши бекларга,
Ҳали сўрсанг, ҳозир мен ҳам ёлғизман.

– Айтган сўзга яҳши киши эрарму,
Отанг жоҳил, айтган сўзга кирарму,
Бўйинг баробар, эй, сенга зар берсам,
Сени менга Аҳмад сардор берарму?

– Менинг отам дунё молин ўйламас,
Дунёнинг сўзини асло сўзламас,
Тенгим келса, текин бериб юборар,
Асли зоти бўлмаса, қабул айламас.

– Мол берарман туркмандайин элимдан,
Қучарман ўлмасам химча белингдан,
Хумори бўлибман ойдак юзингдан,
Бери келиб чилим бергил қўлингдан.

– Ўзинг кимсан, мол йиғарсан элимдан,
Бир йўловчи чиқдинг ногоҳ йўлимдан,
Жўнай бергин эмди мунда кўп турма,
Кет, садаға, омон-эсон қўлимдан.

- Йиғадирман бориб туркман элини,
Рост айгин, жоним, шарҳи дилингни,
Мен кўнглима бад олурман, Бўтакўз,
Торта-торта сўзла эмди тилингни.

– Ўйласам, сен ўзинг бағри доғлисан,
Сен бировга жону дили боғлисан,
Сендай барно бизнинг элда йўқ эди,
Чамбилбелда қайси бекнинг ўғлисан?

– Баҳорда очилган боғнинг гулиман,
Сўзлар бўлса, оғзидаги тилиман,
Отим десанг, бол Авазнинг ўзиман,
Ўзим десанг, Гўрўғлининг климан.

– Эшитганда боғда қизил гулисан,
Ҳали ҳозир фарзанди йўқ, улисан,
Ростини айтайин сенга эмди мен,
Аччиғлансанг, бир байталлик қулисан.

– Бўтакўз дегайлар сенинг ўзингни,
Аччиғлансам, ўйдирарман кўзингни,
Тилингни торта-торта сўзла, Бўтакўз,
Ўлмасам, олурман сенинг ўзингни.

– Юрган йўлинг Асқар тоғнинг бели деб,
Чамбилга қараган Ёвмит эли деб,
Мен айтмайман, юрт айтадур сенларни,
Аваз, Ҳасан Гўрўғлининг қули деб.

– Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ҳар банда олгани билан қарисин,
Қул бўлсам-да, агар сени олмасан,
Чамбилбелда Аваз отим қурисин.

Яхши йигит ҳар сўздан тояма,
Ола бердинг бу сўзимни қиёма,
Турма бунда, эмди жўна, бадрак қул,
Қўлингдан келганни қилгил, аяма.

– Ора чўлда ҳориб-чарчаб қолмасам,
Боргандан Чамбилга ғорат солмасам,
Магарам Авазхон отим қурисин,
Эракишдим, эмди сени олмасам.

– Олмадек очилган юзим нақшидай,
Чўпчак чертган созандалар бахшидай,
Сендай қулга текканимча, вой, Аваз,
Қадоқ бўлиб ўлганим ҳам яхшидай.

– Мундин бориб яна қайтиб келмасам,
Ҳолу аҳволингни бир-бир билмасам,
Отим қурсин, агар сени олмасам,
Қирқ йигитга чилим солғич қилмасам.

– Бир-бир англа Бўтакўзнинг тилини,
Сайр этибсан Така-Ёвмит элини,
Гўрўғлининг ўз фарзанди бўлганда,
Қалинима берар сендай қулини.

Алқисса, Авазхон Бўтакўзнинг бу сўзини эшитиб, кўнглига қаттиқ олиб ва кўзининг ёшини тўкиб: "Ҳе, дариг, киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл, дегани рост экан-да. Мен Гўрўғлининг ўғлиман десам ҳам, ўзгалари қули дер экан. Мен ўз юртимда ҳар кишига муҳтож ва хор-зор эрмас эрдим. Хунхор шоҳнинг маҳрами эрдим ва олдимда икки минг, уч минг киши хизматда бор эрди. Ҳозир мунда андин баланд эрмасман, ўз юртимга кетайин", деб Фиротнинг тизгинини буриб, ота юртим, қайдасан, деб излаб, бир-икки сойдан ошди. Бора-бора яна кўкрагига сабри камол тушди. Айтди: "Бу ишим менга лозим эрмас экан ва менинг бундай сўз эшитиб бораётганимни қирқ йигит билан ота-онам қайдин билсун?! Ҳаммаси айтурки: "Авазхон номард экан. Фиротни миниб, ҳеч кимга билдирмай қочиб кетди". Ҳамма катта-

кичик мени маломат қилур. Лекин ул маломатни кутармай, мундан қайтиб Чамбилга бориб: "Сардорнинг қизини олиб бергил", деб айтай. Агар олиб берса, ул қизнинг бошига қора, устига юйиқ, оёғига чориқ кийдириб, масхара қилиб, қирқ йигитга чилим солиб берадиган қилиб кўяйин. Агар олиб бермаса, гуноҳини Гўрўғлининг ўз бўйнига кўйиб, андин сўнг ўз юртимга кетсам, мени анда ҳеч ким маломат қилмас", деб қайтадан Чамбилга қараб, ҳар замонда кўнгли бузилиб, кўзининг ёши тизилиб, бир кўлида қуши бор, бир кўлида рўмоли, кўзининг ёшини артиб кела берди.

Аммо Гўрўғли султоннинг жону дили Авазхон эрди. Шу намоздигаргача Авазхон уйга келмади. Анда Гўрўғли султон билан қирқ йигит гўёки онасидан айрилган ёш боладек бетоқат бўлиб, Чамбилнинг дарвозасига етмиш икки мартаба бориб-келиб эрди. Ўрдада Оға Юнус пари, Мисқол пари ва Гулнор пари бошқа тўққиз заифалари билан Авазхонга на бўлди, деб алар ҳам кунгирадан қарашиб турар эрди. Лекин Гўрўғли султон намоздигар вақтида ҳаддин зиёд хафа бўлиб, Авазхон кўринармикин, деб ва яна қирқ йигит билан дарвозага келиб, дарвозада қараб туриб, бир сўз деди:

Ховдак кўли, Чамбилбелдан бер умид,
Муродимни, қирқ йигитим, сен эшит,
Чоштгоҳ вақтин мўлжал қилган Авазхон,
Не бўлди, келмади кўзим, қирқ йигит?

Қайтайин етмади менга бир ўлим,
Авазжоним эрур ҳам жону дилим,
Қарангизлар, кўринарми қулуним,
Не бўлди, келмади кўзим, қирқ йигит?

Юрак-бағрим ҳажр ўтига доғлатди,
Азобидан белларимни боғлатди,

Соғинтириб-соғинтириб йиғлатди.
Не бўлди, келмади қўзим, қирқ йигит?

Аваз болам баланд тоғдан ошдима,
Душман кўриб ақллари шошдима,
Ёки билмам, минган оти қочдима,
Не бўлди, келмади қўзим, қирқ йигит?

Авазжоним кўз ёшини тўқдима,
Ора чўлда нозик белин букдима,
Ё бўлмаса, оти қўлдан чиқдима,
Не бўлди, келмади қўзим, қирқ йигит?

Яхши эрур Гўрўғлининг сўзлари,
Топилмайдур Авазхоннинг излари,
Ё тегдими бир ёмоннинг сўзлари,
Не бўлди, келмади қўзим, қирқ йигит?

Алқисса, Гўрўғли бу сўзни айтиб туриб эрди. Ногоҳ қарадиларким, йироқдан Авазхон кела берди. Кўрдиким, Авазхоннинг кўнгли ёмон қаттиқ бўлгон экан, кўзидан қатра-қатра ёшлари от ёлига тизилган, кела берди ва яқинлаб келганда, ҳамма йигитлар оддан тушиб, салом бериб, ҳорманг, тўрам, деди. Аларга ҳеч бир жавоб қилмади. Анда Гўрўғли султон Авазнинг кейнидан келиб, ўрдага тушиб, нега кеч қолдинг, деб сўрайди. Авазхон жавоб берадур:

— Боғимдаги тоза гулим,
Сўз сўзласам, сенсан тилим,
Балки менинг жону дилим,
Кокилингдан Аваз ўғлим,
Нега инграндинг, келмадинг?

— Душманларни инга тикдим,
Юрар йўлимда торикдим,

Сизнинг жавобингиз билан,
Майхонадан овга чиқдим,
Йўлда айланиб келмадим.

– Эшит менинг айтган сўзим,
Сенсан менинг кўрар кўзим,
Қулоқ солиб эмди англа,
Қоматингдан аё, кўзим,
Не бўлди сенга, келмадинг?

– Ора чўлда хориб толдим,
Тоғу тошларни кўпордим,
Аста-аста Фирот билан,
Ҳовдак деган кўлга бордим,
Анга айландим, келмадим.

– Сендирсан қанду наботим,
Узилмас танда ҳаётим,
Кўрпа кўзим, мен айланай,
Ҳам фарзандим қўлқанотим,
Нега айландинг, келмаладинг?

– Бул экан тақдир ишлари,
Мен бўлдим анинг тушлари,
Бир бошдан мен айтайин,
Йўқ экан Ҳовдак қушлари,
Анга айландим, келмадим.

– Эрлар майдонда шайлансин,
Душманнинг қўли бойлансин,
Кокилингдан, аё, Аваз,
Мендай отанг айлансин,
Нега йиғладинг, келмадинг?

– Отимни чопдим ҳабибга,
Югриб чикдим бир тепага,
У ён, бу ёнга қарадим,
Кўзим тушди кўп ўбага,
Анга айландим, келмадим.

Алқисса, Гўрўғли бу сўзларни эшитиб:

– Эй, ўғлим, сен бу баҳона сўзларни қўйиб, ростини айтгил. Мунча йиғлабсан ва кимдирки менинг замонимда сенга сўз айтиб, кўнглингни қолдирғон, – деди.

Анда Аваз ўғлон бошидан ўтган воқеаларни бир-бир баён қилиб, бир сўз деди:

Оқ юзингда мавж уради жўра хол,
Қўлингта қуш олдинг оти Зарринбол,
Кўрганимни бир-бир баён айлайин,
Бу сўзима, қиблагоҳим, қулоқ сол.

Раҳм айлагил кўздан оққан ёшима,
Не-не ёмон ишлар тушди бошима,
Мусофирлик юрти қурсин, отажон,
Не ёмонлар келиб кетди қошима.

Юрагимни ҳижрон дарди доғлади,
Кўкрагимни мусофирлик боғлади,
Ғарибликнинг шаҳри қурсин, қиблагоҳ,
Нокасларнинг сўзи таъсир айлади.

Фиротим остима, минган уринди,
Биздай беклар бугун тахтдан суринди,
Ховдақдин қайтарда, жоним отажон,
Бир тўп ўба кўзларимга кўринди.

1. Тилингни – тилингдан.

Найлайин, аммо юракда дардим кўп,
Кўп дардимни айта бермак эмас хўб,
Фирот билан бордим етиб олдиға,
Ҳар ким бўлса, бирор чилим сўрай деб,

Қатор-қатор етагингда нор экан,
Бир неча кўрмаган интизор экан,
Бориб эдим чилим тортиб кетай деб,
Аҳмад сардор деган тоғанг бор экан.

Кийган тўни анинг экан қирмизи,
Бўтакўз дер экан, тоғангнинг қизи,
Юрагима ўтлар солди, нетайин,
Куйдириб ўртади шул қизнинг сўзи.

Танбеҳ берди айтганимни билсин деб,
Ҳали ҳозир фврзанди йўқ улсан деб,
Ўртади, куйдирди золимнинг сўзи,
Охиринда бир байталлик қулсан деб.

Ажал етиб мендай боланг ўлмади,
Юрагима ўт туташди, бўлмади,
Жавоб бергил эмди, ота, кетаман,
Чамбилбелда ҳеч қул отим қолмади.

Авазхон дер: англа эмди бу сўзни,
Азалдин айлади мусофир бизни,
Қирқ йигитга чилим солғич қиламан,
Агар, ота, олиб берсанг шул қизни.

Алқисса, Гўрўғли султон Авазхоннинг бу сўзини эшитиб:

— Болам, сен мен эсонда ҳеч ғам емагил. Аҳмад сардорнинг қизи тугил, тўққиз Аҳмад сардорнинг қизи сендан садаға кетсин. Менинг олдимда турсанг, ҳамма юрт,

вилоят, барчаси ҳам кетса, парвойим йўқдир, деб Аваз-хонни майхонага юбориб, ўзи Чамбилнинг ногорахона-сидан карнай-сурнай қўйдирур эрди.

Аммо Чамбилнинг атрофидаги тўқсон минг уйли турк-маннинг бийлари ҳар вақти Гўрўғлига керак бўлса, карнай-сурнай қўйиб чақириб олур эрди. Аммо бугун ҳам карнайнинг товуши бирла ҳаммаси жам бўлиб келиб эди.

– Эй, Гўрўғлихон, эмди на мақсадда бизни карнай-сурнай бирла чақириб олдинг, – деди.

Анда Гўрўғли султон ўз кўнглидаги муродини айтиб, Аҳмад сардорга совчи қилмоқчи бўлиб, бир неча ердан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Гўрўғли деюрлар менинг ўзимни,
Фарзанд учун сарғайтганман юзимни,
Эмди сизга мен айтайин, эй бийлар,
Ҳикоят этайин Аваз кўзимни.

Аваз ўғлим зар кокилин ўрибдир,
Суюк ёрга қаттиқ кўнгил берибдур,
Аваз болам Ҳовдак кўлга борганда,
Аҳмад сардор тоғам қизин кўрибдур.

Кулоқ солинг Гўрўғлининг сўзига,
Кўзи тушиб анинг шаҳло кўзига,
Аҳмад тоғам қизин кўриб бол Аваз,
Ошиқу мубтало бўлиб ўзига.

Анинг учун мен белимни бойладим,
Ёшим бирла қора ерни эладим,
Тўқсон бийим, мен айтайин сизларга,
Барингиз сардорга совчи айладим.

Билдингизми Гўрўғлининг сўзини,
Бир нечалар тополмайди изини,

Борингизлар, сизни совчи айладим,
Тоғам берсин Авазима қизини.

Душманларнинг хокин паймол айласин,
Парвозимни минг туманга бойласин,
Сардор берсин қизин Авазхонима,
Мол керак бўлса мақсадини тиласин.

Жиғали дерлар менинг зотимни,
Фалак бузди менинг кўнгил шодимни,
Агар молни керак қилса ул тоғам,
Бош отига бераман Ғиротимни.

Берингизлар қатор-қатор норимни,
Нор устига юклаб беринг зоримни,
Аҳмад сардор молга келса, эй, бийлар,
Берингизлар манглайдаги боримни.

Алқисса, Гўрўғли султон бийларга бу сўзни айтиб эрди, ердан овоз чиқди, тўқсон бийдан овоз чиқмади. Зероки, оқсоқоллар агар бормаин десалар, Гўрўғлидан қўрқар, агар борайин десалар, Аҳмад сардордан қўрқар эрдиларки, ул қилич остига олиб ўлдирур эрди. Аммо шу бийларнинг ичида бир Ёртибой оқсоқол деган бор эрди. Гўрўғлининг бу сўзини эшитиб, жавобни мен берайин, деб бўйнини сунар эрди. Ҳеч ким сўзла демаганига ҳайрон бўлиб турар эрди. Баногоҳ Гўрўғлининг ёнидаги бир бийнинг Ёртибойга кўзи тушиб:

– Эй, Ёртибой оқсоқол, бу сўзнинг ихтиёрини сизга бердик, бу сўзнинг жавобини султонга сиз берингиз. Сизнинг сўзингизни бузмасмиз, — деди. Анда Ёртибой оқсоқол бир сўз деди:

Ёртибой оқсоқол дейдур ўзимни,
Сарғайтмагил менинг қизил юзимни,

Бу тўқсон бий жавоб бер деб қўймайди,
Эмди тингла менинг айтган сўзимни.

Ғарибликда сарғайтмагил тарзимни,
Ўтқараман беш вақти фарзимни,
Башарти кўнглингга оғир олмасанг,
Мен айтайин, эмди тингла арзимни.

Муллалар ўқиган зеру забарма,
Усталар олгани қўлга табарма,
Менинг айтган насихатим шул эрур,
Бийларингни совчи қилиб юборма.

Аҳмад сардор зўрлигини билдирур,
Олмос солиб юрак-бағрин тилдирур,
Совчи қилиб бийларингни юборма,
Юборсанг ҳам золим тоғанг ўлдирур.

Не-не эрлар кўролмайду юзини,
Балки тополмайду анинг изини,
Мени десанг, бийларингни юборма,
Юборсанг-да тоғанг бермас қизини.

Зўрлик қилсанг, ким келади элингга,
Заррин камар ярашадир белингга,
Олсанг, олгил, берар сенинг ўзингга,
Нега берсин бир байталлик қулингга.

Алқисса, Ёртибой оқсоқол бу сўзни айтиб эрди, ҳам-
малари жойларидан туриб, эшикка чиқиб:

— Ёртибой, ҳўп айтдинг, - деб яғринига қоқиб кета
бердилар.

Анда Ёртибой:

— Айтмайинму, ул кўпик еган касак, ўзи хумса, хоти-
ни тумса баччағардан қўрқайинму, - деб кета берди.

Анда Гўрўғлининг бийлардан аччиғи келиб, мурти шопдек, оғзи кўҳна қопдек, ҳар кўзлари пиёладек бўлиб: "Ҳе, дариг, қарнаб-қартайганимни билиб, булар буйтиб-дур. Қадимги вақтим бўлса эрди, кўпингни қиличдан ўтқарур эрдим", деб йўлбарсдек инграниб, аста-аста майхонага кирди. Аммо Аваз бу сўзларнинг барчасини уйнинг сиртидан эшитиб эрди. Анда Авазхон йигитларни қатор-қатор ўлтирғизиб, ароқни босиб бериб, барчасини маст-беҳуш қилиб, йиқиб ташлади. Аммо Гўрўғли йиқилгудек бўлиб турган ҳолатда Авазхон бир коса ароқ олиб, бир сўз деди:

Минган отим менинг чибор,
Ўн кифтимда тўққиз тумор,
Қўлимдан олгил косани,
Отам, ароққа бадхумор,
Каъбам, аллаё-аллаё.

Ўлма, каъбам, узоқ яша,
Фиротни мин, чиқ томоша,
Бир қўлимдан бу дам олгил,
Мен берайин олтин коса,
Отам, аллаё-аллаё.

Бул ширин жондан кечингиз,
Кафан-тўнни бичингиз,
Душманни босди кучингиз,
Бир коса ароқ ичингиз,
Бегим, аллаё-аллаё.

Бошларимда маломатдур,
Дўстлар барча саломатдур,
Азиз жон ҳам сизу бизга,
Бир неча кун омонатдур,
Каъбам, аллаё-аллаё.

Кўздан ёшим тизилгандур,
Юрак-бағрим эзилгандур,
Туз-насибам ўйлаб турсам,
Чамбилбелдан узилгандир,
Отам, аллаёр-аллаёр.

Кўзимдан оққан ёш эмди,
Омон бўлғил то кўргунча,
Жоним отажон, хўш эмди,
Бегим, аллаёр-аллаёр.

Тоза гулларни терармиз,
Зар кокилларни ўрармиз,
Омон бўлғил, жон ота,
Қиёмат кунда кўрармиз,
Каъбам, аллаёр-аллаёр.

Бу замонлар қандай замон,
Бошларима тушди туман,
Ғариб отам то кўргунча,
Тахт устида бўлгин омон,
Отам, аллаёр-аллаёр.

Алқисса, Авазхон бу сўзни айтиб, косани ерга тўнка-риб, майхонадан чиқиб, таблахонага бориб кўрдиким, Гўрўғли султоннинг икки оти таблахонада ўйнаб турибдир. Бири Фирот ва бири Мажнункўк. Анда Авазхон ўз хаёлида: "Бул Фирот Гўрўғлиннинг ҳам оти, ҳам давлати ва ҳам фарзанди ва ҳам қўл қаноти. Буни минганим душманнинг иши бўлур", деб Мажнункўкни абзаллаб миниб, Чамбил дарвозасидан чиқмасдан Чамбилни кўзи қиймай, кўнгли бузилиб, кўз ёши от ёлига тизилиб, юрак-бағри эзилиб, Чамбил эли ва чўли ва Ҳовдак кўли ва катта бели билан ғойибона хўшлашиб, бўтадек бўзлаб, бир сўз деди:

Баҳорда очилур Чамбилнинг гули,
Зоғлари учадур, қўниб булбули,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Шоду хуррам юрган Чамбилнинг эли.

Айролиқ бошима солди қаҳари,
Зимистоним ўтиб, келди баҳори,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Даврон сурган Чамбилбелнинг шаҳари.

Куйдирди, найлайин, ғанимнинг тили,
Юракдан сўнмайдур ҳижроннинг ҳили,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Даврон суриб юрган Чамбилнинг эли.

Бошима тушади ҳижроннинг дарди,
Кўкрагимдан сўнмас фироқнинг ўти,
Омон бўлгил, қиёматда кўрармиз,
Ўйнаб-кулиб юрган Чамбилнинг юрти.

Ўтмоққа қойимдир Асқарнинг бели,
Кўринур узоқдин Новкорнинг чўли,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Қуш солиб, ов қилган Ҳовдакнинг кўли.

Куйганимдан кетар кўзимнинг ёши,
Оллоҳнинг тўпидир одамнинг боши,
Омон бўлгил, қиёматда кўрармиз,
Кўкланиб ўсган Чамбилнинг оғочи.

Азалда бор экан тақдирнинг иши,
Не қўйларга тушар ўлмаган киши,
Уйғонса, Гўрўғлига салом де,
Бошимда учган Чамбилнинг қуши.

Боғ оралаб тоза гулни терармиз,
Зар кокилни ўн иккидан ўрармиз,
Омон бўлгил эсиз юртим қайтадин,
Хўш аллаёр, қиёматда кўрармиз.

Бул элдин айрилиб бўлдим хору зор,
На қилса қудратли ҳақда ихтиёр,
Омонда бўл, қиёматда кўрармиз,
То кўргунча элу халқим, аллаёр.

Авазхон дер: нола қилдим бунда зор,
Ҳеч бандада зарра бўлмас ихтиёр,
То кўргунча элу халқим хўш эмди,
Тотадиган Гуржистондин тузим бор.

Алқисса, Авазхон бу сўзларни айтиб ғойибона Чамбилнинг элу юрти билан хўшлашди. Омонлашиб кетиб бораётиб эрди, ногоҳ шу ҳолда Оға Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор пари — учови қирқ йигитнинг хотинлари билан сайрбоғ қилиб юриб эрди. Баногоҳ Авазхоннинг бул товушини Оға Юнус парининг ёнидаги бир чўри эшитиб:

— Эй, ойим, бир кўчага қаранг-чи, Авазхон бир шум довушга солиб, йиғлаб келаётибди, - дегач, Оға Юнус пари эшитиб, дарҳол деворнинг устидан ўзини ташлаб, Авазхонни кўрдиким, кўзидан ёш ўрнига қонлар оқиб, отининг ёлига суяниб, йиғлаб кетаётибдур. Анда Оға Юнус пари сочини ёйиб, юзини йиртиб, Аваз ўғлонни кучоқлаб, бир сўз деди:

Боғни кўриб терганларим гул бўлсин,
Мендек онанг жиловингда қул бўлсин,
Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати,
Чамбилнинг арслони, болам, йўл бўлсин?

Сен кетган сўнг сарғаяди сиёғим,
Сен эдинг кўзимнинг нури, қароғим,
Дол бўйингдан мен айланай, чироғим,
Чамбилнинг султони, болам, йўл бўлсин?

Эшитгил жон болам, эмди сўзимни,
Йўлингга тўрт қилиб икки кўзимни,
Қоматингдин айланай, кўзим-ай,
Чамбилнинг сирглони, болам, йўл бўлсин?

Сендан айрилганча етгай бир ўлим,
Хазон уриб сўлсин бу рангу рўйим,
Кўрпа кўзим, менинг асов қулуним,
Чамбилнинг султони, болам, йўл бўлсин?

Ярашиққа тилла камар боғлатиб,
Фироқ ўти билан бағрин доғлатиб,
Қартайганда Гўрўғлини йиғлатиб,
Чамбилнинг арслони, болам, йўл бўлсин?

Борар йўлинг мен ғарибга кўзлатиб,
Юрак билан устихоним тузлатиб,
Бўтадайин Гўрўғлини бўзлатиб,
Чамбилнинг эгаси, болам, йўл бўлсин?

Оқ юзингга ярашади икки хол,
Қўлингга қуш олдинг оти Зарринпол,
Эмди бир сўз сенга айтай, бол Аваз,
Бу сўзима эмди, болам, қулоқ сол.

Сен кетсанг бу шаҳар мотам қилмайма,
Мендай ойим йиғлай-йиғлай қолмайма,
Бу Чамбилнинг бир эгаси сен эдинг,
Сен кетган сўнг Чамбил вайрон бўлмайма?

Дардинг билан бу дунёдан ўтарман,
Аламингда ҳар кун қонлар ютарман,
Бу Чамбилдан сен кетган сўнг, Авазхон,
Мен-да бунда бир дам қолмай кетарман.

Кўринар узоқдан товларнинг тоши,
Не қўйларга тушар одамнинг боши,
Бу Чамбилдан биз иккимиз кетган сўнг,
Гўрўғлининг оқар кўзининг ёши.

Тилинда бор яхши банданинг боли,
Йигирма беш одамзоднинг камоли,
Кетар бўлсанг, Чамбил қолса бузилиб,
Ўйла, болам, кимга бўлур уболи.

Таълим олгин Оға Юнус сўзидан,
Ғусса бўлиб қонлар томар кўзидан,
Қартайганда бўтамлатим, бўзлатиб,
Қўрқмаймусан Гўрўғлининг тузидан.

Алқисса, Авазхон Оға Юнус паридан бу сўзни эши-
тиб, ўзини отдан ташлаб, бошидан парвона бўлиб, бўйни-
дан қучоқлаб, кўз ёшини тўкиб, онасига қараб, бир сўз
деди:

Вайрон кўнглим эмди қайнаб жўш эмди,
Айролиқ шарбати қилди нўш эмди,
Кўрамизми, кўрмаймизми биз қайтиб,
То кўргунча, жоним онам, хўш эмди.

Чамбилдан чиққанга кўнглим бузилди,
Билгувчи каримнинг ёши тизилди,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Туз-насиба Чамбилбелдан узилди.

Иш бўлмас қудратли Ҳақдан бефармон,
Бандада йўқ турур бир зарра дармон,
Рози бўлгил менга берган тузингга,
Бир қиймасим сенсан, жоним онажон.

Илло, қараб боқолмайман танингга,
Чидамайман ичимдаги дардимга,
Онамдан зиёда бўлган онамсан,
Рози бўлгил, жоним она, сутингга.

Ажал етиб мендай қўзинг ўлмади,
Шунча юрдим, ҳеч қул отим қолмади,
Мен ўғлиман десам, отам юрти қул дейди,
Кетмасам Чамбилдан эмди бўлмади.

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ҳар банда олгани билан қарисин,
Бу Чамбилда ҳеч қул отим қолмади,
Во, дариғо, мусофирлик қурисин.

Қўй деганда юрти сира қўймади,
Отамнинг сўзини асло олмади,
Эл оғзига элак қўйиб бўлами,
Қул деган исноти асло қолмади.

Одлоҳу аълам, бир тузимни тортибди,
Бўйнима бир оғирликни ортибди.
Бу Чамбилда беклик қилиб юргунча,
Ўз элимда қўй боққанам ортиқди(р).

Солар бўлди юрагима аламди,
Соғинганда, қани Аваз болам де,
Гўрўглихон ётиб қолди мастликда,
Уёнғон сўнг жон отама салом де.

Авазхон дер: мен қилурман зору зор,
Бандада йўқ эрур зарра ихтиёр,
Ол, онажон, Гуржистонга жўнадим,
Кўрганимча, жоним она, аллаёр.

Йўлиқдинг болангнинг бундай кезина,
Менга тоқиб турғонида ўзина,
Жоним она, ота каъбама салом де,
Рози бўлсин бизга берган тузина.

Авазхон дер: бу ишлар Оллоҳ иши,
Ёлғизман, ёнимда йўқдир ҳеч киши,
Омон бўлгил, онажоним, сен ўзинг,
Андин сўнгра қирқ йигитнинг беши.

Алқисса, Авазхон бу сўзни айтиб, бўз қарчиғайдек
Мажнункўк отнинг устига миниб, онаси билан хўшла-
шиб, Гуржистон шаҳри қайдасан, деб кейинига бир қара-
май, жўнай берди. Анда Оға Юнус пари қирқ йигит-
нинг ойимлари билан – ҳамма Авазхонга аза тутиб, зор-
зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, Гўрўғли султонга Аваз
болнинг кетганини айтайлик, деб келса, Гўрўғли билан
қирқ йигит маст бўлиб ётибдир. Уч кунгача эсига кел-
мади. Аммо қирқ йигит бирла Гўрўғлихон уч кундан
сўнг ўзига келиб, майхонага қаради. Кўрдиким, Авазхон
кешиб қолибдир. Гўрўғлихон хафа бўлиб, юрак-бағри
ўртаниб, Оға Юнус парининг ўрдасига чиқди. Кўрди-
ким, Оға Юнус пари ҳам қанотларини тузатиб, Кўҳи
қоф тоғига учмоқчи бўлиб турибдур. Анда Оға Юнус
пари Гўрўғли султонга қараб, бол Авазнинг кетганини
бир-бир баён қилиб ва ичиндаги дардини дoston қилиб,
бир сўз деди:

Учқур эдинг, қанотингдан қайрилдинг,
Югрук эрдинг, бийик ерда тойрилдинг,

Армон билан эмди йиғла, Гўлўғли,
Бир суянчинг — Авазингдан айрилдинг.

Ўйласам бу дунё барчаси фони,
Киши қайтиб суяр ушбу дунёни,
Юртингнинг ул эди, ўлсанг, султони,
Бол Аваздай султонингдан айрилдинг.

Ода бўлмас ичингдаги бу дардинг,
Армон билан синди икки қанотинг,
Эгасиз қолганда Чамбил элатинг,
Юрт эгаси, Авазингдан айрилдинг.

Айта берсам эсга тушар биёғим,
Куйганимдан сарғайибди сиёғим,
Ўйласам, қаники Аваз чироғим,
Кўзинг нури Авазингдан айрилдинг.

Айролиқ бошима солган қаҳари,
Зимистон бўлибдур фасли баҳори,
Сабил бўлди Чамбилдайин шаҳари,
Белда қувват, мадорингдан айрилдинг.

Тиёлмадинг душманингнинг сўзини,
Армонда қочирдинг Аваз кўзингни,
Эмди тополмассан босган изини,
Дуру гавҳар, маржонингдан айрилдинг.

Анинг дарди билан бағринг доғлайин,
Аза тутиб қора салла боғлайин,
Во, болам, деб нола қилиб йиғлайин,
Кўнгил хуши, қарчиғангдан айрилдинг.

Авазхоннинг кетган йўлин кўзлагин,
Дарди билан устихонинг тузлагин,

Во, болам, деб бўтадайин бўзлагин,
Танангдаги ширин жондан айрилдинг.

Тоза гуллар тар очилиб сўлмади,
Кўз олдида мендай ойим ўлмади,
Аваз кетди Чамбилбелдан, бўлмади,
Бир туйғун, шунқорингдан айрилдинг.

Алқисса, Оға Юнус паридан Гўрўғли султон бу сўзни
эшитиб, эси кетиб, оҳ уриб йиғлаб, бир замондан сўнг
боз ўзига келиб, Оға Юнусга қараб, неча ердан тимсол
келтириб, бир сўз деди:

Кўзларимдан ёшлар оқиб сел бўлди,
Душман келиб Чамбилбелга эл бўлди,
Аваз болам кетган бўлса Чамбилдан,
Элу юртим қирон қолиб чўл бўлди.

Юрагимга тушди Авазнинг дарди,
Оҳ десам, чиқади ичимдан ўти,
Авазнинг кетгани агар рост бўлса,
Қуриди десанг-чи Чамбилнинг юрти.

Босолмадим душманларнинг тилини,
Сўлдирди, найлайин, бодом гулини,
Аваз болам кетган бўлса Чамбилдан,
Ўт олди десанг-чи Чамбил шаҳрини.

Кўплар тортдим бир фарзанднинг зорини,
Фарзанд учун тўқдим номус-оримни,
Кетган бўлса Чамбилбелдан Авазхон,
Ёв олибдир манглайимда боримни.

Ҳар сўзларинг сенинг менга масалдир,
Сен ҳамдамсан менга доим моҳу сол,

Элу юртим ҳаммасини ёв олди,
Эмди сенга бир сўз айтай, кулоқ сол.

Сўфиларнинг асо бўлур дастига,
Қарамагил сўзим баланд-пастига,
Дард устига чипқон деган бир сўз бор,
Шуьтайин деймусан бунинг устига.

Қартайганда кўзим ёши кўл бўлсин,
Дард устига дард қўшилиб мўл бўлсин,
Авазхоннинг куюгининг устига,
Эмди сенга, Оға Юнус, йўл бўлсин?!

Қўрбошилар юрар кентин кузатиб,
Ўз кўзингча Авазхонни узатиб,
Оға Юнус пари сенга йўл бўлсин,
Учмоқ бўлиб қанотингни тузатиб.

Гўрўғли дер: кўзда ёшим кўлмиди,
Чамбилбелнинг айланаси йўлмиди,
Авазнинг куюги ўртаб турганда,
Оға Юнус, сендан умид шулмиди?

Алқисса, Гурўғлининг сўзини эшитиб, Оға Юнуснинг кўнгли-
га қаттиқ ботиб, Гурўғлига қараб, бир фарзанднинг йўқлиги-
дан юрт бузилайин, деб турганини айтиб, бир сўз деди:

Мусофирнинг юрак-бағридир доғли,
Қайда борсам менга мотам қуруғли,
Тинглагин бу сўзни бир-бир айтайин,
Аваз эди бир қувончим, Гўрўғли.

Бу замоннинг иши, кўлдир гуноҳи,
Кечириб, бўлгай-да бизга паноҳи,

Тирик бўлгандин сўнг одам ўлама,
Қулоқ солиб эшит Чамбилнинг шоҳи.

Кўзимдан оқади эмди қизил қон,
Чиқса-чи, кўп куймай, танамдаги жон,
Қайтиб тирик юрарман бу дунёда,
Бир суянчим эрди менинг Авазхон.

Уч-қуйруғи йўқ эканди дардингни,
Сара туғибон оёғи йўқ ўртингни,
Билмаймусан, Гўрўғлихон, айтигин,
Бир қувончи Аваз эрди юртингни(нг).

Хонисан, Гўрўғли, Чамбилбелингни,
Шукри бор оғзингдаги тилингни,
Билмаймусан хон Гўрўғли ҳали ҳам,
Аваз қуввати эрди Чамбил элини(нг).

Бир сўз билан Аваз кетди элингдан,
Сўз эшитди шаҳду шакар тилингдан,
Аваз эрди Чамбилбелнинг султони,
Бир армонда қочиргансан қўлингдан.

Чайқалмади арғумоқнинг сувлиғи,
Йиғлайман ичимда дардим кўплиғи,
Эй, Гўрўғли, сенинг мунча соддалигинг,
Шундай бўлур бир боланинг йўқлиғи.

Ёмондан ҳар ерда давлат шоядай,
Яхши одам ёмонларга сиёдай,
Бул ишнинг барчаси тақдир ишидай,
Аввал бошда бир болани аяди.

Бошингни кўтаргин Чамбилнинг шойи,
Ўйласанг бу дунёнг барчаси фоний,

Авазжондан биз айрилиб юргунча,
Не бет билан биз кўрамиз дунёни.

Алқисса, Гўрўғли бу сўзни эшитиб, йўлбарсдек ингра-
ниб, киши билан сўзлашмай ўқраниб, одам ўлган киши-
дек аза тутиб, Гўрўғли билан ҳамма йигит кўкракларини
нам ерга қўйиб, Худой таолога муножот қилиб: "Авазхон-
ни бизга кўрсат, ё бизни ол, вой Авазжон", деб тириклик-
ни ташлаб, меҳмонхонага кириб, ер устига ётиб олди.

Эмди Авазжондан сўз эшитинг. Аммо Авазхон зўр
уриб, Мажнунқўкка миниб, йўлга тушиб, ота юртим,
қайдасан, деб бир сўз деди:

Эмди ташлаб Чамбилбелни,
Кўрмак бўлиб Хунхор элни,
Жўнай берди Авазхон
Ҳаққа қилиб таваккални.

Дунёни босиб савлати,
Юртни тутиб сиёсати,
Жўнай берди Авазхон,
Остида Мажнунқўк оти.

Бошинда бордир давлати,
Юракда доғу кулфати.
Жўнай берди бол Аваз,
Қоқ ёриб тошни ғайрати.

Кўниб Оллонинг ишига,
Сириин айтмай ҳеч кишига.
Тавваккал қилиб бол Аваз,
Тушди Бадбахтнинг дашига.

Араз бўлиб Чамбилбелга,
Душманлари келмай тилга,

Ҳаққа қилиб кўп таваккал,
Тушди Бадбахтнинг чўлига.

Ёлғиз ўзи кўзин ёшлаб,
Ҳар ишига тақдир бошлаб,
Эринганда бол Аваз,
Мажнункўк отни кишкишлаб.

Мажнункка солиб мовут,
Отни чопиб овут-овут,
От чопганда ярқирайди,
Оқ киравка, олтин совут.

Азалдандир, билсанг, бу иш,
Тақдирдандир ҳар на қилмиш,
Овдарилса ярқирайди
Зар қуббали олтин қилич.

Остинда оти иркиллаб,
Душманлар қўрқиб қилғиллаб,
Устиндаги кийган тўни
Овдарилғонда ярқиллаб.

Ўз-ўзига сўзни сўзлаб,
Бўтадайин йўлди бўзлаб,
Жўнай берди бол Авазхон,
Туркистоннинг кентин излаб.

Авазхоннинг айтгани эб,
Ичинда қайғу-ғусса еб,
Оллоҳ дебон жўнай берди,
Ота юртим қайдасан, деб.

Минган отига сўз қотиб,
Тез етсам деб жонин сотиб,

Устига минган Мажнункўк,
Йўлнинг танобини тортиб.

Гоҳи юрар аста-аста,
Авазхоннинг кўнгли хаста,
Эринганда от қўяди,
Бадбахт чўлда чаппа-роста.

Ўзининг элин истади,
Ғайрати анинг қистади,
Овдарилиб от чопмоққа
Гўрўғлидан ҳам устади(р).

Тўрт йил Чамбилда боғиниб,
Ўзининг юртин соғиниб,
Мажнункўк босган қора тош,
Ёнғоқдай бўлиб чоғилиб.

Кийгани гулгун ёнади,
Мажнункўк отни минади,
Кеча-кундуз ғайрат билан
Гуржистон қараб жўнади.

Ора чўлда ўзи ёлғиз,
Бирдай юрди кўп қулотуз,
Саккиз кун тинмай бол Аваз,
Шабгир тортди кеча-кундуз.

Юракка чопиб ярасин,
Кўриб товларнинг дарасин,
Айни намозшом маҳалда
Кўрди Гуржистон қорасин.

Қойил Авазнинг ишига,
Тилла жиғаси бошига,

Айни намозшом чоғида,
Келди Гуржистон қошига.

Алқисса, Авазхон кеча-кундуз йўл юриб, Мажнункўк-нинг сағрисига қамчи уриб, саккиз кун деганда, Гуржистоннинг қошига келди. Дарвозага қараб кўрдиким, ҳеч кишининг овози келмайди. Жондор нарсанинг белгиси билинмайдир ва яна дарвозанинг барига қора боғлаб, бир-бири билан иши йўқ. Анда Авазхон: "Мен кетган сўнг бу шаҳарнинг подшоҳи ўлганми ёки бошқа савдо бўлганми, не сабабдан бу кент бузилиб ётибди", деб ўйлай-ўйлай дарвозага келиб, дарвозабонни чақириб, дарвозани очгин, деб Авазхон бир сўз деди:

Етақда қатор нормусан,
Кўрмакка интизормусан,
Мен мусофир бу ерларда,
Дарвозабонлар, бормусан?

Ҳавасга экибди фарфини,
Тол-тол ўради зулфини,
Қурбоши келсин эртароқ,
Оч дарвозанинг қулфини.

Чўлларда оти еламан,
Бу шаҳарни нечук биламан,
Оч дарвозанинг қулфини,
Туркман элидан келаман.

Мажнункўк деган отим бор,
Мен ўзбек деган зотим бор,
Чамбилбелдан келаман,
Хунхоршоҳга хатим бор.

Тўкилар кўзимнинг ёши,
Келганим Бадбахтнинг даши,
Оч дарвозанинг қулфини,
Кел, очқил, бобо қўрбоши.

Қиларман эмди зору зор,
Қудратли ҳақда ихтиёр,
Узоқ ерлардан келаман,
Шаҳар кирмакка интизор.

Қизил гуллар тераман,
Шоҳингга жавоб бераман,
Дарвозани очгин, беклар,
Шаҳар ичига кираман.

Ўн бешга кирган ёшим бор,
Йўлингда кўзим интизор,
Оч дарвозанинг қулфини,
Хунхор шоҳга ишим бор.

Алқисса, Авазхоннинг бу сўзини эшитиб, қўрбошилар дарвозага келиб, дарвозани очиб қараб кўрдиким, бир бола келиб қараб турибдур. Гўёки ҳусни қоронғи кечани ёруғ қилғудек бир бола ёлбориб, зар кокили шолбираб, икки кокили белига тушиб, юзи олмадек пишиб, кўрганлари шошиб, бир нечалар ақлидан адашиб, шундоғ бир бола келибдур. Буни кўоиб, Авазхон эканини ҳеч ким танимай, қўрбошилар айтди: "Баракалла, ўзбекдан ҳам бундоғ кўркли, сулув ва хушрўй ўғлон бўлур эркан. Хунхоршоҳ Авазхон, деб жонин сотиб, тўрт йилдан бери тириклай гўрга кириб, киши билан сўзлашмай, ер бағирлаб ётибдур. Эмди мен буни Хунхоршоҳга олиб борайин. Бу боланинг сулувлиги Авазхондан тўққиз ҳисса ортиқ экандир. Буни хизматига олиб борсам, менга ҳеч нарса демас", деб Авазхонни эргаштириб, Хунхор

шоҳнинг олдиға олиб бориб, Авазхонни ташқарида қўйиб,
қўрбоши ичкарига кириб, Хунхоршоҳға салом бериб,
неча ердан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Сарғайган ҳижронда қизил тарзим бор,
Бандадирман, бир Оллога қарзим бор,
Хунхор шоҳим, қулоқ солгил бу сўзга,
Эмди сенга бир-бир айтай, арзим бор.

Хизмат қилиб сиздан еган тузим бор,
Аваз деб сарғайган қизил юзим бор,
Қулоқ солгил сўзларима эмди сен,
Сенга айтай, ажаб яхши сўзим бор.

Бир бола келибдур Асқарбелидан,
Туз еб ўсиб Ғўрўғлининг қўлидан,
Бу сўзима қулоқ солгил, Хунхор шоҳ,
Бир бола келибдур туркман элидан.

Чорвадорнинг бўладикан энчиси,
Подшоларнинг доим бўлар тилчиси,
Сўраб эдим, менга бундай деди ул,
Ўзим деди туркман элнинг элчиси.

Остинда Мажнунқўк деган оти бор,
Мен биламан ўзбек деган зоти бор,
Анинг ўзи туркманларнинг элчиси,
Олиб келган сенга анинг хати бор.

Бошинда турур анинг давлати,
Рустамдай турур анинг шавкати,
Олдинга келганда ани қўрарсан,
Авазхондай анинг бордир савлати.

Ўзи бир ёш бола, тилидир турки,
Бошинда қўндирган нўғайи бўрки,
Ишонарсан кўзинг билан кўрганда,
Аваздин ортиқдир кўрсангиз кўрки.

Хизматига шоҳлар келур пиёда,
Бир шунқордай анинг ўзи қиёда,
Эшигингда келиб турар ул ўғлон,
Сулувлиги Авазингдан зиёда.

Қайдан туз билмайман ани тортибди,
Ора чўлда ёлғиз отин ҳоритибди,
Кўргандан сўнг ишонарсиз, Хунхоршоҳ,
Авазингдан тўққиз ҳисса ортиқди(р).

Алқисса, Хунхоршоҳ:

— Ўзбек болани кўрайлик, - деб Аваз ўғлоннинг олдига чиқди.

Аммо Авазхон Чамбилбелга келиб, чиройи аввалгидан ўн ҳисса кўркам бўлиб эрди. Хунхоршоҳдан ўзгаси танимади. Анда Хунхоршоҳ Аваз ўғлонни таниб, югуриб бориб, Авазхонни қучоқлаб, икки юзидан суйиб: - Ўлсам ҳеч армоним йўқдир, деб эл-юртни Авазхонга топшириб, неча ердан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Эй, ёронлар, тўрт йил куйганим озму,
Қўлимда, билманам, қарчиғай борму,
Бул ўнгимму ёки тушимму, билмайман,
Қочирган ёлғизим ўшал Авазму.

Остимда бор минай десам пирогим,
Ҳар одамдан кўп сўрадим сўроғин,
Эй, ёронлар, бул ўнгимму ё тушимму,
Қачон ёнди менинг ўчган чирогим.

Менинг буйтиб ётганимни билибди,
Яратганим менга раҳм қилибди,
Ҳамманг туриб салом беринг, ёронлар,
Қочирган шунқорим, қўзим келибди.

Сенинг учун кўзларимдан кетди қон,
Балки чиқаёзди танимдаги жон,
Кокилингдин мендай отанг садаға,
Омон-эсон сен келдингми, Авазхон.

Ҳар сўз чиқар айта берсанг ўйингдан,
Мен сўрайман аввалдаги суйингдан,
Тўрт йил бўлди сен кетгали Чамбилга,
Садаға бўлайин хипча бўйингдан.

Эр йигит майдонни кўрса шайлансин,
Илоҳи, душманнинг қўли бойлансин,
Эсон-омон сен келдингму, чироғим,
Оқ юзингдай мендай отанг айлансин.

Бошимга санчганим тилладан жиға,
Бедовга таққаним олтиндан тўға,
Эсон-омон сен келдингму, чироғим.
Дол бўйингдан мендай отанг садаға.

Билиб тергин эмди тоза гулимни,
Сенинг ишқинг қилди менга зулмни,
Айланай бўйингдан эмди, бол Аваз,
Сенга бердим Гуржистондай элимни.

Нечанинг бошига солдим қаҳримни
Аждаҳоман, ким кўтарар заҳримни,
Қоматингдан мен бўлайин садаға,
Сенга бердим Гуржистондай шаҳримни.

Дафтаримда бор насия-нақдимни,
Фалакка тегирдим олган рахтимни,
Оҳу кўзли, ширин сўзли, бол Аваз,
Эгаси бўл эмди тилла тахтимни.

Кўрар кун бор экан сенинг бўйингни,
Менга айтгин ичингдаги ўйингни,
Эгаси бўл Гуржистоннинг, бол Аваз,
Қувонгандан қирқ кун қилай тўйингни.

Ким билади ичимдаги дардимни,
Юрагима тўрт йил солдинг ўтингни,
Қабул қилсанг зар кокилли, бол Аваз,
Сенга берай Гуржистондай юртимни.

Хунхор шоҳ дер: етди кўкка фиғоним,
Дардингдан танда қуриди дармоним,
Шукрилиллоҳ, эмди кўрдим юзингни,
Букун ўлсам, ичда йўқдир армоним.

Алқисса, Хунхоршоҳ бу сўзни айтиб, тилла тахтини,
Гуржистон юртини, қаторда норини, хазинадаги зарини,
манглайида борини Авазхонга бериб, ўз ҳукумат муҳрини
ҳам бермак бўлиб, Авазхоннинг қувончига қирқ кеча-кундуз
тўй бериб, бир дам ёнидан айрилмай, воалғараз,
қирқ кеча-кундуздан сўнг Авазхон жойидан туриб,
қўл қувиштириб, айтди:

— Эй, подшоҳи олам, бу юртдан кетгали тўрт-беш
йил бўлди. Отамнинг ўлганини Чамбилда эшитиб, дуои
фотиҳа қилиб эрдим. Аммо мунда менинг бир норасида
синглим билан ғариб онам қолибдир. Мени келди, деб
эшитиб, алар қўлдан кўп интизордир. Эмди сиз менга
жавоб берсангиз, мен ани кўриб хотиржам бўлсам, —
деди.

Анда Хунхоршоҳ айтди:

— Эй, Авазхон, ҳозир сабр қилгил. Бир дамдан сўнг бориб келурсан. Лекин сенинг ўзинг ёш бўлдинг, ёш ҳам бўлсанг, бош бўлдинг. Менинг сендан бир неча сўз саволим бор, ани сўрайин. Билсанг, менга жавоб бер, — деб Хунхоршоҳ саволни сўрайди, анга Аваз жавоб беради:

Эмди сенга сўз айтаман юз алвон,
На қилса, қилгуси яратган мавлон,
Бир неча саволим бордир, сўрайман,
Саволимга жавоб бергил, Авазхон.

Ер юзини бир-бир қилиб қидирдинг,
Мусофирлик элатинда кўп юрдинг,
Аввалги саволим булдир, Авазхон,
Отнинг яхшисини на ерда кўрдинг?

Юрагимда қўйдинг сонсиз кўп алам,
Алам бирла зор айладим субҳидам,
Иккиланчи сўзим будир, Аваз болам,
Одамнинг яхшисин на ерда кўрдинг?

Бек бўлгансан, бол Аваз, Чамбилбелинда,
Туз еб ўсдинг Гўрўғлининг қўлинда,
Ҳар бандалар бир пайғамбар дининда,
Диннинг яхшисин на ерда кўрдинг?

Кўнгилни, бол Аваз, сенга берайин,
Ҳар на десанг, мен сўзингга кирайин,
Яна сендан бир саволим сўрайин,
Йигитнинг яхшисини на ерда кўрдинг?

Бу сўзларни айтур сенга шоҳ Хунхор,
Кеча-кундуз сенга бўлдим интизор,

Яна бир саволим, ўғдим, сенга бор,
Юртнинг яхшисини на ерда кўрдинг?

Алқисса, Хунхоршоҳнинг бу сўзини Авазхон эшитиб,
ҳамма кўрганларини баён қилиб, бир сўз деди:

Дунёнинг юзини бир-бир қидирдим,
Чамбилнинг элинда хон бўлиб юрдим,
Кўрганимни бир-бир айтай, Хунхоршоҳ,
Юртнинг яхшисини Чамбилда кўрдим.

Бир-бири бирла ўйнаб ўв солади,
Устига минганнинг бели толади,
Ҳаводаги қушни қувиб олади,
Отнинг яхшисини Чамбилда кўрдим.

Бул Авазхон ҳали ҳозир билади,
Гуржистоннинг чор атрофи далади,
Отларинг бари яёвдан қолади,
Отнинг ёмонини сизларда кўрдим.

Йигитлари ширин жондин қечади,
Қизилбошдан одам олиб қочади,
Ўзи ўлмай қафан-тўнин бичади,
Йигитнинг шунқорин Чамбилда кўрдим.

Ёни кўрса кўздан ёшин сочади,
Довруқ бўлса, бош-бошига қочади,
Душманларга қўқиб кўксин очади,
Одамнинг кўркегин сенларда кўрдим.

Булбул деган қуш учади қиёда,
Шоҳлар кўрса, бўлар пою пиёда,

1. Тошади маъносида.

Ғайратлари Рустамдан ҳам зиёда,
Йигитнинг полвонин Чамбилда кўрдим.

Зоғу бойқуш доим юрар қиёда,
Ақли эмас бир-биридан зиёда,
Юришлари юрган доим пиёда,
Йигитнинг ёмонин сенларда кўрдим.

Бу айтган сўзларим, шоҳим, қалайди,
Ғайрат қилиб қизилбошни талайди,
Саҳар туриб бир Худога жилайди,
Диннинг яхшисини Чамбилда кўрдим.

Куйиб-ёниб эмди бўлдик адо деб,
Бир жонимиз анга бўлсин фидо деб,
Бир оғочни йўниб олиб Худо деб,
Бутпараст гумроҳни сенларда кўрдим.

Бир тарафда Така-Ёвмит эли бор,
Бир ёнинда Ҳовдак деган қўли бор,
Ҳар йигитнинг сендай тўқсон қули бор,
Йигитнинг арслонин Чамбилда кўрдим.

Алқисса, Аваз бу сўзни айтиб адо қилмай, яхшини
Чамбилда кўрдим, деганига Хунхор шоҳнинг аччиғи ке-
либ, кўзлари мисли косадек, ҳар мурти шопдек, оғзи
қўғи йиртилган қопдек бўлиб, қаҳрланиб:

— Бул Аваз Гўрўғли динига кириб, бунда жонсизлик
қилиб келган экан. Бунини ўлдиришлар, — деб жаллод-
ларни чақириб, бир сўз деди:

Кетар бўлди юрагимдан бу шодлар,
На савдога тушар одами зотлар,
Мен бир сўз эмди айтай сизларга,
Бунда келинг, қўрбошилар, жаллодлар.

Гүрүғли динига Аваз кирибди,
Чамбилбелга ёмон кўнгил берибди,
Келингизлар, мирғазаблар, жаллодлар,
Аваз ўғлон жонсиз бўлиб келибди.

Бол Авазнинг билмаганин билдиринг,
Тахта билан юрак-бағрин тилдиринг,
Аваз жонсиз бўлиб келган экандир,
Кел, жаллодлар, бол Авазни ўлдиринг.

Қабул этманг кўздан оққан ёшини,
Қарға, қузғун есин анинг лошини,
Дор тубига олиб боринг Авазни,
Сапчадайин узинг анинг бошини.

Раҳм айламанг Авазхоннинг ёшига,
Ҳеч одамни йўлатмагин қошига,
Аваз жонсиз бўлиб келган экандир,
Хамр қўшиб ол-да, қўйинг бошига.

Икки кўзи тўлсин лолагун ёшга,
Ул келибдир Асқар белидан оша,
Авазхонни тилла дорга тортинглар,
Дорлар кўрсин эмди бугун томоша.

Бол Авазнинг юракларин тешинглар,
Этларини парча-парча узинглар,
Аваз жонсиз бўлиб келган экандир,
Бол Авазнинг бошларини кесинглар.

Ингрантириб қўлга олайин мен созни,
Лочинга олдирдим сўнаман ғозни,
Хунхор шоҳдан эшитинглар бу сўзни,
Сўйинглар динидан қайтган Авазни.

Алқисса, шу вақтда юз жаллод туриб келиб, Аваз ўғлоннинг бўйнига арқон тақиб, зор-зор йиғлатиб, дор тубига судраб олиб жўнай берди. Аммо шул вақтда Аваз-хоннинг синглиси билан онаси бу сўзни эшитиб, иккови ҳам оёқ-боши яланғоч бўлиб, вой болам, деб Аваз-хоннинг кейинидан етиб, онаси бечора Гулойим жаллоднинг қўлига тармашиб, жаллод билан келаётган сап катта вазир, саркардага қараб, кўз ёшини тўкиб, бир сўз деди:

Эй, ёронлар, қулоқ солинг сўзима,
Қонлар тўлди эмди менинг кўзима,
Хунхор шоҳга на бўлгандир, ёронлар,
Мунча ғазаб кўрсатади кўзима.

Ким ишонар сенинг қўлинг, тилинга,
Қиличингни ярқиратиб белинга,
Мен айтайин эмди сизга, ёронлар,
Аваз кўзим нега келди элинга.

Бошимни чирмадим ҳижронли ғамга,
Чидамайман қуюк бирла аламга,
Сизга-бизга на бўлганди, ёронлар,
Мунча азоб кўрсатади боламга.

Авазимнинг бошига солма қаҳрингни,
Аждаҳосан, ким кўтарар заҳрингни,
Ўтинин берингиз эмди, ёронлар,
Аваз болам янги кўрди шаҳрингни.

Инчиликдан кўп чиқарма ўртингни,
Авазжоним кўтаролмас дардингни,
Бир қошиқ қониндан кечинг боламнинг,
Аваз болам янги кўрди юртингни.

Киши қўрқар ажал етса жониндан,
Қўзим, нега келдинг Чамбил элидан,
Ҳамма бийлар, бориб айтинг шоҳингга,
Боламни кечсин бир қошиқ қонидан.

Баҳорда тераман бу този гулди,
Гулларнинг ошиғи доим булбулди(р),
Боламни кечсин бир қошиқ қонидан
Ўз юртим деб келган болам Авазди(р).

Алқисса, Авазхоннинг онаси бу сўзни айтиб эрди. Анда бийларнинг барчаси кенгаш билан айтдилар: "Бул Аваздай ўғлон юз йилда пайдо бўлиб, ер юзига келмас. Ўлса, ўлар кетар, бунинг қадри Хунхоршоҳнинг ўзига ўтар, ҳали ҳам бўлса, бизлар бориб, жавоб тилаб олиб, Авазхонни зиндонга солиб, то қирқ кунгача насиҳат қилиб, Гўрўғлининг динидан қайтариб, ўз динимизга киргизармиз. Агар кирмаса, қирқ кундан сўнг гуноҳини ўз бўйнига қўйиб ўлдиурмиз", деб бол Авазни дор остидан қайтариб, зиндонга солиб, саркардалар ҳар кун эртаю кеч Гўрўғлининг динидан қайтгил, деб панду насиҳат қилур эрди. Анда Авазхон қабул қилмас эрди. Шу тариқада орадан ўттиз икки кун ўтди. Аммо Авазхон қабул қилмас эрди. Болойим деган синглиси бор эрди. Оғамни кўрсам, деб ийтиқ эди. Ҳеч мавридини тополмас эди. Аммо Болойим бир кечаси зиндонбондан сўраб, тун қоронғусида Аваз ўғлоннинг бошига келиб, зор-зор йиғлаб, оғасига қараб, бир сўз деди:

Ёруғ дунёни бир кўрарга зормусан,
Кеча-кундиз балки интизормусан,
Мен бир куйган шўрли келдим бошингга,
Чоҳ тубинда ёлғиз оғам, бормусан?

Ҳар на десанг, буйруғингга ярайман,
Чоҳ тубинда кўринмайсан, қарайман,

Мен бир куйган шўрли келдим бошингга,
Кудукдаги ғариб оғам, бормусан?

Ҳақ таоло этсин омон жонингни,
Тилай қолди қизилбошлар қонингни,
Мен бошингга келиб сени сўрайман,
Тирик бўлсанг, менга айтгил ҳолингни.

Ёш гўдаклар ўқир зеру забарни,
Усталар оладир қўлга табарни,
Чоҳ тубинда ғариб оғам, бормусан,
Тирик бўлсанг, менга бергил хабарни.

Ғариб онанг зор йиғлайди болам деб,
Фироқингда юрак-бағри ўртаниб,
Мен сўраб келганман отингга қониб,
Бўтадайин мен бўзларман инграниб.

Сенинг дардинг юрагини тузлайди,
Бир кўрсам деб изларингни излайди,
Онадан айрилган бўтадай бўлиб,
Бир дам тинмай, во болам, деб бўзлайди.

Дардинг билан эси кетиб йиғлайди,
Кеча-кўндуз сени Ҳақдан тилайди,
Соғингандан ғариб онанг, жон оға,
Вой қўзим, деб сочин ёйиб йиғлайди.

Қулоқ солинг мен айлаган нидога,
Бир жонини қилиб сенга садаға,
Ғариб онанг, вой болам, деб тинмайин,
Бир тилаб йиғлайди қодир Худога.

Болойим дер: кўндим тақдир ишига,
Қувонаман ажалимнинг кечига,

Нима ёздик бир Худога биз шўрли,
Сени солди зиндон қудуқ ичига.

Алқисса, қудуқнинг ичинда ётиб, Болойимнинг бу
сўзини эшитиб, кўнгли бузилиб, кўз ёши мунчоқдай тизилиб,
илондай тўлганиб, бир сўз деди:

Нола қилдим, банда бўлдим Худога,
Бу жонимни кўп куйдирма, садаға,
Мен эмди сенга бир сўз айтайин,
Кўз ёшингдан мендай оғанг садаға.

Мард йигитлар майдон ичра шайлансин,
Илоҳи, душманнинг қўли бойлансин,
Йиғламагил оғажон, деб Болойим,
Кўз ёшингдан мендай оғанг айлансин.

Урушга минганим жийрон қизилди,
Тирик бўлиб юролмасмиз биз эмди,
Оғажон, деб тўкма кўздан ёшингни,
Товушингдан менинг кўнглим бузилди.

Бу ишлар барчаси Оллонинг иши,
Оллонинг тўбидир одамнинг боши,
Оғажон, деб йиғлай берма, Болойим,
Ўртади ичимни кўзингнинг ёши.

Айта берсам, эсга тушар баёғим,
Аввалгидай эмас менинг сиёғим,
Бугун келдинг, сўнгра яна келмагин,
Кўз ёшингдан мен айланай, чироғим.

Юрагима тушди душмандан ваҳм,
Паноҳ берсин ҳар бандага Худойим,

Бугун келдинг, бу кундан сўнг келмагин,
Қоматингдан мен айланай, Болойим,

Бу душманлар зўрлигини билдирар,
Олмос солиб юрак-бағрин тилдирар,
Бугун келдинг, сўнгра яна келмагин,
Билса сени қизилбошлар ўлдирар.

Муллалар олгани давот-қаламди,
Юрагима тушган доғу аламди,
Кўрармизми, кўрмаймизми биз яна,
Ғариб мискин онамизга салом де.

Боқолмадим анинг нурли юзина,
Қулогим солмадим шакар сўзина,
Болойимжон, сен онама салом де,
Рози бўлсин менга берган сутина.

Очув қилиб боққаним йўқ бетина,
Ким чидайди юрагимнинг ўтина,
Борсанг, салом дегин шўрли онама,
Рози бўлсин менга берган сутина.

Кеча-кундуз қонлар йиғлар, оҳ урар,
Армон билан қанотидан қайрилар,
Салом дегил, Болойимжон, онама,
Саккиз кундан кейин биздан айрилар.

Яхшиларнинг асо бўлар дастинда,
Шайтон лайин эр йигитнинг қасдинда,
Насиб бўлса бир кўрарсан оғангни,
Саккиз кундан кейин дорнинг остинда.

Ҳовдок қўлга мудом солдим қушимди,
Ўнгарсин Худойим қилган ишимни,
Бизга тирик биргалашиб юрмак йўқ,
То кўргунча, ғариб синглим, хўш эмди.

Менинг бошим қолди сонсиз туманда,
Худойим сақласин сизни омонда,
Омон бўлгил, яна қайтиб кўргунча,
Сизларга қўшилмоқ бизга гумон-да.

Авазхон дер: мен қилурман зору зор,
На қилса, кучлидир яраттан жаббор,
Омон бўлгил, қиёматда кўрармиз,
То кўргунча, ғариб синглим, аллаёр.

Алқисса, Аваз ўғлоннинг бу сўзини эшитиб, бўтадай бўзлаб, оғаси бирла омонлашиб уйига қайтди. Авазхон ҳам бул ерда йўлбарсдай инграниб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, бу дунёдан қўл узиб ёта берди.

Эмди икки калима сўзни Гўрўғлидан эшитинг.

Аммо Гўрўғли Авазхон кетгандан сўнг қирқ йигити билан Авазхоннинг куюгидан киши билан сўзлашмай ётди. Орадан бир ой ўтди. Чамбилнинг ўрдасида Оға Юнус пари эрта билан пешинда, вой, қўзим, деб Авазхонни йўқлаб йиғлар, гўёки ер бирла осмон нола қилиб йиғлашур эрди. Авазхоннинг қадри андоғ ўтдики, ҳар ким қум тупроқни Авазнинг изи деса, Гўрўғли билан қирқ йигит минг тиллага сотиб олиб, кўзларига суртур эрди. Шул ҳолда орадан ўттиз кун ўтди. Анда Гўрўғлихон қирқ йигитни уйғотиб:

— Эй, қирқ йигит, бир Авазхон деб барчамиз бу ерда ётиб қириламизми, туринглар, отта миниб, бол Ҳовдак кўлига бориб, қуш солиб, кўнглимизни хуш қилиб кела-ли, — деб Гўрўғли қирқ йигитга қараб, бир сўз деди:

Қирқ йигитим, айтма сиригни номардга,
Ботирлардан номард олади совға,
Бир сўзим бор, бошингизни кўтаринг,
Ҳамманг туринг, мининг эмди бедовга.

Сиригни айтмагил, йигитлар, ётга,
Айтсанг қўяр ахир сени уятга,
Туринглар, йигитлар, эмди мининглар,
Ариллатиб садда арғумоқ отга.

Эл демангиз ўйингизга тескарди,
Кимсани яхши кўрсанг жигарди(р),
Ариллаган арғумоққа солинглар,
Йигитларим, эмди тилла эгарди.

Айтган сўзим ҳамма элга ёйилди,
Қилганима дўсту душман қойилди,
Эгарнинг устидан маҳкам тортинглар,
Ипакдан тўқилган қирмиз айилди.

Эл қадрига бориб кўрар муриди,
Ичларимдан чиқараман ҳуриди,
Тилла эгар устидан солинглар,
Ярашиққа олтин зарбоб давурди.

Кеча-кундуз қилингизлар, эрликди,
Ғанимларга кўрсатинглар зўрликди,
Миниглар ярашиқ билан, қирқ йигит,
Отга солиб садда олтин терликди.

Пўстин тортинг арғумоқнинг белига,
Киригизлар дингиллатиб Чамбил йўлига,
Қирқ йигитим, ариллатиб от миниб,
Юрингизлар эмди Ҳовдак кўлига.

Эшитингиз Гўрўғлининг сўзини,
Ҳақладингиз мендай эрнинг тузини,
Турингизлар, эмди Ҳовдак борайлик,
Кўрармиз шоядки Аваз изини.

Алқисса, Гўрўғли султоннинг бу сўзини эшитиб, қирқ йигит ночор бўлиб отларига миниб, Гўрўғли билан эргашиб, Чамбилнинг дарвозасидан чиқиб жўнай берди. Анда бол Ҳовдак кўлига бориб, Авазхон юрган ерларини кўриб, қайтадан кўнгиллари бузилиб, юрак-бағри эзилиб, қора ерни кучоқлаб, ҳар қайси бир бир ерда йиглаб ётиб, намозигардан боз отларига миниб Чамбилга қараб келур эрди. Ногоҳ Гуржистон тарафидан келаётган кўп савдогарни кўриб, анда Гўрўғли султон:

— Эй, йигитлар, юринглар, ул карвонларга етайлик, закотларини олайлик, Авазхоннинг хабарини сўрайлик, — деб йигитлар билан савдогарларнинг олдига чиқиб, қайдан келиб, қайда борурсизлар, деб Авазхондан хабар сўраб, Гўрўғли султон бир сўз деди:

Гўрўғли деб бизни айтур, биласиз,
Бизнинг билан кўп қангама қиласиз,
Мен сўрайин эмди сиздан, ёронлар,
Савдогарлар, на ерлардин келасиз.

Сўз эшитинг биздай бекнинг тилидан,
Азоб кўриб чарчаб Бадбахт чўлидан,
Сизлардан сўрайин эмди, карвонлар,
Сиз бўласиз қайси шоҳнинг элидан.

Қанд ила шакардан ортиқ сўзим бор,
Телмурган йўлинда икки кўзим бор,
Билсангизлар, хабар беринг, ёронлар,
Мен сизлардан сўрайтурғон сўзим бор.

Эй, карвонлар, эшитингиз бу зорим,
Аваз эди менинг белда мадорим,
Билсангизлар, бир хабарин айтингиз,
Армонда қочирдим олғир шунқорим.

Ўсиб эди мендай бекнинг қўлида,
От изин кўрдингми Бадбахт чўлида,
Араз уриб душманларнинг тилидан,
Бир шунқор қочирдим Чамбилбелидан.

Етагингда қатор-қатор нормиди,
Норларнинг устига ортқан зармиди.

Авазхоним яна даврон сурдими,
Чин кўнгилни Хунхор шоҳга бердими,
Аваз болам кетиб эди Чамбилдан,
Бундан бориб ўз шоҳини кўрдими?!

Киши кўрқар Гўрўғлининг кўзидан,
Нурлар томар анинг икки юзидан,
Карвон боши, эмди сента айтайин,
Билсангиз, бер хабар Аваз кўзимдан.

Куйганимдан мен қилурман оху воҳ,
Худойим бергай-да мен қулга паноҳ,
Аваз ўғлим Хунхор шоҳга борган сўнг,
Қадимгидай кўрдими ани Хунхор шоҳ?!

Алқисса, Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, карвонбоши
Гўрўғлихонга Гуржистон элидан ҳар на билганларини,
эшитганларини бир-бир баён қилиб, бир сўз деди:

Ўйласак, бу дунё барчаси фони,
Оллоҳнинг мулкидир одамнинг жони,
Кўрганимни бир-бир баён айлайин,
Қулоқ солиб тингла, Чамбилнинг хони.

Болалар ўқийди зеру забарни,
Ҳамроҳ қилдим доим ёру дигорни,
Кўрганимни бир-бир баён айлайин,
Қулоқ солиб эшит, Чамбил султони.

Ушб қолган.

Бу дунёнинг молу муджи ёлғонди,
Не-не эрлардан ул дукё қолганди,
Авазингнинг хабарини айтайин,
Кўзинг бундан Гуржистонга борганди.

Шо маълумат.

Айрилиқ балоси турфа аломат,
Яхшиларни ёмон қилиб маломат,
Кўрганимни бир-бир баён этайин,
Кўзинг борди эсон-омон саломат.

Ушб қолган.

Мен айтайин, Чамбил андин қолди-да,
Кўп савдони хафаликда солди-да,
Гуржистонга Аваз боланг борган сўнг,
Қадимгидай бўлди шоҳнинг олдида.

Авазхонни қадимгидек кўради,
Қирқ кун тинмай, анга тўйни беради,
Тўй ўтиб бўлгандин сўнг Хунхор шоҳ,
Элдаги яхшини андин сўради.

Боғлардаги тоза гулларни тердинг деб,
Ёш ҳам бўлсанг кўп ерларда юрдинг деб,
Йигит билан диннинг яхшисини
Сўради Хунхоршоҳ қайда кўрдинг деб.

Ёнингдаги киши билур минингни,
Шоду хуррам ўтказгансан кунингни,
Қиличингни Аваз чопиб сиртингдан,
Кўп кўтарди мазҳаб билан динингни.

От бошига урган зарли путади(р),
Авазнинг сўзига Хунхор тўхтади,
Қирқ йигит билан дининг кўтариб,
Хунхоршоҳга динингни кўп мақтади.

Кўп душманлар на демади ортингдан,
Бир сўз билан Аваз кетди юртингдан,
Ғойибона Хунхоршоҳнинг олдида,
Қиличнингни чопди Аваз сиртингдан.

Авазхонни Хунхоршоҳи сийлади,
Охиринда оёқ-қўлин бойлади,
Қиличнингни кўп чопди сиртингдан,
Авазни Хунхоршоҳ зиндон айлади.

Қулоққа олмадинг айтган сўзимни,
Ўярман деб икки шаҳло кўзингни,
Ўлдирмак бўлганди ани қирқ кунда,
Деганиндан қайтмаса Аваз кўзингни.

Аваз боланг ётир зиндон ичинда,
Йиғлай-йиғлай кундуз билан кечинда,
Авазнинг зиндонга тушган сабаби,
Номард қирқ йигит, сенлар учун-да!

Алқисса, карвонбоши айтди:

— Эй қирқ йигит, вой, Гўрўғли султон, Авазхон ғойибона сизларнинг қиличларингни чопиб, зиндонга тушиб ётибдир. Агар сизлар шул мавридда Авазхонни йўқла-масангизлар, бундан буён саккиз кун деганда Авазхонни ўлдирарлар. Ўлмай етингизлар. Агар бормасангизлар, Авазхоннинг икки қўли сизларнинг ёқангиздадир, — деб бир неча сўзни айтиб эрди, йигитларга қамчи бўлди.

Алқисса, Авазхоннинг мунча қилич чопганини эшитиб, Гўрўғли султон, бўтадай бўзлаб, оҳ уриб:

— Эй, қирқ йигит, бу Авазхон ғойибона бизнинг учун сиртимиздан мунча қиличлар чопибдир. Агар биз мундан бориб, Авазхонни айириб олмасак, бошимга хотиннинг қаса-баси, — деб шул ердан Чамбилга қайтиб, ҳамма йигитлар ёв-яроғини олиб, чоройна белда, совут, найза, аслаҳаларини олиб, ичларидан жойлаб, маҳкам қилиб, арғумоқларига миниб, Авазхонни излаб, Гуржистонга қараб жўнадилар:

Дафтардаги қасрақатлар,
Ерни тутиб сиёсатлар,
Оллоҳ деб беклар жўнади,
Гуржистонга азм этдилар.

Кўзидан оққан ёш бўлиб,
Бир-бирига сирдош бўлиб,
Оллоҳ деб барча жўнади,
Гўрғули султон бош бўлиб.

Тилла қуюшқон тўнкариб,
Кировка совут бўктариб,
Кеча-кундуз жўнай берди,
Гуржистон шаҳрин ахтариб.

Кийгани гулгун ёнади,
Ариллатиб от минади,
Шабгир тортиб кеча-кундуз,
Гуржистон қараб жўнади.

Арғумоқ отлар ариллаб,
Тилла қалқонлар дириллаб,
Оллоҳ деб беклар жўнади,
Туғ-байдоқлар шириллаб.

Етакда бедов иркиллаб,
Ғайрати тошди қилғиллаб,

Гүрүғлибекнинг оқ туғи,
Беклар қўлинда сўлқиллаб.

Отларига зарли мовут,
Отни чопиб овут-овут,
Ағдарилганда ярқираб
Зар қуббали олтин совут.

Арғумоқлар паридай ўйнаб,
Кўрганларнинг ичи қайнаб,
Ҳоҳолаб беклар жўнади,
Кийганлари ўтдай жайнаб.

Қизил чакман ўтдай жайнаб,
Кўп ердаги ўйни ўйлаб,
Арғумоқ отлар боради,
Сада пўлат сувлиқ чайнаб.

Ҳеч ким чиқмай йўлларига,
Олмос қилич белларига,
Олло деб беклар жўнади,
Тушиб Бадбаҳт чўлларига.

Кеча бўлса, санаб юлдуз,
Жабгир тортиб кеча-кундуз,
Гоҳи тўп-тўп, гоҳи ёлғиз,
Кўриб чўлларда қулатуз,
Оллоҳ деб беклар жўнади,
Саккиз кеча, саккиз кундуз.

Марҳам йўқ кўнгил доғига,
Кўнмоққа булбул боғига,
Саккиз кеча-кундуз юриб,
Борди Бадбаҳтнинг тоғига.

Алқисса, Гўрўғли султон саккиз кеча-кундуз дам-бадам от сағрисига қамчи уриб, зўр бериб, саккиз кун деганда Бадбахтнинг тоғига чиқиб ётди. Аммо эрта билан Гўрўғли султон ўтдайн қайнаб, авлиёга сиғиниб, Аваз ўғлонни соғиниб, қирқ йигитнинг олдига тушиб, Авазхоннинг иси Фиротнинг бурнига келиб, исини олиб, кўз ёшини тўкиб, оғзини очиб, оёғини силтаб, қирқ йигитнинг олдига тушиб, жўнай берди. Лекин шул маҳалда Гўрўғли султон Ҳасанхонни қирқ йигитга бош қилиб, Гуржистон шаҳрини кўриб, қирқ йигитга қараб, мардоналик билан Ҳасанхон бир сўз деди:

Иш бўлмас қудратли Ҳақдан бефармон,
Олдингизда кўринади Гуржистон,
Қулоқ солиб эмди билинг, қирқ йигит,
Сизга қараб сўз айтади Ҳасанхон.

Кейнингизда қолди Чамбилнинг бели,
Бу ерларни дерлар Бадбахтнинг йўли,
Қарангизлар кўзни очиб, қирқ йигит,
Туманлатиб ётган душманнинг эли.

Яқин келди Гуржистоннинг баҳори,
Кўзинг очиб, қара эмди, йигитлар,
Туманланиб ётган душманнинг шаҳри,
Биз келамиз барча, Авазнинг зори.

Яратган ўзига бўлиб хумори,
Йўлбарсдайн ғайратга мин, йигитлар,
Ярақлаб кўринган душман минори,
Эли билан юрти бори баҳори.

Қарангизлар бол Авазни осмоққа,
Қурибдир Хунхор шоҳ тилладан дори.

Отни чопиб адирларнинг устида,
Қиличлар яраклар эрнинг дастиди,
Узангига қизил қонни келтириб,
Бир уруш қилурмиз дорнинг остида.

Эшитинг, йигитлар, эмди бу сўзни,
Авазхон деб сарғайтамиз бу юзни,
Уруш қилиб тилла дорнинг остида,
Айириб олурмиз болим Авазни.

Аввал бошда бизга оздир бу ишлар,
Қизил қонга бўялди эй, ёронлар,
Ярақлаган қўлда олтин қиличлар.

Душман кўрса сизни бизга эл бўлар,
Ғанимларнинг оққан қони сел бўлар,
Воллоҳ аълам, ана дорнинг остида,
Худо билур, бир қиёмат кун бўлар.

Алқисса, Ҳасанхон бу сўзни айтур эрди. Шул маҳал-
да бул қирқ йигитнинг орасида бир Тўлак деган бор
эрди. Қандаҳорлик тожик эрди. Авазхонга ошиқ бўлиб
келиб, бир мартаба ойдек юзини, шакардек сўзини, қура-
лайдай кўзини кўриб, ўлсам ҳам бўлар, деб Қандаҳор
шаҳридан келиб, Гўрўғлихонга навкар бўлиб юрар эрди.
Лекин Авазхон кетгали Тўлак ботир ҳам кўп хафа бўлиб
юрар эрди. Аммо Авазхонга қараб Гўрўғли султон отла-
ниб чиқарда ул Тўлак Гўрўғлидан кўрқиб, титраб келар
эрди. Ногоҳ Ҳасанхоннинг бу сўзини эшитиб, ёғочнинг
баргидек қалтираб, Ҳасанхон қошида ранги ўчиб, қони

қочиб, дириллаб, от устида ўлтира олмай:

— От-тўнингни ол, навкар бўлмайман, — деб Ҳасан-хонга қараб, бир сўз деди:

Асло сипоҳлик қилмайман,
Берган отингни минмайман,
Ҳасанхон, эмди эшитгил,
Берган инъоминг олмайман,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Ичдим ман қирқма чойини,
Мингин деб берди бир тойини,
Саккиз ботмон буғдой берган,
Олсин берган буғдойини,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Эмди тингла сўзимни,
Гўрўғли хон қилди сани,
Ўн бир ботмон арпа берган,
Олсин берган арпасини,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Тўлақ ботир мун билиб,
Саман сариқ отга миниб,
Чиқарда ўттиз тангани,
Берди от еми қилиб,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Олдимизда кўп турган ёв,
Ёвлар минган югрук бедов,
Йиқилсин деб менга бир от,
Берибсизлар ўзи асов,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Ўзи асов, ранги сариқ,
Берибсиз беш ботмон тариқ,
Минай десам йиқиладур,
Ўзи асов, эти ориқ,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Оқ сут берган онам қолди,
Бир том тўла зағчам қолди,
Минганда отдан қолмайди,
Ўзи йўрға хачирим қолди,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Кўрдим душман элатини,
Аваз ўғлоннинг зотини,
Минай десам оғзин очар,
Олсин Гўрўғли отини,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Уйим тўла арчам қолди,
Сават тўла найчам қолди,
Бир кийимлик тўқир эрдим,
Куриб қўйган барқим қолди,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Уйда бордир икки тозим,
Яна ўн бир ола ғозим,
Умид билан мен асраган,
Сабил қолди тўрт хўрозим,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Адра қолди йиққан молим,
Тўлак айтур будир зорим,
Қора кўзли, ширин сўзли,
Йиғлаб қолди севар ёрим,
Бахудо, навкар бўлмайман.

Алқисса, Тұлақ шаһар қорасин кўриб, қўрққанидан
отдан тушиб эрди. Ҳасанхоннинг аччиғи келиб, қили-
чини суғуриб, Тұлақ ботирга қараб, бир сўз деди:

Ботирман, Ҳасан мен ўзим,
Талай уруш кўрди кўзим,
Бу ён қара, эмди Тўлақ,
Тингла менинг айтган сўзим.

Ёмон ишни кейин тайла,
Бу дунёнинг кетин ўйла,
Сандалмайин эмди Тўлақ,
Сўзларингни билиб сўйла.

Ерга тўкай қизил қонинг,
Бузиб ташлай хону монинг,
Бизлардан ортиқ бўлдимиз,
Эй, баччағар, сенинг жонинг.

Эмди бўйнингни бурмагил,
Юриб ёмонлик кўрмагил,
Қирқ йигитнинг белларини,
Кўп сўз айтиб синдирмагил.

Зўрлигимни билдирмайму,
Юрак-бағринг тилдирмайму,
От-тўнингни олайнму,
Дарҳол сени ўлдирайму.

Бошингни тандан олайму,
Қонингни сел қилайинму,
Мен ўлдириб сен бадракни,
Фозинг сабил қилайинму.

Тез юр қонга буланмайин,
Ажалингни етказмайин,
Товуқларинг нечук айтдинг,
Қирқ йигитдан уялмайин.

Мақтадингни олтинингни,
Айтасан бир пуд ўтинингни,
Сендан ўзгада йўқмиди,
Не деб айтдинг хотинингни.

Ким қўйди сенга бул ишни,
Билмайсан рамуз-равишни,
Ол эмди ўлдинг, эй, Тўлак,
Кўргин бошингда қилични.

Алқисса, Ҳасанхон бу сўзни айтиб эрди, анда Тўлак Ҳасандан қўрқиб, қайтадан отга миниб:

— Тақсир тўрам, тавба қилдим, — деб йигитлар билан юрган киши бўлиб, кам-кам Чамбилга қараб, қирқ йигитдан кейин қолиб, қочмоқни ҳеч кимга билдирмай, саман сариқ отини так-таклаб, кўз кўринар ерда қолди. Анда Ҳасанхон бунинг бул шумлигини билаб, англаб, туриб қошига келгандан сўнг саман сариқ отининг сағрисида бир икки қўлдан уриб эрди. Анда саман сариқ Тўлак ботирни олиб қочиб, оғзини очиб, душманларнинг шаҳрига қараб жўнай берди. Анда Тўлак отини тўхтата олмай, зўр бериб, икки қўллаб, сувлигидан буриб боқди, бўлмади. Охирида Тўлак ботир қўрқиб, қўлидаги найзасини ташлаб, икки қўли билан отининг ёлидан ушлаб, отга қараб, бир сўз деди:

Бу элдир душман элати,
Барча Авазхоннинг зоти,
Юзимнинг кетди уяти,
Жоним қўзим, айланайин,
Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти.

Сўзлар бўлса, тил яхшилик,
Баҳор бўлса, гул яхшилик,
То ўлгунча унутмайин,
Менга қилгил бир яхшилик,
Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти.

Сабил бўлур йўқу борим,
Сенсан кўнглимда мадорим,
Менга қилгил бир яхшилик,
Кокилингдан, жониворим,
Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти.

Тўкилмасин ерга қоним,
Чиқмасин танимда жоним,
Қадрдоним, меҳрибоним,
Айланайин, безабоним,
Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти.

Надан зўрдир сенинг даминг,
Юрагимга тушди ғаминг,
Араз урдингми, жониворим,
Оз бўлдим кечаги еминг,
Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти.

Йўлнинг танобин тортасан,
Устинга мени ортасан,
Отга чопиб юрганим йўқ,
Йиқилиб ўлсам қайтасан,
Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти.

Тўлак айтур валлоҳу аълам,
Қутилмасман эмди бу дам,
Ё бўламан эмди одам,
Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти.

Алқисса, Тўлак бу сўзни айтиб борур эрди. Ҳасанхон бориб тўхтатди. Гўрўғли йигитларни бир ерга йиғиб:

— Эй, йигитлар, эмди сизлар найзани, туғ-байдокни бир ерга қўйиб, қиличларингни ичларингдан боғлаб, серма қилич бўлиб, икков-икков бир дарвозадан кириб, бозорчи бўлиб кирайлик. Мени тилла дорнинг ўнг ёнидан топинглар, — деб жўнай берди.

Қирқ йигитнинг ҳаммаси икков-икков бир дарвозадан кириб бориб, дорнинг ўнг ёнида Гўрўғлихон қошида тайёр бўлиб турди. Аммо бул кун Хунхоршоҳ Авазхонни дорга осадиган кун эрди. Тилла тахтни дорнинг тубинда қуриб, ўзи тилла тахтнинг устинда, ҳамма саркарда ёнинда эрди. Ногоҳ Гўрўғлихон, қирқ йигит кўрдиким, одамнинг қулоғи бирла, бурнини кесиб олиб, бўйнига тумор қилиб таққан бадбахтлар Авазхоннинг бўйнига арқон боғлаб, қўл-оёғи, икки кўзи боғли ҳайдаб, дор тубига олиб келди. Анда Гўрўғли билан қирқ йигит Авазхонни мундай кўриб, тоби-тоқати қолмай, кўзларига ёш тўлиб, балки мунчоқдай ерга тўкиб, оҳ тортиб, от қўймоқ бўлиб, ўзларини зўрға тўхтатдилар. Анда Авазхонни Хунхоршоҳ олдига олиб келдилар. Хунхоршоҳ: — Эй, чирогим, Авазхон, келгил, ҳали ҳам бўлса, Гўрўғли динидан ўз динимизга киргил. Мен сенга ҳар на тилаган мақсадларингни, Гуржистон шахри бирла ҳаммасини сенга берайин, — деб Авазхонга қараб бир сўз деди:

Омон бўлсин кўп йилгача ширин жон,
На қилса қудратли яратган субҳон,
Бир сўзим бор эмди сенга айтайин,
Қулоқ солиб, тингла буни, Авазхон.

Бир нечалар тополмайди изингни,
Кўзим қиймас сендай кўрпа кўзимни,
Бўйингдан айлансин мендай Хунхоршоҳ,
Қулоқ солиб, тингла менинг сўзимни.

Туз егансан Гўрўғлихон қўлидан,
Қочиб ошдинг баланд тоғнинг белидан,
То ўлгунча сендан рози бўлайин,
Қайт, Авазхон, Гўрўғлининг динидан.
Эшитгил, Авазхон, менинг тилимни,
Сўлдирма бемаҳал боғда гулимни,
Гўрўғли динидан қайтгил, бол Аваз,
Сенга берай Гуржистондай элимни.

Нечанинг бошига солдим қаҳримни,
Аждаҳоман, ким кўтарар заҳримни,
Қайт, Авазхон, Гўрўғлининг динидан,
Сенга берай Гуржистондай шаҳримни.

Хунхоршоҳнинг айтган сўзлари бўлди,
Қайғу билан ғусса юракка тўлди,
Ялинсам-да қайтмайсан ўз динингдан,
Чироғим, Авазхон, сенга на бўлди?

Алқисса, Авазхон бу сўзларни эшитиб, кўзи боғли,
юраги доғли бўлиб, Хунхоршоҳга бир сўз деди:

Дунёда бормикан мендай пургуноҳ,
Худойим қилмасин бизни рўсиёҳ,
Мен ҳам айтай эмди бу дам сўзимни,
Қулоқ солиб тингла, аё, Хунхоршоҳ.

Сабил қолди душманларга мулку мол,
Бир сўзим оғзимда эрур мисли бол,
Армон билан дардим кўпдир ичимда,
Бу сўзимга, шоҳим, эмди қулоқ сол.

Араз уриб чиқдим Чамбил белидан,
Тузлар едим Гўрўғлининг қўлидан,

Бошим агар узсанг, аё, Хунхор шоҳ,
Қайтмагайман Гўрўғлининг динидан.

Алқисса, Авазхоннинг бу сўзини Хунхоршоҳ эшитиб,
дарғазаб бўлиб:

– Торт Авазхонни дорга. Эмди ўз гуноҳи ўзига, – деди.

Анда жаллодлар Авазхонни дорга тортмоқ бўлди. Шу
маҳалда Авазхоннинг Болойим деган етти яшар сингли-
си бор эрди, зор йиғлаб келиб, оғасининг бўйнидан
қучоқлаб, бир сўз деди:

Қудратли, кучлидир яратган жаббор,
Бандасида йўқдир зарра ихтиёр,
Ички сўзим эмди бир-бир айтайин,
Қулоқ сол, оғажон, сенга арзим бор.

Ёш ўрнига тўқдим кўздан қизил қон,
Иш бўлмас қудратли Ҳақдин бефармон,
Қулоқ сол, айтайин ички сиримни,
Қолмасин қўнғлимда бир зарра армон.

Нега келдинг Гўрўғлининг элидан,
Туз тотгансан, оға, анинг қўлидан.

Тоза гуллар тар очилиб сўлмасин,
Худоё, ҳеч банда мандек бўлмасин,
Отингдан айланай, яратган жаббор,
Раҳм айлаб, мадад бер, оғам ўлмасин.

Қодир Оллоҳ, бу дардима назар сол,
Ғариб бўлиб зор йиғларман, қўлим ол,
Отингдан айланай сенинг Зулжалол,
Раҳм айла ёшига, оғам ўлмасин.

Бир отинг Раҳимдир, бир отинг Ғаффор,
Сендан ўзга раҳм этгувчи кимим бор,
Айланай отингдан, Расули Мухтор,
Раҳм айлаб, мадад бер, оғам ўлмасин.

Ғариб бўлиб оғам тўкар қизил қон,
Оғам қилди бошни йўлида қурбон,
Сипоҳининг пири, ё, Шоҳимардон,
Раҳм айлаб, мадад бер, оғам ўлмасин.

Зор йиғларман мадад тилаб субҳидам,
Бошимга тушибдир юз минг туман ғам,
Тасаддуғинг бўлай, ё, Ғавс ул-Аъзам,
Раҳм айлаб, мадад бер, оғам ўлмасин.

Ғариб бўлиб зор йиғларман бу кун ман,
Ҳажр ўтига куйди жоним билан тан,
Отингдан айланай сенинг, қирқ чилтан,
Раҳм айлаб, мадад бер, оғам ўлмасин.

Ҳеч кимим бормайдир анинг қошига,
Қиёмат савдолар тушган бошига,
Қодир Оллоҳ, раҳм эт кўзда ёшига,
Раҳм айлаб, мадад бер, оғам ўлмасин.

Ушбу ерлар шоҳи Хунхор ерлари,
Хабари йўқ бундан Чамбил эрлари,
Гўрўғлининг улуғ комил пирлари,
Раҳм айлаб, кўлин тут, оғам ўлмасин.

Бўтадек бўзларман бу кун эмди ман,
Мададкори эрур анинг қирқ чилтан,
Гўрўғлининг ота пири, бормисан,
Раҳм айлаб, мадад бер, оғам ўлмасин.

Болойимнинг бир тилаги бул эмди,
Худоё, мен қулга раҳм қил эмди,
Ҳамма пирлар мадад берар кун эмди,
Раҳм айлаб, мадад бер, оғам ўлмасин.

Алқисса, Гўрўғли бирла қирқ йигит Авазхон сингли-сининг бу сўзини эшитиб, андан сўнгра илондек тўлғо-ниб, ўксиб йиғлаб, от ёлига суяниб эрди. Хунхоршоҳ Авазнинг ўзининг ва синглисининг бул айтган сўзига аччиғи келиб:

— Тортгил дорга, — деди.

Анда Авазхон чини билан ўларини билиб, дунёдан кечиб, кўзи боғли, юраги доғли, ёнида турган сингли-сига қараб, бир сўз деди:

Юрагимда бордир менинг юз доғим,
Бемаҳал сўладир рангу сиёғим,
Ичимда дардим кўп, бир-бир айтайин,
Қулоқ солиб, тингла эмди, чироғим.

Эсон қилсин эгам сенинг бошингни,
Қарғалар емасин сенинг гўшингни,
Қошимда сен турма бўтадек бўзлаб,
Оғажон, деб кўздан тўкма ёшингни.

Кучли десанг, йиғла ҳаққа Худо, деб,
Бу жон бўлсин дардингга фидо, деб,
Бир ёнимдан сенинг довшинг ўртайди,
Ўксиниб йиғлаган жоним оға, деб.

Жаллодлар барчаси турур тўшимда,
Бу савдолар барча менинг бошимда,
Бу сўзима қулоқ солгил, чироғим,
Бир армоним бордир менинг ичимда.

Кулоқ сол, чироғим, айтган сўзима,
Ўлдим тайин эмди менинг ўзим-а,
Бола қилиб боққан мени Гўрўғли,
Қўримайди шундай кунда кўзима.

Ҳе, дариго, Гўрўғли қадрим билмади,
Кўздаги ёшимга раҳм қилмади,
Бу дорнинг остинда йиғлаб турганда,
Қирқ йигит бирла отам келмади.

Сенинг учун сарғайди юзим, деб,
Изингга тўрт бўлди икки кўзим, деб,
Шуйтиб турганимда кўрса Гўрўғли,
Вой-войлаб от қўймасмиди кўзим, деб.

Кўзим тўйиб боқолмадим юзингга,
Қонолмадим сенинг шакар сўзингга,
У ён, бу ён қара эмди, чироғим,
Бегоналар кўринарми кўзингга.

Алқисса, Болойим бу сўзни эшитиб, кўзининг ёшини
суртиб, ҳамма атрофларга қараб, баногоҳ Фиротнинг ус-
тинда, бошинида жиға, йўлбарсдек чобиниб, ўтдек қай-
наб турган Гўрўғли султонни кўриб ва яна Ҳасанхон би-
лан қирқ йигит — ҳаммасининг савлат билан турганини
кўриб, Авазхонга телмурганини билиб, "Магар Гўрўғли
бўлса, шулдир", деб Гўрўғлининг ва қирқ йигитнинг су-
ратини бир-бир айтиб, оғасига қараб, бир сўз деди:

Бошидан кетмаган асли савлати,
Ғанимга зилзила солур шавкати,
Бошида жиғаси, остида оти,
Оқ соқолли, ерни босган савлати,
Во болам, деб йиғлаб турган кимингдир?

Сўка-сўка мендай ғариб сўзлайди,
Ҳар ким ўз тенгини сўраб излайди,
Бошида бор жиға, остида бедов,
Минган оти тўққиз кўкни кўзлайди,
Во бўтам, деб зор инграган кимингдир?
Кулоқ сол эмди бу сўзга, оғажон,
Сенинг учун зор йиғлайдур Худога,
Айни ўзи йигирмадан ўтмаган,
Остинда бедов от, бошинда жиға,
Вой иним, деб зор йиғлаган кимингдир?

Шунқор деган қуш ўлтирар қиёда,
Не-не шоҳлар жilовинда пиёда,
Ажаб яхши ўзи, зебо бир йигит,
Ҳусни десанг фариштадин зиёда,
Бедов отли, добилбозли кимингдир?

Минган оти тўққиз кўкни кўзлайдир,
Сенинг дардинг билан бағрин тузлайдир,
Бир ажаб кишидир, юзлари нурли,
Вой бўтам, деб сенга қараб бўзлайдир,
Бедов отли, добилбозли кимингдир?

Алқисса, Авазхон бу сўзни эшитиб:

— Эй, ёронлар, мен эмди бул ёруғ дунёдан кетиб бо-
раман. Ҳар на бўлса, менинг кўзимни очинглар, ёруғ
дунёни бир кўриб қолайин, — деди.

Анда душманлар:

— Маъқул, — деб Авазхоннинг кўзларини очди. Аваз-
хон кўзларини очиб, у ён, бу ён қараб, Гўрўғли билан
қирқ йигитни кўриб, юраги ёрилгудек бўлиб, душман-
ларга бир сўз деди:

Йиғларман эмди зор-зор,
Кўзда ёшимдир навбаҳор,

Барча топганинг, шоҳ Хунхор,
Ё сеники, ё меники.

Сўз сўзлаган қизил тилинг,
Боғингдаги тоза гулинг,
Гуржистондай ушбу элинг
Ё сеники, ё меники.

Ичингдан чиқадир ўтинг,
Ким кўтарар сенинг дардинг,
Гуржистондай катта юртинг
Ё сеники, ё меники.

Бошима солгансан қаҳринг,
Ҳеч кўрмадим сенинг баҳринг,
Ушгу турган катта шаҳринг
Ё сеники, ё меники.

Бузилсин сенинг раҳтинг,
Паст бўлсин доим баҳтинг,
Остингдаги тилла таҳтинг
Ё сеники, ё меники.

Ким эшитур сенинг зоринг,
Қатор билан ҳамма норинг,
Муна турган тилла доринг
Ё сеники, ё меники.

Дафтарда бордир хатларинг,
Юзга тушар роятларинг,
Остингга минган отларинг
Ё сеники, ё меники.

Эшитмасман сенинг сўзинг,
Сарғайтарман қизил юзинг,

Гулнаҳордай яхши қизинг
Ё сеники, ё меники.

Ичга тушар ваҳмларинг,
Сўзда келур қойимларинг,
Ўрдадаги ойимларинг
Ё сеники, ё меники.

Алқисса, Хунхор шоҳ Аваз ўғлоннинг бу сўзини эшитиб, қаҳри келиб:

— Нимага мунча қўйдинглар, сўйинглар, — деди.

Анда Ҳасанхон отасига қараб:

— Бундай қила берсанг, Авазхон ўлмайми, эртароқ тилла добилни урсанг-чи, — деб бир сўз айтди:

Дор тубида зор йиғлайдур Авазхон,
Сув ўрнига кўздан оқиб қизил қон,
Буйта берсанг, Аваз боланг ўлмайму,
Турамусан шуйтиб эмди, отажон?!

Авазининг паймонаси тўлмайму,
Боғда очилган тоза гули сўлмайму,
Фотиҳа берсанг-чи бизга, отажон,
Бундай қилсанг, бол Авазинг ўлмайму?!

Излаган мақсадинг ҳақдан топилди,
Қирқ йигитнинг ҳаммалари ғофилди(р),
Турамусан эмди қараб, отажон,
Эртароқ урсанг-чи тилла добилди.

Кулоққа ол эмди ушбу сўзларни,
Тўрт қилдим амрингга шаҳло кўзларни,
Оқ фотиҳа бериб эмди, отажон,
Ёвларга қўя бер эмди бизларни.

Эр йигитлар доим қилур хуришин,
Томоша қил қирқ жаллоднинг урушни,
Савлат билан душманларга юришин,
Оқ фотиҳа беринг бизга, отажон.

Ҳасанхон дер: тўкдим кўзда ёшимни,
Савдога қўшайлик душман бошини.
Қирқ йигитга жавоб бериб, отажон,
Томоша қил Ҳасанхоннинг ишини.

Алқисса, Гўрўғлихон бу сўзларни эшитиб, Фиротга
қамчи уриб, тилла добилни қоқиб, қирқ йигитга боқиб,
туркман тилига солиб:

– Дўндир, сизлар Авазхон билан, мен Хунхор билан
бўларман, – деб йигитларга қараб, бир сўз деди:

Олмос қиличлар дастига,
Қараманг баланд-пастига,
От чопинг душман қасдига,
Дўндир Авазхон устига,
Мен ўзим Хунхор устига.
Белда тилла пичоқлари,
Нукрадандир сачоқлари,
Дўндир Авазхон устига,
Мен ўзим Хунхор устига.

Арғумоқ отлар ариллаб,
Тилла қалқонлар дириллаб,
Йўлбарсдай эрлар ғариллаб,
Дўндир Авазхон устига,
Мен ўзим Хунхор устига.

Қочсин душманлар дириллаб,
Қирқ йигит шердай ғориллаб,
Туғу байдоклар шириллаб,

Дўндир Авазхон устига,
Мен ўзим Хунхор устига.

Гўч йигитлар, кечинг жондин,
Қон оқизинг бу майдондин,
Ўн бир ёндан, беш бир ёндан
Дўндир Авазхон устига,
Мен ўзим Хунхор устига.

Катта-катталарни тут,
Босиб янчинг мисли қурут.
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.

Қалъа бошин олсин туман,
Бу кун бўлсин охир замон,
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.

Қўшин келур аста-аста,
Тўп-тўп бўлиб, даста-даста,
Уруш қилинг баланд-пастда,
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.

Қирқ йигитим отга миндай,
Авазхоннинг қўнгли тиндай,
Олган-олганники эмдай,
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.

От қўйиб баланд-пастига,
Олтин қиличлар дастига,
Қон тўкиб дорнинг остига,
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.

Аваз болам бўлди етим,
Майдон ичра чиқсин отим,
Ўлмай қайтманг, қирқ йигитим,
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.
Қиринг-жўйинг қизилбоши,
Бўялсин тоғларнинг тоши,
Бўлсин Рустамнинг уруши,
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.

Ҳар қайсинг бир шерга ўхшаб,
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.

Юрак бўлсин парча-парча,
Айланг урушни бошқача,
Отдан қўнмай қирқ кунгача,
Дўндир Авазхон устига
Мен ўзим Хунхор устига.

Қирқ йигитнинг кўнгли тошсин,
Қулоқ солинг, қирқ арслон,
Сўз айтадир Гўрўғлихон,
Дўндир Авазхон устига,
Мен ўзим Хунхор устига.

Алқисса, Гўрўғли султон бу сўзларни айтиб, тилла добилни қоқиб, қирқ йигитга фотиҳа берди. Анда душманлар устига қирқ йигит Оллоҳ, деб от қўйиб, қириб-жўйиб, кўзларини ўйиб, тирикларини сўйиб, қонларига тўйиб, Хунхоршоҳнинг ичи куйиб, ёмон қобоқни уйиб; чақмоқлар чақилиб, добиллар қоқилиб; найза найзада, қиличлар байзада, совутлар танда, тан жонда, жон иймонда; бедовлар чопилиб, излаган топилиб, қиличлар

чопилиб, ўқлар отилиб, улик жоталиб(?), жонлар сотилиб, найзалар ботилиб, совутлар сўтилиб, қонлар ютилиб, қочган қутилиб, турган тутилиб; кўз кўрмак, қулоқ эшитмак, оёқ юрмак, қўл урмак, урушнинг томошасини осмондаги фаришталар кўрмак. Лекин шул маҳалда замон-замон бир бўлиб, юраклар шер бўлиб, қонлар оқиб, кўзда ёши қўл бўлиб, қирқ йигитнинг мададкори ҳамма пирлар бўлиб, катта-каттаси уялиб, мундоқ кенг дунё аларга тор бўлиб, қочиб ўлганлари доҳили нор бўлиб; аргумоқ отлар ариллаб туғ-байдоқлар шобирлаб-дириллаб, бошлари кетиб пириллаб, қирқ йигит йўлбарсдек бўлиб ғориллаб, шу тариқада етти кун тинмай, отдан ерга қўнмай, бирор соат ором олмай, уруш қилдилар. Сув ўрнига қонлар оқиб, ўликлари буғдойнинг боғидек бўлиб, душманларнинг қони узангисига чиқди. Шул маҳалда Хунхоршоҳни ваҳм босиб, янчиб, ўрдасига тикди ва шодлик-шавкатини йиқди. Лекин Хунхоршоҳнинг ҳамма саркардалари омон-омон, деб Гўрўғли султоннинг олдига келдилар. Анда Гўрўғли султон аларга омонлик бериб, Хунхоршоҳнинг ўрдисига чиқиб, карнай-сурнай қўйдириб, тўй-томошалар қилиб, бир ой ётиб, Хунхоршоҳ ва ҳаммалари суҳбат тутиб, кўнгилларидан кийна-кудратлари кетиб, шоду хуррам бўлдилар.

Гўрўғли султон Хунхоршоҳ билан кучоқлашиб дўст бўлиб, ҳамма хазинасини икки ҳисса қилиб, ўзига бир ҳиссасини қўйиб, бир ҳиссасини Гўрўғли султонга бериб, бир неча норларга, бир неча хачирларга зар юклаб, Гўрўғли султон, Авазхон ва қирқ йигитни уч кунлик ерга узатиб чиқиб, омонлашиб, ўзининг шаҳрига қайтди.

Гўрўғлибекнинг вақти хуш бўлиб, Авазхонни олиб, Гуржистондан чиқиб, Чамбилга юзланиб жўнай берди. Аммо Гўрўғли султон Авазхон бирла йўл юришиб, йўлдош бўлиб, кўнгли тўлиб, дунё ишидан беармон бўлганига қараб, бир неча ерлардан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Аввал Ҳақниг изни билан
Бўлдим, армоним қолмади.
Бир қоронғу гўр ичинда
Туғдим, армоним қолмади.

Қора гўрда кириб жоним;
Бўлиб она меҳрибоним,
Етти ёшимда дармоним
Кирди, армоним қолмади.

Бу дунёнинг ўзи фони,
Чамбилнинг бўлдим султони,
Ёлғончи ушбу дунёни
Сурдим, армоним қолмади.

Қуш солиб Ҳовдак кулинда,
Бек бўлиб Чамбил элинда,
Давронни туркман ёвинда
Сурдим, армоним қолмади.

Ҳеч қарамасман бастима,
Хат бердим элнинг дастина,
Тилла тахтнинг устина
Миндим, армоним қолмади.

Эшит мендай эрнинг сўзин,
Чалқитиб ойдаин юзин,
Йигирмада Райҳон қизин
Олдим, армоним қолмади.

Обод қилиб ушбу ерни,
Ўттизимда комил пирни,
Қирқ чилтан бирла Ҳизрни
Кўрдим, армоним қолмади.

Хизмат қилиб ул эрларни(га)
Хони бўлдим бу ерларнинг,
Дуоси билан пирларнинг
Юрдим, армоним қолмади.

Жиғалар бордир бошимда,
Пирларим ҳозир қошимда,
Оға Юнусни қирқ ёшимда
Олдим, армоним қолмади.

Баракат бордир ишимда,
Юрдим мен тенгу тушимда,
Мисқолойни қирқ бешимда
Кўрдим, армоним қолмади.

Мен айтай ичим сирини,
Тенг қилиб менга парини,
Элликда Гулнор парини
Кўчдим, армоним қолмади.

Юрт солиб ўртларини,
Олиб неча кентларини,
Қизилбошнинг юртларини
Олдим, армоним қолмади.

Ерга тўқдим қизил қонни,
Омон қилсин Ҳақ бу жонни,
Юз ёшимда Ҳасанхонни
Кўрдим, армоним қолмади.

Ўғил қилиб Ҳасанхонни,
Кеткизиб барча армонни,
Юз ўн ёшда Авазхонни
Кўрдим, армоним қолмади.

Гуржистоннинг сазосини,
Солиб бошга ғазосини,
Қизилбошнинг жазосини
Бердим, армоним қолмади.

Бандаман, қилдим гуноҳни,
Раҳми кўпдир бир Оллоҳнинг,
Бундан бориб Хунхор шоҳни
Олдим, армоним қолмади.

Боғлаб ғаним қўлларини,
Териб боғнинг гулларини,
Гуржистоннинг элларини
Кўрдим, армоним қолмади.

Ўнг ёнимда Аваз ҳамроҳ,
Сўл ёнимда Ҳасанхон шоҳ,
Вафоси йўқ кўҳна дунё,
Сендан армоним қолмади.

Алқисса, Гўрўғли султон бу сўзларни айтиб, ўйнаб-
кулиб, қирқ йигитлар билан Авазхонни ўртага олиб,
Чамбилга қайтиб келиб, Авазхоннинг оналари пешвоз
чиқиб кўришиб, аҳволини сўрашиб, хафалиги кетиб,
хушвақтлик қилиб, Аҳмад сардорнинг қизини олиб бе-
риб, ўз жиғасини Авазхонга бериб, ўз қўли билан боши-
га санчиб, Фиротини, Чамбил юртини, Така-Ёвмит эла-
тини, қатордаги норини, хазинадаги борини Авазхонга
топшириб, бул дунёдан қўл кўтариб, ҳамма ҳукуматлар-
ни ҳам бериб, Авазхонни султон этиб, барчалари муро-
дига етиб, шоду хуррам бўлдилар.

Валлоҳу аълам бис-савоб, таммат ул-китоб. ўғқ9 санада.

Ушбу "Гўрўғли" рисоласининг босма ўлиниб, истихрож ўлмоғина сабаб ўлғувчи Петропавлда истиқомат этгувчи китобфуруш Муҳаммадраҳим Муҳаммадвали ўғлининг ижтиҳоди бирла Петропавлда турғувчи котиб Мулла Ҳасан Мирбобо ўғлининг қалам хомаси бирла бир минг саккиз юз саксонинчи йилда таҳрир ўлинди. ў880 санада.

ХАЛҚИМИЗ СЕВИБ ЎҚИГАН КИТОБ

"Гўрўғли" туркуми дostonлари яратилиши, тарқалиш доираси ва куйланиш хусусиятлари билан ҳам, сюжет таркиби, композицион қурилиши ва услубий ўзгачилик-лари билан ҳам, туркумланиш даражалари ва жонли оғза-ки ижро шароитларида сақланиш ҳолати билан ҳам жа-ҳон халқлари эпик ижодиётида фавқулodда бадий ҳоди-садир. Унинг фавқулodда бадий ҳодиса эканлиги яна шундаки, бугунги кунда ноёб фольклор меросига ай-ланган бу улкан эпос Марказий Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ, Сибирь, қисман Европа халқлари орасида кенг тарқалган эди ҳамда айрим эл-элатларда ҳозир ҳам бах-ши, оқин, жиров, ошиқлар томонидан куйлаб келин-моқда. Унинг версия ва вариантлари ўзбек, тожик, турк-ман, қозоқ, қорақалпоқ, уйғур, озарбайжон, турк, қирим-татар, арман, грузин, курд, ажар, лазгин, абхаз, қумиқ, гагауз, қараим халқлари фольклор ижодкорлари ва иж-рочиларидан ёзиб олинган ҳамда нашр этилган. Булғор турклари, Эрон озарбайжонлари, Ироқ туркманлари, Сибирь татарлари, Ставрополь туркманлари, Афғонис-тон ўзбеклари, Ўрта Осиё (Бухоро) араблари), Гўрўғли ҳақида қўшиқлар куйлаб, ривоятлар сўйлаб келганлар. Ана шундай кенг ҳудудда тарқалган, асосан туркий хал-қлар, қисман уларга қўшни яшаган бошқа халқларнинг ҳам муштарак оғзаки ижоди бўлган бундай силсила фоль-клор асарлари қачонлардир яратилиши ҳамда тарихий-ҳаётий ва мифологик асослари жиҳатидан бир ёки бир неча негизга бориб тақалсалар-да, кейинги тараққиёти-да оғзаки ижро шароитларида уларни куйлаб келган ҳар

бир халқнинг ўз миллий эпосига айланган. **Туркум** достонларда тасвирланган эпик қаҳрамон **Гўрўғли** (**Кўрўғли**, **Карўғли**, **Гургули**) ўзбек муҳотида ўзбек, озарбайжон муҳотида озари, туркман муҳотида туркман, турк муҳотида усмонлидир. Шунинг учун ҳам эпоснинг версия ва вариантларида қанчалик муштараклик, ўхшашлик кўзга ташланса, уларда шунчалик (балки кўпроқ) миллий ўзига хослик мужассамдир.

I

"Гўрўғли" ("Кўрўғли") достонларини дастлабки ёзиб олиш, нашр этиш ва ўрганиш ишлари XVIII асрнинг биринчи чораги ва XIX асрнинг 40-йилларига тўғри келади. Жумладан, эронлик арман савдогари **Элиас Мушегян** Эрон ҳукуматининг сиёсий айлоқчиси сифатида Астраханда қўлга олинганда, унинг ёнидан "Қўшиқлар" тўплами топилади. Ушбу тўпламда Низомий, Фозулий асарларидан намуналар, мақол ва маталлар билан бир қаторда Жанубий Озарбайжон ошиқларидан 1721 йилда арман имлоси билан озарбайжон тилида ёзиб олинган "Кўрўғли" достонидан ўн учта мустақил қўшма (терма, қўшиқ) ҳам мавжудлиги аниқланган¹. Тўпламдаги "Кўрўғли" қўшмалари (термалари) тадқиқотчиларга анча илгари маълум бўлган бўлса-да, унинг матни арман олимлари **А.Абрамян** ва **Д.Габриелян**лар томонидан 1954 йилдагина нашр этилди². Шунингдек, ўтган асрнинг 60-йилларида грузин шарқшуноси **Л.Г.Чалаидзе** Грузия Фандар академияси қўлёзмалар институтининг мусулмон фондидан 1856 йилда арман ҳарфлари билан озарбайжон тилида кўчирилган йигирма саккиз мажлисдан (қисмдан, бўлимдан) иборат яна бир қўлёзamani топган эди³. Бу мисоллар "Кўрўғли" достонлари озарбайжон версиясини тўплаш ишлари дастлаб уларни арман алифбосида ёзиб олиш билан бошланганлигини кўрсатади.

Ўзбек ва туркман "Гўрўғли"сининг айрим намунала-

рини қаламга олиш ишлари эса, XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. 1853 йилда араб имлосининг насталиқ ҳарфлари билан кўчирилган, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти Петербург бўлими қўлёзмалар фондининг К.П.Кауфман коллекциясида 321-инвентарь рақами остида сақланаётган қўлёзма, шунингдек, 1936 йилда Ҳоди Зариф топган яна бир бошқа қўлёзма⁴ бунга далил бўла олади. Бу ўринда 1870 йилда генерал-майор А.К.Абрамов ташкил этган Искандарқўл экспедицияси кундалигидаги таржимон Абдурахмон Мустажиров томонидан ўзбек тилида ёзиб олинган "Гўрўғли" достонининг бир парчаси матнини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур⁵. "Гўрўғли" ("Кўрўғли") туркуми достонларини нашр этиш ишлари XIX асрнинг 40-йилларидан бошланган. Жумладан, И.Шопен 1840 йилда Петербургда нашр этиладиган "Маяк современно́го просвещения и образования" журналида "Кўрўғли" достони ўн уч мажлиси (бўлими) баёнини нашр этган эди. 1842 йилда дипломат А.Ходзько достоннинг Жанубий Озарбайжон версиясини Лондонда алоҳида китоб сифатида инглиз тилида нашр этди. Шу китоб 1856 йилда С.С.Пенн таржимасида Тифлисида рус тилида босилди. В.В.Радловнинг "Туркий халқлар оғзаки адабиётидан намуналар" номли машҳур ўн жилдлигининг тўртинчи жилдида Тобол татарлари версияси (1872), саккизинчи жилдида турк версияси (1899) чоп этилди. 1880-1881 йилларда ўзбек ва турк версияларининг литографик нашрлари амалга оширилди. "Гўрўғли" ("Кўрўғли") достонларини тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш борасида XX ва XXI асрнинг бошларида ҳам салмоқли ишлар бажарилди⁶. Ушбу мақолада уларнинг барчасини таҳлил қилишга зарурат йўқ. Шу сабабли бу ерда ўзбек "Гўрўғли"сининг ўрганилиш тарихини мухтасар ёритишни лозим кўрдик.

"Гўрўғли" туркуми достонларини етакчи халқ бахшилари оғзидан бевосита ёзиб олиш ишлари 1926 йилдан

бошланди. Шундан бери мамлакатимизнинг турли вилоятларига ўнлаб фольклор экспедициялари уюштирилди. Бу экспедицияларда ўзбек фольклоршуносларининг деярли барча авлоди иштирок этди. Тўпланган материалларнинг каттагина қисмини "Гўрўғли" туркумига кирувчи дostonлар ташкил этади. Уларнинг умумий адади вариантлари билан бирга ҳисобланганда, икки юзга яқиндир.

Ўнлаб бахшилардан ёзиб олинган бу дostonларнинг асл нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивида сақланмоқда. Уларни алоҳида китоблар тарзида нашр этиш ишлари 1941 йилдан бошланган ва шу кунгача узлуксиз давом этиб келмоқда. Айримлари (масалан, "Далли", "Равшан", "Қундуз билан Юлдуз", "Хушкелди", "Интизор", "Малика айёр", "Зулфизар" ва бошқалар) қайта-қайта нашр этилган. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1941-2013 йилларда алоҳида-алоҳида китоблар тарзида, шунингдек, махсус "Гўрўғли" тўпламида, "Ўзбек халқ дostonлари" икки жилдлиги, "Булбул тароналари" беш жилдлиги, "Ўзбек халқ ижоди" кўп жилдлиги (шу серияда 37 китоб босилиб чиқди) каби нашрларда 72 та "Гўрўғли" туркуми дostonлари chop этилган. Улардан 16 таси вариантлардир. Булар 23 нафар халқ бахшисидан ёзиб олинган намуналар ҳисобланади.

Агар нашр этилган 72 дostonни бахшилар кесимида қарасак, қуйидаги манзара намоён бўлади: Эргаш Жуманбулбул ўғлидан беш ("Далли", "Равшан", "Қундуз билан Юлдуз", "Хушкелди", "Холдорхон"), Фозил Йўлдош ўғлидан етти ("Малика айёр", "Машриқо", "Балогардон", "Интизор", "Зулфизар билан Аваз", "Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши", "Нурали"), Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкандан ўн ("Гўрўғлининг туғилиши", "Гўрўғлининг болалиги", "Зайдиной", "Юнус пари", "Мисқол пари", "Гулнор пари", "Ҳасанхон", "Чамбил қамали", "Авазхон", "Эло-

мон"), Ислон Назар ўғлидан уч ("Гулихиромон", "Зулфизар билан Аваз", "Нигор ва Замон"), Раҳматулла Юсуф ўғлидан йигирма етти ("Гўрўғлининг туғилиши", "Гўрўғлининг болалиги", "Чортоқли Чамбил", "Райҳон араб", "Юнус билан Мисқол", "Ҳасанхон", "Қирқ йигит билан қирқ қиз", "Ҳасан кўлбар", "Авазхон", "Гулқизой", "Говдароз дев", "Беш подшонинг ёв бўлиб келиши", "Сарвиноз", "Зулфизар", "Аҳмад сардорнинг ўлимга буюрилиши", "Аваз ўғлоннинг Румга қочиши", "Балогардон", "Ойгулқизнинг вафоти", "Нуралининг ёшлиги", "Сумбулсоч бека", "Шоқаландар", "Рўзахон", "Ёсқила", "Хирмон дали", "Бозиргон", "Гўрўғлининг ўлими", "Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши"), Бекмурод Жўрабой ўғли ("Гулшанбоғ", "Авазнинг арази") ва Усмон Маматқул ўғлидан ("Бўтакўз", "Шоҳдорхон") иккитадан, Саидмурод Паноҳ ўғли ("Гўрўғлининг Қиримга бориши"), Умир Сафар ўғли ("Балхувон"), Зоҳир Қўчқор ўғли ("Ҳасанхон"), Бозор Омонов ("Нуралининг ёшлиги"), Қодир Раҳимов ("Жорхун мастон"), Боймурод Боймат ўғли ("Нурали ва қари Аҳмад"), Жўра Эшмирза ўғли ("Малла савдогар"), Бўрибой Аҳмедов ("Нуралининг ютилиши"), Ҳазратқул Худойбердиев ("Оға Юнуснинг олиб қочиши"), Саъдулла Тоҳир ўғли ("Нуралининг банди бўлиши"), Абдумурод Бердихол ўғли ("Бўтакўз"), Қора Умиров ("Жаҳонгир ёхуд Шаҳидлар дараси"), Чори Умиров ("Гўрўғлининг ғойиб бўлиши"), Жовли Тангиров ("Саксон нор"), Бобораҳим Маматмуров ("Аваз ота юртда"), Шодмон Хўжамбердиев ("Хон Далли") каби ижодкорлардан биттадан дoston нашр этилган. Бу нашрларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида таҳлиллар олиб бориш, уларнинг нашр этилган даврида ҳам, бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиш мумкин эди. Аммо бу ўринда сўзбоши-мақоланинг талабидан келиб чиқиб, шу нашрларни амалга оширган Ҳоди Зариф, Буюк Каримий, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Зубайда Ҳусаинова, Муҳаммаднодир Саидов, Охунжон Собиров, Малик Муродов,

Баҳодир Саримсоқов, Абдумўмин Қаҳҳоров, Сиддиқ Асқаров, Тиловқул Ашуров, Муаззам Мирзаева сингари марҳум фольклоршуносларнинг номларини қайд этиш билан чекланамиз. Чунки фольклор асарларини нашр учун танлаш, матн устида ишлаш, уларни тайёрлаш принципларини ишлаб чиқиш мазкур олимларнинг илмий-текстологик ва амалий фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Достонлар нашрининг бахшилар кесимидаги таҳлили шуни кўрсатадики, китоблик Абдулла шоир, зоминлик Ёрлақаб Бекназар ўғли, хатирчилик Эгамберди Оломурод ўғли, шерободлик Мардонақул Авлиёқул ўғли каби нисбатан талантили достончилардан ёзиб олинган бирорта достон ҳам нашр этилмаган. Шаҳрисабзлик Зоҳир шоир, деҳқонободлик Қодир бахши сингари ижодкорлардан атиги биттадан достон чоп қилинганлиги ҳам етарли эмас. Бу истеъдодли бахшилар билан Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Темир Очилов, Малик Муродов, Абдумўмин Қаҳҳоров, Абдиолим Эргашев сингари таниқли фольклоршунослар иш олиб борганлигини ҳисобга олсак, мазкур соҳадаги фаолиятимизни янада тезлаштириш зарурлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Тадқиқотлардан яна шу нарсга маълумки, "Гўрўғли" туркумига кирувчи ҳар бир достон ўзича мустақил характерга эга ва уларнинг ҳар бири эл орасида алоҳида-алоҳида куйланиб келинган ҳамда турли йилларда шу ҳолича ёзиб олинган. Фақат ўтган асрнинг 40-йилларида беш-олти достон ("Гўрўғлининг туғилиши", "Гўрўғлининг болалиги", "Зайдиной", "Юнус пари", "Мисқол пари", "Гулнор пари" кабилар) атоқли достончи Пўлкан шоирдан кетма-кет ёзиб олинганди. Шунингдек, таниқли шоир-қиссахон Раҳматулла Юсуф ўғли йигирма уч достоннинг (ёзилмаганлари билан биргаликда ўттиз достоннинг) ўзича кетма-кетлигини белгилаб, тўрт жилд қилиб, Фольклор архивига топширган эди. Туркум дос-

Кича

тонларнинг сони ҳақида ҳам бахшилар ўртасида ҳар хил фикрлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги "Гўрўғли қирқ достондир", дейдилар. Нуроталик Бекмурод Жўрабой ўғлининг "Авазнинг арази" достонида куйлашича, унинг устозлари Гўрўғлини "Олтмиш тўрт достон қип таъриф этган". Жанубий Тожикистондаги ўзбек бахшиларининг (соқиларининг) нақл қилишича, XIX асрда яшаган машҳур достончи Кундуз соқи Гўрўғлини бир юз йигирма шоха (достон) қилиб айтар экан. Шунда ҳам Гўрўғли ўлганда, Юнус пари: "Бедостон ўтган тўрам", дея йиғи берган экан.

Фольклоршуносликда эса "Гўрўғли" туркуми қирқ достондан иборатдир, деган фикр қатъийлашган. Масалан, ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф шу фикрни қувватлаб, 1941 йилдаёқ унинг ўттиз тўққиз достондан иборат рўйхатини тузган ҳамда ҳозирча ноъмалум бўлган бир достонни аниқлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Аммо олим уларни Хоразм достонлари билан бир туркум сифатида тасаввур қилиб, ушбу рўйхатга "Қирқ минглар", "Хирмон дали", шунингдек, туркумга алоқаси бўлмаган "Эрназархон" достонларини ҳам киритган эди. Буюк Каримов ҳам "Хоразмда, туркман ва қорақалпоқларда қирқ бир достон ҳисобланади, "Кампир шаҳобча" деган қирқ биринчи достон ҳам бор. Лекин ҳали ёзиб олганимиз йўқ", деган янглиш фикрни билдирганди. Кейинги йилларда олиб борилган фольклористик кузатувлар, ёзиб олиниб, нашр этилган достонлар таҳлили мавжуд мулоҳазаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бу ўринда ўзбек халқи томонидан Гўрўғли ҳақида "Кунларим", "Гўрўғли", "Гўрўғлибек - зўр ботир", "Армоним қолмади", "Армонинг қолмасин", "Борми жаҳонда", "Гўрўғлининг ҳасрати" каби ажойиб термалар яратилганлигини ҳам унутмаслик керак.

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса шуки, "Гўрўғли" туркуми таркиби ғоятда мураккабдир. Куйла-

ниш ва ижро шароитларида ўзаро мустақил ва ҳар бири алоҳида ягона сюжетга эга бўлган бу силсила дostonлар Гўрўғли ва Фирот образлари, Чамбил мамлакати каби асосий нуқталарда, шунингдек, қирқ йигит, Соқибулбул, Ҳасанлар, Аҳмад сардор сингари анъанавий образлар, уларнинг ғайриқутблари тасвири орқали бир-бирлари билан бирлашсалар-да, бош қаҳрамоннинг мунтазам эпик биографияси эмас, балки унинг доврўқли афсонавий ҳаётининг кўпдан-кўп эпизодлари тасвирларидан иборат. Шу сабабли қуйида келтирилган рўйхатдаги дostonлар кетма-кетлигини нисбий равишда тушунмоқ зарур:

1. Гўрўғлининг туғилиши.
2. Гўрўғлининг болалиги.
3. Зайдиной (Зулҳумор, Гўрўғлининг Райҳон араб қизини олиб қочиб келиши).
4. Чортоқли Чамбил.
5. Юнус пари.
6. Мисқол пари.
7. Гулнор пари.
8. Қирқ йигит билан қирқ қиз.
9. Соқибулбул.
10. Ҳасан кўлбар.
11. Дониёрхўжа - ёзиб олинмаган.
12. Шодмонбек - ёзиб олинмаган.
13. Бердиёр оталиқ.
14. Хидирали элбеги.
15. Замонбек.
16. Ҳиломон (Эломон).
17. Холдорхон (Гўрўғлининг Қиримга бориши).
18. Шоҳдорхон.
19. Шоқаландар.
20. Хушкелди.
21. Райҳон араб.
22. Бектош араб - ёзиб олинмаган.

23. Говдароз дев.
24. Беш подшонинг Чамбилга ёв бўлиб келиши.
25. Рўзахон.
26. Ёсқила.
27. Аҳмад сардор ва Ҳасан шоҳ - ёзиб олинмаган.
28. Аҳмад сардор ва Авазхон - ёзиб олинмаган.
29. Аҳмад сардорнинг суяги - ёзиб олинмаган.
30. Аҳмад сардорнинг ўлимга буюрилиши.
31. Ҳасанхон (Гўрўғлибекнинг Ҳасанхонни олиб келиши).
32. Чамбил қамали.
33. Далли.
34. Авазхон (Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши).
35. Гулқизой.
36. Гулқизойнинг вафоти.
37. Интизор.
38. Малика айёр (Гулшанбоғ, Таркибадахшон).
39. Машриқо.
40. Зулфизар.
41. Холдор бувиш - ёзиб олинмаган.
42. Ойдиной - ёзиб олинмаган.
43. Бўтакўз (Оқбилак ойим ёки Оқчишбойнинг қизи).
44. Қундуз билан Юлдуз.
45. Балогардон.
46. Авазхоннинг арази (Авазхоннинг дор остидан қутқарилиши).
47. Аваз ўғлоннинг Румга қочиши.
48. Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши.
49. Сарвиноз.
50. Гирдоб.
51. Хонимой.
52. Ойтўра ва Мастура.
53. Аваз ва Гултон.
54. Олтин қовоқ.

55. Зайидкул (Саксон нор).
56. Гулихиромон.
57. Зарнигор.
58. Аваз ва Ойзайнаб.
59. Фиротнинг ўғирланиши (Мисқол пари ва Авазхон)
- ёзиб олинмаган.
60. Оға Юнуснинг олиб қочилиши.
61. Равшан.
62. Нурали.
63. Нуралининг ёшлиги.
64. Сумбулсоч бека.
65. Балхувон.
66. Жорхон мастон.
67. Нурали ва қари Аҳмад.
68. Нуралининг ютилиши.
69. Малла савдогар.
70. Нурали ва семурғ.
71. Шерали.
72. Шералининг уйланиши (Ойнигор).
73. Жаҳонгир.
74. Жаҳонгирнинг ёшлиги (Шаҳидлар дараси).
75. Эрўғли (Шаҳиднома, Гўрўғлининг ўлими, Гўрўғли-нинг ғойиб бўлиши).

Ҳозиргача ёзиб олинмаган ва бугунги кунда унутилиб кетган саккиз дostonни ("Дониёрхўжа", "Шодмонбек", "Бектош араб", "Аҳмад сардор ва Ҳасанхон", "Аҳмад сардор ва Аваз", "Холдор бувиш", "Ойдиной", "Фиротнинг ўғирланиши" кабиларни) ушбу рўйхатга киритишда Ҳоди Зариф қайдларига асосландик. Чунки аллома уларни қайд этишда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир каби атоқли дostonчилар маълумотларига суянган ҳамда уларнинг айримлари тўғрисида "Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" монографиясида қисқача ўз мулоҳазаларини баён этган. Шунинг учун ҳам унинг қайдлари ҳар қандай шубҳадан ҳолидир.

Кейинги изланишлар биз тавсия этаётган рўйхатни янада тўлдириши, қай бир ўринларига ўзгартишлар киритиши табиийдир. Масалан, "Таркибадахшон" достони "Малика айёр"нинг бир вариантими ёки мустақил достон? Буни энди янги тадқиқотлар ҳал этади. Шунингдек, биз достонлар кетма-кетлигини белгилашда шартли равишда уларни бош қаҳрамон, унинг йигитлари, асранди фарзандлари, невара, эваралари, ғайрикутб (эпик душманлари) тўғрисидаги достонлар тарзида гуруҳлаштирдик. Бундай нисбийликни ҳам кимдир мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилмаслиги табиийдир. Энди шу ўринда Хоразм "Гўрўғли" туркуми достонлари ҳақида айрим мулоҳазалар билдиришни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Аввало, шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Хоразм "Гўрўғли" туркуми Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида, умуман, ўзбеклар яшайдиган барча ҳудудларда тарқалган достонлардан, шунингдек, тожик версиясидан тубдан фарқ қиладиган ўзига хос бадиий-эстетик ҳодисадир. Шунга қарамай, Хоразм "Гўрўғли"си кейинги йилларгача ниҳоятда кам ёзиб олинган, атиги бир нечагина намунаси чоп этилган эди. Аниқроқ айтганда, марҳум фольклоршунослар Ж.Қобулнийёзов, З.Хусаинова, М.Муродов ва Н.Собировлар томонидан тайёрланган "Авазхон", "Бозиргон", "Қирқ минглар", "Гулруҳ пари" достонлари нашр қилинган эди, холос. Шу нуқтаи назардан қараганда, профессор Сафарбой Рўзимбоевнинг шоғирдлари билан биргаликда 2004 йилда "Гўрўғли" тўпламини нашр этиши фольклоршунослигимиз тарихида катта воқеа бўлди. Тўпламга Бола бахши – Курбонназар Абдуллаев, Сакрак бахши - Жумабой Худойберганов, Абдулла Бобожонов, Турсун Жуманиёзов каби таниқли бахшилардан ёзиб олинган "Гўрўғлининг туғилиши", "Юнус пари", "Араб Райҳон", "Аваз уйланган", "Араб танган", "Қирқ минглар", "Авазнинг Ваянганга кетиши", "Кампир", "Тухмат ташлаган", "Хирмон дали", "Хандон бо-

тир", "Сафар маҳрам", "Бозиргон", "Авазхон", "Гўрўглининг Дарбандга келиши", "Гўрўглининг ўлими" сингари 16 дoston киритилган. Тўплам сўзбоши ва зарур изоҳлар билан таъминланган. Профессор Сафарбой Рўзимбоев ўз изланишларини давом эттириб, 2009 йилда "Ошиқнома" китоблар туркумининг тўртинчи жилдида "Эр Ҳасан", "Аваз гатирган" (икки вариантда), "Бозиргон", "Хирмон дали" (икки вариантда) каби яна олти дostonни нашр этди. Шундай қилиб, Хоразм "Гўрўгли" туркуми дostonларидан 16 таси нашр этилган. Уларнинг 8 таси вариантлардир.

Бир қарашда унчалик аҳамиятсиздай кўринаётган бундай умумлаштирувчи рақамлар беҳудага келтирилаётгани йўқ. Сюжет таркиби, бадий-эстетик воситалари, ижро усуллари билан бир-биридан жиддий, ҳатто тубдан фарқ қилувчи икки эпик аңъанада бизгача етиб келган бу дostonлардан нашр этилганларининг умумий сони 98 тадир. Агар XIX асрнинг 80-йилларида нашр этилган "Ҳикояти Гўрўгли султон" таркибидаги икки дostonни ҳам қўшсак, бу рақам роппа-роса 100 га боради. Унинг 24 таси вариантлардир. Туркумга кирувчи ўнлаб дostonлар, жумладан, атоқли халқ шоирлари Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкандан ёзиб олинган "Жаҳонгир", "Гўрўглининг Райҳон араб устига ёвлаб бориши", "Авазхоннинг уйланиши", "Бердиёр оталиқ", "Замонбек", "Хидирали элбеги" кабилар ҳозиргача нашр этилган эмас. Вақтида ёзиб олинмаганлиги сабабли оғзаки эпик аңъанада унутилиб кетганлари, бизгача уларнинг қисқача баёни ва номларигина етиб келганлари ҳам анчагинадир.

Сафарбой Рўзимбоевнинг аниқлашича, Хоразм "Гўрўгли" туркумининг умумий сони 26 тадир. Ўзбекистоннинг Хоразмдан бошқа вилоятларида тарқалган "Гўрўгли" дostonларининг умумий сони ҳам ҳозир олимлар томонидан айтилиб ва ёзилиб келинаётганидек, 40 эмас, балки, юқоридаги рўйхати берилганидек, 80 га

яқиндир. Вариантлар бу ҳисобга кирмайди. Демак, ҳар икки эпик анъанада ўзбек халқи орасида тарқалган "Тўрўғли" туркуми дostonларининг 100 дан ортиғи жонли оғзаки ижро шароитларида бизгача етиб келган. Бундай улкан фольклор меросининг тўпланиши, улардан вариантларидан ташқари 74 тасининг, вариантлар билан биргаликда 100 дostonнинг нашр этилиши, бир томондан, ўзбек олимлари ва фольклор тўпловчиларининг самарали фаолиятини кўрсатса, иккинчи томондан, шу пайтгача фольклоршуносликда ҳукм суриб келган айрим қарашларни янгича баҳолашга имкон беради.

Ўзбек фольклоршунослигида "Тўрўғли" туркуми дostonларини ўрганиш, улар ҳақида муайян илмий фикрлар билдириш дostonларнинг алоҳида-алоҳида китоблар тарзидаги нашрлари билан бошланди. Бу жиҳатдан Ҳоли Зарифнинг 1941 йилда нашр этилган "Равшан" ва "Малика айёр" дostonларига ёзган сўзбошилари характерлидир. Мустақил тадқиқот даражасига кўтарилган бу сўзбоши-мақолаларнинг биринчисида олим дostonларнинг бадиий хусусиятларига алоҳида эътибор берган бўлса, иккинчисида бир дoston (бу ўрнида "Малика айёр") материаллари мисолда эпик асарларнинг тарихий асосларини ўрганишга диққатни қаратди. Қирқ ёшга етар-етмас бу ёруғ оламни тарқ этган таниқли фольклоршунос Буюк Каримийнинг "Тўрўғлининг туғилиши" дostonига (1941) ёзган сўзбошига ҳам шу сирага киритиш зарур. Шуниси характерлики, бу сўзбоши-тадқиқотлар ўз даврида ҳам, умдан кейин ҳам бир неча бор алоҳида мақолалар тарзида қайта-қайта нашр этилди. Булар Ҳамид Олимжоннинг "Алломиниш" (1939), Мақсуд Шайхзоданинг "Ширин билан Шакар" (1941), Мансур Афзаловнинг "Орзиғул" дostonларига (1941) ёзган сўзбоши-тадқиқотлари билан биргаликда ўзбек халқ дostonларини илмий асосларда чинакамига ўрганишнинг бошлаб берди.

Халқ дostonларининг бундай ҳақиқий ўрганишнинг

салмоқдор меваси сифатида В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг "Ўзбек халқ қаҳрамонлиқ эпоси" (1947) монографияси майдонга келди. Ҳали достонларнинг кўпчилиги архивларда қўлёзма ҳолида сақланаётган бир даврда бундай умумлаштирувчи тадқиқотнинг яратилиши ўзбек фольклоршунослигини жиддий равишда олға етаклаш билан бирга унинг тараққиёт йўлларини ҳам белгилаб берди. Монографиянинг каттагина бир боби (165-279-бетлар), шунингдек, "Ўзбек эпосининг умумий хараakterистикаси. Ҳоляри, образлари, услуб" бобининг (302-457-бетлар) асосий қисми "Гўрўғли" туркуми достонлари таҳлилига бағишланган. Унда олимлар биринчи марта "Гўрўғли" туркуми достонлари икки географик муҳитда, демакки, бир-бирига яқин икки эпик аъналар бирлигида ўнлаб халқлар орасида тарқалганлигини асослаб бердилар. Уларнинг фикрича, "Яқин Шарқ версиялари" ва "Ўрта Осиё версиялари" деб номланган бу икки тармоқ достонлар умумий бир тарихий асосга эга бўлиб, ҳар бир халқнинг эпик аъналарида ривожланишда давом этганлар. Олимлар ўттизга яқин ўзбек "Гўрўғли" достонларини бирма-бир таҳлил қилар, уларни озарбайжон ва туркман версияларига қиёслар эканлар, бу улкан туркум Ўрта Осиё шароитида бош қаҳрамон, унинг асранди фарзандлари, неvara ва эваралари ҳақидаги мустақил асарлар тарзида эпиклик томон ғоятда кенгайганлигини алоҳида таъкидладилар. Бу фундаментал асар нафақат ўзбек фольклоршунослиги, балки жаҳон фани нуқтаи назари билан қараганда ҳам, туркум достонларини ўрганишда дастлабки умумлаштирувчи тадқиқот сифатида жуда катта аҳамиятга эга бўлди ва ҳамон ўзининг улкан назарий қимматини сақлаб келмоқда.

Ўзбек фольклоршунослигида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб "Гўрўғли" туркуми достонлари, унинг айрим намуналарини муайян муаммолар кесимида монографик тарзда ўрганиш бўйича жиддий тадқиқотлар

олиб борила бошланди ва бу йўналиш бугун ҳам муваффақиятли равишда давом эттирилмоқда. Жумладан, марҳум профессорлар М.Саидов, М.Муродовлар тадқиқотларида бош қаҳрамон масалаларига⁷ алоҳида эътибор қаратилган бўлса, бошқаларида туркумлик, айрим достонларнинг туркумда тутган ўрни, улардаги сюжет ва композиция, баъзи анъанавий образларнинг тадрижи ва туш талқини муаммолари ёритилди⁸. Бу ўринда мен яна иккита монографик тадқиқотга алоҳида диққатни тортмоқчи эдим.

Улардан бири машҳур фольклор тўпловчи, доцент Абдиолим Эргашевнинг "Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги" монографиясидир (2008). Монография ўнлаб достончилар репертуари таҳлили мисолида мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида бахшилиқ санъатининг жонли эпик анъаналарда сақланиш ҳолати ҳар томонлама ёритилганлиги, вақтида ёзиб олинмаганлиги сабабли "унутилган" ҳисобланган бир неча достонларнинг аниқланганлиги ва улар тадқиқот доирасига киритилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бир мисол келтирай. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида француз шарқшуноси Реми Дор мен билан суҳбатда Афғонистондаги ўзбек бахшиларида Авазнинг иккинчи ўғли Шерали ҳақидаги достоннинг мазмунини ёзиб олганлигини айтган эди. Мен унга бундай достон ҳозир барҳаёт бахшилар репертуарида мавжуд эмас, уни куйлаб келган бахшилардан вақтида ёзиб олинмаганлиги сабабли унутилиб кетган, деб жавоб берган эдим. А.Эргашев эса, Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуарида Гўрўғлининг неваралари Нурали ва Шералилар ҳақида достонлар алоҳида-алоҳида туркумлар сифатида мавжудлигини аниқлади, уларнинг намуналарини ёзиб олди ҳамда умумўзбек достончилигида тутган ўрнини илмий жиҳатдан асослаб берди, ҳатто айримларини нашр этди ҳам. Муаллифнинг ҳозирги бар-

ҳаёт бахшиларнинг аксарияти олий маълумотли тил ва адабиёт ўқитувчилари бўлганлиги сабабли улар амалиётида анъанавий ижодкорлик ва ижрочиликка нисбатан нотабиий "тўқувчилик" фаолияти устунлик қилаётганлиги, бу ҳол дostonчиликнинг табиий жонли ижро жараёнларига салбий таъсир этаётганлиги ҳақидаги хулосалари ҳам эътиборга лойиқдир.

Кейинги йилларда яратилган, алоҳида эътиборга лойиқ тадқиқотларнинг иккинчиси филология фанлари доктори Ш.Турдимовнинг "Гўрўғли" дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари" монографияси (2011) ҳисобланади. Олим бош қаҳрамоннинг туғилиши, болалиги, уйланиши ва ғойиб бўлиши ҳақидаги дostonларнинг қиёсий таҳлили орқали "Гўрўғли" туркумининг шаклланишида асос бўлган мотивлар, эпик қаҳрамон ва эпик ҳомий, уларнинг ғайриқутб образлари тўғрисида янги хулосаларни илгари сурди, этнос ва эпос муносабатларига доир эътиборли мулоҳазалар билдирди. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф тадқиқотларида элас-элас бўй кўрсата бошлаган этнофольклористик кузатувлар доирасини жиддий равишда кенгайтди. Қадимий мифологик, диний-илоҳий қарашларнинг халқ дostonларида бадиий-эстетик ҳодисага айланиш жараёнларини ўрганишда, умуман, эпос ва ижтимоий-маиший ҳаёт масалаларини текширишда бундай тадқиқотларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

"Гўрўғли" дostonларини ўрганиш бўйича олиб борилган ишларнинг қисқача баёни шуни кўрсатадики, ўзбек фольклоршунослари кейинги 90 йил давомида самарали тадқиқотлар яратдилар, жонли оғзаки ижро шароитларидагина етиб келган юзлаб дostonларни ёзиб олдилар, энг муҳими, уларнинг асосий қисми нашр этилди. Ўнлаб фольклоршуносларнинг тадқиқотчилик ва тўпловчилик фаолияти натижасида юзага келган бундай илмий ва текстологик замин янги-янги текширишларга йўл очиши шубҳасиздир.

"Гўрўғли" (Кўрўғли) силсила дostonларни ўрганишдаги жиддий муаммолардан бири уларнинг яратилиш даври, юзага келган ўрни, тарқалиш хусусиятлари ва тадрижий тараққиётнинг аниқлаш масаласидир. Тадқиқотчиларнинг деярли барчаси, айрим писандаларни ҳисобга олмаганда, эпоснинг тарихий асоси XVI-XVII асрларда Жанубий Озарбайжонда яратилганлигини, ҳатто унинг айрим қўшиқлари шу ҳудудларда ўша даврда содир бўлган жалолійлар ҳаракатининг бошлиқларидан бири ошиқ (бахши) ва кўзғолончи Кўрўғли томонидан ижод қилинганлигини, шунга кўра, тарихий шахс Кўрўғли эпос бош қаҳрамонининг прототиби эканлигини таъкидлайдилар. Бундай қарашларнинг юзага келишида эпоснинг Жанубий Озарбайжон версиясининг дастлабки тўпловчиси Элиас Мушегяннинг (XVIII аср), унинг инглиз тилида нашр этувчиси А.Ходзьконинг (XIX аср) оғзаки маълумотларга асосланган изоҳлари, шунингдек, арман тарихчиси Аракел Табризийнинг (XVII аср) жалолійлар ҳаракатининг бошлиқларидан бири Кўрўғли шахси ҳақидаги хабарлари асос бўлган.

Ўзбек олимларининг халқ дostonлари, жумладан, "Гўрўғли" туркуми дostonларининг яратилиш даври ҳақидаги мулоҳазалари асосан Ҳоди Зариф қарашларига асосланади. Устоз олимнинг қарашларида ҳам ҳар хилликлар, ҳатто бир-бирига қарама-қаршилиқлар кўзга ташланади. Масалан, олим "Равшан" дostonи ҳақида номли сўзбоши-мақоласида: "Бу асарлар бир даврда бирикки киши томонидан яратилмаган. Уларнинг баъзилари узоқ тарихда, Ўрта Осиёда исломнинг тарқалишидан бурунги даврларда майдонга келган. Баъзилари бундан уч-тўрт аср илгари яратилган ва замонамизга қадар жуда кўп халқ шоирлари томонидан ҳар қайсисининг ўз замони талабларига кўра қайта-қайта ишланиб, кўп вариантларда бизгача етиб келганлар", деб ёзган бўлса⁹, "Ма-

лика айёр" дostonига ёзган сўзбоши-мақоласида: "Гўрўғли" дostonларидан баъзиларининг дастлабки яратилишини VIII-XII асрлар орасида излаш мақсадга мувофиқдир", дея таъкидлайди¹⁰. Академик В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда яратган монографиясида эса, бутунлай бошқа бир қарашни илгари суради: "Гўрўғли" туркуми асосида довурак чопағон, куйчи-йигит, "марҳаматли қароқчи" ва халқ қасоскори ҳақидаги озарбайжон ошиқлари ҳикояларига ўхшаш ярим тарихий ривоятлар ётади. Ана шу асосда XVII асрнинг бошларидан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган давр давомида Туркманистонда, хусусан, Ўзбекистонда кўламдор дostonлар бўй кўрсатди. Ўзбек бахшилари репертуарида 40 дostonгача бўлган асарларни ўз ичига олган яхлит бу туркумда машҳур қаҳрамон эпик монарх, идеал халқ давлати Чамбилнинг ҳукмдори, ботир йигитлар гуруҳининг сардори, ҳар бири ўзининг эпик биографиясига эга бўлган бир неча авлод баҳодирларининг отасига айланди"¹¹.

Бу йўналишдаги энг янги тадқиқотлардан бири Бонн университетининг профессори Карл Райхлнинг монографиясидир. У "Гўрўғли" эпосининг яратилиш ўрни, юзага келган даври ва тарқалиш хусусиятлари ҳақидаги барча тадқиқотларни умумлаштириб шундай хулосага келган: "Кўрўғли" эпик туркуми ҳамма эҳтимолларга кўра, XVI аср охирида Озарбайжонда шаклланди. Бу ердан у шимол, шарқ ва ғарбга тарқалди. Дастлабки турк тўпламларининг нашр этувчиси Кунош Кўрўғли ҳақидаги ҳикоялар Туркияга Озарбайжондан ўтганлигини таъкидлайди... Туркум ривоятлари Шимолий Озарбайжондан Кавказортининг туркий бўлмаган бошқа халқларига, жумладан, грузин, курд ва арманларга, улардан қиримтатарлари, тоболтатарлари ва қараимларга тарқалган...

Қандай бўлмасин, туркум дostonларининг шаклланиши ва шарққа тарқалишида туркман версияси шубҳасиз катта роль ўйнайди... Туркум дostonлари хилма-хил

йўллар билан туркманлардан бошқа халқларга ўтган. Айтилганидек, Ставрополь туркманлари версияси қозоқ версиясига жуда ўхшаш... Бошқа томондан қараганда, туркманларнинг қорақалпоқлар ва Хоразм ўзбекларига таъсири бўлган... Туркум асарлари ўзбеклардан уйғурларга, шунингдек, Бухоро араблари ва тожикларга ўтган"¹².

Бундай қарашларнинг фольклоршуносликда жиддий ўрнашиб қолиши ва қарийб чорак кам бир аср давомида изчил ҳукм суриб келишини, бизнинг кузатишимизча, профессор Х.Самуэлян эпоснинг арман версияси нашрига рус тилида ёзган сўзбоши-тадқиқоти билан бошлаб берган. У Аракел Табризий ва Элиас Мушегян маълумотларини умумлаштириб, шундай ёзади: ҳақиқатда ҳам XVII асрда катта шуҳратга эга бўлган Кўрўғли номли шахс яшаган. Озарбайжон ва туркман вариантларида Кўрўғли туркманларнинг така уруғидан эканлиги, унинг отаси султон Мурод ҳузурида хизмат қилганлиги таъкидланади¹³.

Бундай қарашлар эпос ва ижтимоий ҳаёт, эпос ва тарихий тараққиёт масалаларини ўрганишда қанчалик катта аҳамиятга эга бўлмасин, бугунги кунда уларнинг бир томонлама эканлиги яққол аён бўлмоқда. Туркий халқларнинг ўзига хос муштарак бир ижоди бўлган ҳайратомуз бу туркумнинг яратилиши ва тарқалиши ҳақидаги бундай назарий қарашларни тўла инкор этмаган ҳамда бу илмий мулоҳазаларни илгари сурган олимларга чуқур ҳурматимизни билдирган ҳолда, уларнинг камида уч жиҳатдан етишмовчилиги мавжудлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Чунки бундай қарашлар илгари сурилган йилларда эпоснинг миллий версиялари тўла аниқланмаган, тадқиқотчилар қўлида бугунгидек катта материал йўқ эди. Шу сабабли ҳам бугун уларга бошқачароқ муносабат билдириш имконияти мавжуд. "Гўрўғли" эпосининг Жанубий Озарбайжондан тарқалганлиги ва унинг тарихий асослари ҳақидаги қарашларнинг ўта тарафдори бўлган олимларнинг ўзлари ҳам

яна бошқачароқ мулоҳазалар бўлиши мумкинлигини рад этмаганлар. Масалан, эпоснинг туркий халқлардаги версиялари тўғрисида кўламдор тадқиқот яратган туркман олими Б.О. Қориев шундай ёзади: "Кўрўғли"нинг Жанубий Озарбайжон версияси "тарихийлиги"ни таъкидлаш билан биз унда эпоснинг шаклланиш жараёнидаги муайян бир босқични кўрамиз. Эпоснинг нисбатан қадимий. Урта Осиёга хос асослари мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди"¹⁴.

Бизнингча, қуйидаги ҳолатлар эпоснинг яратилган даври, юзага келган жойи, тарқалиш хусусиятлари, "тарихийлиги" ҳақидаги фанда ўрнашиб қолган қарашларнинг бир томонлама эканлигини, уни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Биринчидан. Туркум дostonларнинг кейинги икки-уч аср (XVI аср охирлари ва XIX асрнинг биринчи ярми) давомида ярим тарихий шахс атрофида яратилганлиги ҳақидаги хулоса илмий жиҳатдан асосланмаган. Бундай хулоса илгари ижод қилинган ва жонли эпик анъаналарда куйланиб келинаётган дostonларнинг айрим эпизодларини тарихда рўй берган антифеодал ҳаракатлардаги (бу ўринда жалолійлар ҳаракатидаги) баъзи воқеаларга мослаштириб талқин қилишдан, эпик қаҳрамонни тарихий шахс билан айнанлаштиришдан келиб чиққандир.

Тўғри, тадқиқотчилар XVII асргача ҳам мустаҳкам, жонли ва ижодий эпик анъаналар бўлганлигини, унда сюжетлар, мотивлар, образлар, услубий формулалардан иборат бадий хазина мавжудлигини, бахши ва ошиқлар ана шу хазина асосида "Гўрўғли" туркумини тарихий шахс фаолияти билан боғлиқ ҳолда яратганликларини таъкидлайдилар. Бу мулоҳазалар ғоятда умумий бўлиб, истаймизми-йўқми, туркум дostonларининг кўпчилиги илгари даврларда яратилганлиги ва уларнинг қадимий асосларини инкор қилишга олиб келади. Модомики, XVII асргача ҳам қадимий, мустаҳкам, жонли ва ижодий, узвий ва узлуксиз эпик анъаналар давом этаётган

экан, бахши ва ошиқлар томонидан ўзларидан олдинги даврларда яратилган нималардир қуйланганлиги, ижро ва ижод (қайта ижод) этилганлиги табиийдир. Бизнинг назаримизда улар репертуаридаги ана шу "нималарнинг" муайян бир қисмини "Гўрўғли" туркуми дostonлари ташкил этган.

Бахши, ошиқ ва жировлар фаолиятида ижро ва ижод (қайта ижод) муттасил ижодий жараёндир. Шундай экан, туркум dostonларининг айримлари XVII-XIX асрларда ҳам яратилган, қай бирлари қайта шакллантирилган, бошқаларига янгича "бадий либос" кийдирилган. Шу тариқа туркум кенгайиб борган. Бу даврда туркумлашиш даражалари янада мукаммаллашган. Бу дегани қаҳрамонлик dostonлари "тарихийлашди", тарихий воқеаларни тасвирлашга ўтди ва шу тарихий воқелик асосида "Гўрўғли" туркуми юзага келди, дегани эмас. Тарихий воқеаларни тасвирлаш учун фольклорнинг махсус жанри — тарихий қўшиқ ҳамда тарихий dostonлар тури мавжуд. Эпос эса, халқ ижтимоий-маиший ҳаёти билан қанчалик чамбарчас боғланган, тарихий воқелик ва тарихий жараён билан қанчалик шартланган бўлмасин, унинг реал нусхаси эмас, балки бадий тасвирдир.

Бошқа бир жиҳат ҳам бор. "Гўрўғли" туркумининг озарбайжон ва турк версияси 40 шохадан, қозоқ версияси 11 саладан, ўзбек версияси 100-105 dostonдан иборат. Бошқа версиялар ҳам алоҳида-алоҳида туркумларни ташкил этади. Табиий савол туғилади: умумий ўхшашлигига қарамай, бир-биридан жиддий равишда фарқ қилувчи, унинг яратувчилари бўлган халқларнинг ҳар бирининг ўзига хос миллий бадий тафаккури доирасида бизгача етиб келган бу улкан мерос қандай қилиб кейинги икки-уч аср давомида яратилди экан?! Демак, бизнинг қандайдир "икки-уч ижодий аср" тўғрисидаги мулоҳазаларимиз ўта бир томонлама бўлиб, ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди.

Иккинчидан. "Гўрўғли"дек кўп тармоқли ва кўп сюжетли каттакон туркум дostonларини (мажлислари, шохалари, қўллари ва салаларини) бир нуқтадан (бу ўринда Жанубий Озарбайжондан) тарқалган ва бир тарихий асосга эга бўлган, дея талқин қилиш, бунинг устига унинг ёйилиш ареалини бир халқдан иккинчи халққа тўғридан-тўғри ўтган тарзида изоҳлаш мазкур эпоснинг генезиси ва тадрижий тараққиёти муаммосини ўрганишни янада мураккаблаштиради. Бундай талқинлар фанда бирёқламалиги аллақачон исботланган "сюжетларнинг кўчиб юриши" назариясининг бошқачароқ кўринишидир, холос.

Бу билан биз сюжетларнинг бир халқдан иккинчи халққа ўтиши (кўчиши)ни мутлақо инкор этмоқчи эмасмиз. Тарихий тараққиёт давомида ҳеч бир халқ ўз қобиғида ўралашиб қолмаган, ҳамиша бир-биридан ниманидир ўрганган. Маданиятнинг қай бир намуналари инсониятнинг умумий меросига айлана борган. Аммо бунда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муносабатлар, адабий алоқалар, борди-келдилар, кўчишлар, ўзаро қўшилишлар ва ажралишлар, фольклор ижодкорларидаги устоз-шогирдлик анъаналари каби ўнлаб омиллар амал қилган ва бугун ҳам давом этмоқда. Шу сабабли қай бир адабий-фольклорий ҳодисадаги ўхшашликлар ва ўзига хосликлар ҳақида сўзлаганда, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида мезонлар билан ёндашишга тўғри келади. Бунда инсоният жамияти тараққиётидаги умумий ривожланиш қонуниятларини эътибордан соқит қилиш ҳам мумкин эмас.

"Гўрўғли" туркуми дostonлари ҳақида сўзлаганда, уларнинг бир халқдан иккинчисига "ўтганлиги" ("кўчганлиги") тўғрисида фикр юритиш эмас, балки уларнинг яратилиши ва ёзиб олинган даврдаги ҳолатининг умумий генетик асосларини тадқиқ этишга тўғри келади. Менинг кузатувим бўйича, ўзбек, туркман, озарбайжон

версияларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида генетик асосларга бориб тақалади ва демакки, турли-туман нуқталардан тарқалиб, бугунги ёйилиш ареалига эга бўлган. Ҳатто ўзбек версияси икки хил генетик асосга эга.

Одатда эпос ҳақида сўзлаганда, унга унинг яратувчиси бўлган халқ ижтимоий-маиший ҳаётининг объектив бадий ифодаси, дея баҳо берамиз. Бу жуда тўғри баҳо. Чунки у ёки бу фольклор асари яратилгандан кейин асрлар давомида ижодкор ва ижрочилар томонида куйлаб келинади. Табиий равишда унда ҳар бир давр ижтимоий фикр ўз изларини қолдиради. Узоқ тарих давомида рўй берган айрим воқеаларнинг асрлараро акс-садолари у ёки бу даражада элас-элас ўз ифодасини топади. Бу жараён улар ёзиб олинган давргача давом этади. "Гўрўғли" туркуми ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам эпоснинг жонли оғзаки эпик аъъанадаги ҳаракати (куйланиши ва қайта ижод этилиши) давомида унда зухур этган қай бир даврдаги тарихий воқеаларнинг акс-садоларигагина асосланиб, уни шу воқеалар рўй берган даврда яратилган, дея хулосага келиш илмий жиҳатдан асоссиздир.

Биз у ёки бу эпос намунасининг бир халқдан иккинчисига ўтиши (кўчиши) мумкинлигини инкор этмоқчи ҳам эмасмиз. Бундай жараёни "Гўрўғли" туркумида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, олимларнинг аниқлашича, туркумнинг баъзи намуналари Ўрта Осиё (Бухоро) арабларига ўзбеклардан ўтган. Аммо бунда унинг дostonлик хусусияти йўқолиб, ривоятга айланиб қолган, аниқроғи, ўзбек бахшилари репертуаридаги бир неча дoston сюжетининг баёнига ўхшаш ҳикоявий ҳодиса пайдо бўлган. Ёки, "Ҳикояти Гўрўғли султон"нинг Қозон нашри қозоқ жировлари орасида кенг тарқалган. Қозоқ жировлари уни ўрганар эканлар, қозоқ халқи эпик аъъаналарига тўла мослаштирганлар, бадий-эстетик жиҳатдан батамом "ўзлариники" қилиб ол

ганлар. Демак, у ёки бу эпос намунасининг бир халдан иккинчи халққа ўтиши ҳам ўзига хос мураккаб ижодий жараёндирки, текширувчи ҳар бир ҳолатда уларнинг ўзигагина тааллуқли унсурларга аниқ-таниқ муносабатда бўлиши зарур.

Учинчидан. "Кўрўғли" ("Гўрўғли") эпосининг тарихий асосларини тадқиқ этиб, уни жалоллийлар ҳаракати билан боғловчи олимларнинг аксарияти туркум дostonларидаги (қўллари, шохаларидаги) эпик исмлар, жой номларининг тарихдаги шахслар исмлари, у ёки бу ҳудуддаги топонимларга мос ва ўхшаш келишига асосланадилар. Бизнинг назаримизда бундай мослик ва ўхшашлик эпос воқелиги моҳиятини эмас, балки унинг ташқи жиҳатинигина ифодалайди. Масалан, Ҳамза тарихда Эрон шоҳи маслаҳатчиси, эпосда эса от ўғриси. Ёки, Мустафо тарихда турк султони Мурод Шнинг Кавказга юриш қилган юз минг кишилиқ қўшини бошлиғи, туркман версиясида эса, Кўрўғлининг рақиби ҳисобланади.

Тадқиқотчилар эпик Кўрўғлининг ҳаётда яшаган тарихий шахс эканлигига кўпроқ эътибор қаратадилар. Бунда асосан Элиас Мушегяннинг Кўрўғли Усмонли мамлакатининг тоғ ва ўрмонларида яшаб, йўлтўсарлик билан шуғулланганлиги, карвонларни талаганлиги тўғрисидаги маълумот ва изоҳларига асосланадилар. Бу эпос воқелигига тўла мос эмас. Тўғри, туркумнинг бошланғич дostonларида Гўрўғлининг чўпонларнинг қўй-қўзиларини тортиб олиши, карвонлардан бож талаб қилиши каби воқеалар тасвирланади. Бахши ва ошиқлар бунга таловчилик ёки қароқчилик, дея баҳоламайдилар, унга салбий муносабат билдирмайдилар ҳам. Ўзбек олими Ш.Турдимов эпик қаҳрамон Гўрўғлининг ёшлик давридаги бундай хатти-ҳаракатларини "алпик дарди" билан изоҳлайдики, бу оғзаки эпос қонуниятларига тўла мос келади ҳамда тарихий ва этногарик жиҳатдан асосли назарий қарашдир. Бу — бир. Иккинчидан, эпоснинг

"тарихийлигини" (исмлар ва жой номларидаги ўхшашликни) "исботловчи" барча материаллар XVII-XIX асрларда тўпланган. Бу даврда туркий элларда дostonчиликнинг жонли оғзаки эпик анъаналари жуда ҳам ривожланган, халқларнинг кенг қатламлари орасида гуруллаб давом этаётган эди. Бундай даврларда эпик қаҳрамонлар исмлари ва dostonлардаги топонимларни ҳаётдаги забардаст шахслар ва жойларга (қишлоқлар, қўрғонлар, тоғ даралари ва бошқаларга) нисбат бериш (қайта номлаш), уларни ўзларига яқинлаштириш, шу билан ифтихор қилиш ҳиссини янада кучайтириш қонуний бир ҳол даражасига кўтарилади. Шу сабабли биз айрим олимларнинг (масалан, турк олими Огоҳ Сирри Лаванднинг) ошиқ (куйчи) ва қўзғолончи (жалоллийлар ҳаракати бошлиқларидан бири) эпик Кўрўғли исмини кейин қабул қилган бўлиши мумкин, деган фикрларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Эпосдаги исмлар ва номларнинг турлитуман ерларда, ҳатто бир-биридан жуда узоқ жойларда учраши ҳам шу билан изоҳланади. Битта мисол келтирайлик:

"Туркестанские ведомости" газетасининг ў908 йил 90-сонида "Тарихий қайдлар" номли мақола босилди. Унда ёзилишича, "А.П." деб имзо қўйган мақола муаллифи Бухоро амирлиги Ҳисор беклигига қарашли Файзиобод қишлоғидаги вайрон бўлган қўрғон дарвозаси олдидан бир тош топган. Тошда қўрғон истеҳкомини 1716 йилда йўлбарс билан яккама-якка курашда жасорат кўрсатганлиги учун Гўрўғли номини олган Гул Муҳаммад исмли шахс қурганлиги ёзилган экан. Ҳақиқатда ҳам ўша йилларда Гўрўғли лақабли Гул Муҳаммад номли шахс яшаган ва у ўттиз йил давомида Файзиобод қишлоғи ҳамда унинг атрофларида ҳокимлик қилган. Ўтган асрнинг 40-йилларида Файзиобод қишлоғида ўтказилган этнографик кузатувлар давомида кексалар қишлоқ қўрғони истеҳ-

комининг қурилиши, унинг Гўрўғли лақабли шуҳратли бинокори ҳақида ривоятлар сўзлаб берганлар¹⁵. Бундан "Гўрўғли" эпоси XVIII асрнинг бошида Файзиобод қишлоғида яратилган экан, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Бу эпоснинг элу халқ ўртасида кенг тарқалганлиги ва катта шуҳратидан бир нишондир, холос.

Хўш, "Гўрўғли" эпоси қачон ва қаерда кимлар томонидан яратилди экан? Дабдурустдан қўйилган бундай саволга тўғридан-тўғри жавоб бериш ниҳоятда қийин, албатта. Ҳар қандай жавоб ҳам фаразли бўлиши табиийдир. Бизнинг мулоҳазаларимиз ҳам бир фароздир. Ҳатто, у хато бўлиши, унга қўпчилик қўшилмаслиги ҳам мумкин. Лекин бундай қўламдор туркумнинг яратилишини кейинги икки-уч аср билан боғлаб қўйиш ҳам ҳақиқатга зиддир. Эпоснинг нисбатан қадимийроқ, айтилик, XV-XVI асрлардаги ёзувларининг мутлақо бўлмаслиги ҳар қандай фарознинг ҳам имкониятларини янада чеклайди. Бундай шароитда бирдан-бир манба эпоснинг ўзидир.

"Гўрўғли" туркуми дostonларининг версия ва вариантларига яхлит ҳолда назар ташласак, уларнинг моҳиятини доно ва адолатли ҳукмдор, жасур ва қўрқмас Гўрўғли бошчилигидаги озодлик ўлкаси □ Чамбил мамлақати ва давлатининг ташкил топиши, уни янада мустаҳкамлаш ва сарҳадларини қўриқлаш учун эл ботирларининг олиб борган курашлари тасвири ташкил этади. Чамбилдаги тутумлар ўрта асрларда туркий халқлар тарихида пайдо бўлган йирик марказлашган феодаал давлатларидаги қонун-қоидаларни эслатади. Ҳатто энг афсонавий парилар юрти ҳам Чамбилдаги ҳаёт тарзига ўхшашдир. Уларнинг ҳам ўз подшолари, лашкарбошилари, мунаққашли саройлари, ҳашаматли боғ-роғлари, сарҳадларини ҳимоя қилувчи мифологик қўриқбонлари бор.

Юқорида билдирилган қатор мулоҳазалар ҳамда "Гўрўғли" туркуми достонларида тасвирланган ҳаёт тарзи бу ҳашаматли эпос "Китоби дадам Кўрқут" ва "Алпомиш" достонларидан кейин XI-XII асрларда Ўрта Осиёда яратилди, деган қарашни олға суришга имкон беради. Чунки, IX-XI асрларда Ўрта Осиё туркий уруғ ва қабилаларнинг (кенг маънода ўғузлар, қипчоқлар ва қарлуқларнинг) ўзаро бирлашишлари, ажралишлари, яна қайта бирлашишлари, бошқа ҳудудларга силжишларида ўзига хос бир макон бўлган. Туркий уруғ ва қабилаларнинг кўрсатилган даврларда алоҳида-алоҳида халқлар сифатида шакллана бориши ҳамда туркийлашиш жараёнининг янада кучайиши ҳам асосан шу ҳудудларда кечган. Бизнингча, "Гўрўғли" туркуми достонлари яратилишидаёқ бир эмас, бир неча қадимий бадий заминга (ўғуз-туркман, ўзбек-қипчоқ каби) таянади. Ана шу бадий заминнинг ва яратилиш ҳолатининг эгаси бўлган туркий уруғ ва қабилаларнинг бир неча халқлар таркибига кириши, бу билан илгарироқ ҳаммалари учун муштарак (умумий) бўлган эпос намуналарини ҳам олиб ўтилиши натижасида туркум кейинги босқичида миллий асосларда ривожланишда давом этди ҳамда кенг ҳудудларда тарқалиш имкониятига эга бўлди. Кейинги босқичда эпоснинг озарбайжон-ўғуз асосида "тарихийлашиб" борганини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Аммо туркман ва хусусан, ўзбек версиялари эпиклик томон мислсиз равишда кенгайиб борди. Қўлимизда мавжуд материалларни ўрганиш жонли оғзаки эпик анъаналарда бизгача етиб келган эпоснинг XX асрда ёзиб олинган намуналари (версия ва вариантлари) унинг XIII-XVI асрлардаги ҳолатини асосан ифодалай олади, дея хулоса чиқариш имконини беради. Бунда достончилик узвий ва узлуксиз ижодий жараён эканлигини ҳам унутмаслик керак. Йирик феодал давлатлари саройлари ва ҳокимлар ўрдаларида ўзонлар, бахшилар, ошиқлар, оқинлар, жирова-

лар, жирчиларнинг яшаганлиги тўғрисида V асрлардан бошлаб элас-элас етиб келган маълумотлар ҳам юқоридаги мулоҳазаларни тасдиқлайди.

III

Ушбу сўзбоши-мақолага "Халқимиз севиб ўқиган китоб" дея сарлавҳа қўйилди. Бунда муҳташам "Гўрўғли" туркумига кирувчи икки дostonни ўз ичига олган "Ҳикояти Гўрўғли султон" китобининг XIX асрнинг 80-йиллари ва XX асрнинг бошларида қўп марталаб нашр этилгани назарда тутилди. Бу бир. Иккинчидан, бу туркумга кирувчи бошқа дostonларнинг ҳам 1941 йилдан бошлаб шу кунларгача алоҳида китоблар тарзида қўплаб нусхаларда қайта-қайта нашр этилиб, севилиб ўқилиб келаётганлигига ҳам бир ишорадир. Шу маънода сарлавҳани халқимиз томонидан севиб ўқилган ва доимий ўқиб келинаётган "Гўрўғли" китоблари тарзида тушунмоқ керак. Зероки, у ёки бу китобнинг қайта-қайта чоп этилиши уни халқ маданий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тасдиқлаш билан бирга унга нисбатан бўлган маънавий эҳтиёжнинг бениҳоя юксаклигини ҳам кўрсатади.

"Ҳикояти Гўрўғли султон" китоби 1880, 1885, 1890, 1895, 1902, 1906, 1909, 1911, 1913, 1915 йилларда Қозонда, 1915-1917 йилларда "Гўрўғли султон ботасвир", "Қиссаи Гўрўғли султон" номларида Тошкентда деярли ўзгаришсиз бир неча бор қайта чоп этилган. Устоз Ҳоди Зарифнинг айтишича, ушбу китоб Бухоро (Когон)да ҳам босилиб чиққан. Шуниси характерлики, "Қиссаи Гўрўғли султон"нинг Тошкент нашрига себзорлик Сирожиддин Махсум Сидқий расмлар ишлаган.

Қўлингиздаги китоб Думбровский матбасида босилган 1913 йилги Қозон нашри асосида тайёрланди ҳамда 1915 йилда Фуломия матбаасида чоп этилган Тошкент нашри бўлган "Гўрўғли султон ботасвир" билан солиштириб чиқилди. Юқорида айтилганидек, нашрларнинг

матнлари айнандир, баъзи ҳоллардагина бир-икки сўз уларнинг маънодошлари билан алмаштирилганлиги ёки бирор мисра таҳририй жиҳатдан ўзгартирилганлиги онда-сонда кўзга ташланади, холос.

"Ҳикояти Ғурӯғли султон" китобининг 1913 йилги Қозон нашрининг охирида шундай изоҳ берилган: *"Ушбу "Ғурӯғли" рисоласининг босма ўлуниб, истихроҷ ўлмоғина сабаб ўлғувчи Петропавлда истиқомат этгувчи китобфуруш Муҳаммадраҳим Муҳаммадвали ўғлининг ижтиҳоди билра Петропавлда турғувчи котиб Мулла Ҳасан Мирбобо ўғлининг қалам хомаси билра бир минг саккиз юз саксонинчи йилда таҳрир ўлинди"*. Бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. Достонларнинг кимдан, қайси баҳши ёки жировдан ёзиб олинганлиги ҳам маълум эмас. Китобни таҳрир қилган Мулла Ҳасан Мирбобо ўғли ҳақидаги биографик маълумотлар ҳам сақланиб қолмаган. Фақат унинг Петропавлдаги (Қизилжардаги) мадрасада ишлаганлигини биламиз, холос. Китобнинг муқовасида: *"Ношири: китобчи Шамсиддин Ҳусанов ворсаси"*, деб кўрсатилган. Бу шахс ҳақида ҳам маълумот йўқ.

"Ғурӯғли" эпоси қозоқ версиясини нашрга тайёрлаган қозоқ олимаси М.Фумарова: *"Қизилжар (Петропавл) шаҳрида турувчи Мирбобо ўғли Ҳасан XIX асрнинг етмишинчи йилларида қозоқлар орасинда айтилиб юрган Ғурӯғли тўғрисидаги ангғизларнинг негизинда "Ҳикояти Ғурӯғли султон", "Ҳикояти Авазхон" достонларини ёзиб, Қозонда бостиради. Бул ҳикоя 1885, 1890, 1895, 1906, 1909, 1915 йилларда ёруқ кўради"*¹⁶, деб ёзади. Бошқа бир ўринда эса, *"Ҳасан Мирбабин ("Мирбобо" исми "Мирбабин" тарзида қозоқчалаштирилган) бул эпосни эл орасиндан йиғнаб, ёзиб олиб, ўзича ўнглаганлиги" таъкидланади"*¹⁷. Олима *"Ҳикояти Ғурӯғли султон"*нинг нашр йилларини тўғри қайд этади. Аммо унинг қозоқ ангғизлари негизинда тузилганлиги ёки ёзилганлиги ҳақидаги мулоҳазалари асосли эмас.

Бизнингча, "Ҳикояти Ғурӯғли султон" таркибига кирган дostonлар бизга номаълум ўта истеъдодли ўзбек бахшисидан Мулла Ҳасан Мирбобо ўғлининг ўзи ёки бошқа бир шахс томонидан ёзиб олинганга ўхшайди. Балки XIX асрнинг 70-йилларида бирор саводли ўзбек бахшисининг ўзи ёзиб, нашрнинг ҳомийси, китобфуруш Муҳаммадраҳим Муҳаммадвали ўғлига ёки Ҳасан Мирбобо ўғлига топширгандир. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек дostonчилари орасида саводли, ҳатто мадраса кўрган бахшиларнинг ҳам (Мулла Холназар, Эргаш шоир каби) бўлганлиги шундай тахминга асос бўла олади. Китобнинг тили, услуби том маънода ўзбекчадир. Бу тил ва услуб XX асрда ўзбек бахшиларидан ёзиб оlinиб, нашр этилган дostonлар тили ва услубига тўла равишда мос келади. Бизнинг бу мулоҳазаларимизни М.Ғумарованинг "бул китобнинг тили ҳозирги қозоқ ўқувчиларига тушуниксиздай бўлиб келади, эски туркий сўзлари кўп", деган фикри ва шу сабабли уни 1940 йилда таниқли оқин Жаҳан Сиздиқов томонидан "тоза қозоқ тилинда" ёздириб олинганлиги ҳақидаги таъкидлари ҳам тасдиқлайди¹⁸. "Ҳикояти Ғурӯғли султон"нинг туб асоси қозоқча бўлмай, ўзбекча эканлигига уни 1989 йилда Олмаотада нашр этилган "Ботирлар жири" тўртинчи жилдига киритилган "Ҳикаят Кўруғлы" билан оддий қиёслаш орқали тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Биргина мисол келтирайлик:

"Ҳикояти Ғурӯғли султон"да: *"Аммо Ғурӯғлихоннинг Ҳасанхонга бир меҳри юз бўлиб ва эл-юртидан кўнгли тиниб, Ҳасан олдида, қирқ йигит ёнинда ўлтириб эрди, анда Ғурӯғли султон неча ердан тимсол келтириб, бир сўз айтди:*

*Сўз айтурман эмди бу дам юз алвон,
Бу давлатни бизга берибдир мавлон,
Чамбилбелда сурдингизлар кўп даврон,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?"*¹⁹

"Ҳикоят Кўруғли"да: "Бир куні Кўруғли ел-журтына
риза болып, Хасанхан жане қырық жігітпен шат-шады-
ман болып отырды да ишаратпен мына ғазалды айтты":

*Сўз айтайын алуан-алуан,
Бул даулетті берді маулан,
Жамбїлбелде сурдік даурен,
Арманынг барма, қырық жігіт?" 20*

Юқоридаги биргина мисолнинг ўзиёқ "Ҳикояти
Гўрўғли султон" ўзбек тилида ёзиб олинганлиги ва шу
тилда нашр этилганлигини яққол кўрсатиб турибди.
Бундан унинг қозоқ версияси йўқ экан, у қозоқлар то-
монидан "кўчирилган", деган маъно чиқмаслиги керак.
"Ҳикояти Гўрўғли султон" китоби ўзининг кўпдан-кўп
нашрлари билан қозоқлар ўртасида, шу жумладан, оқин
ва жировлар орасида ҳам кенг тарқалди. Қозоқ жиров ва
жирчилари унинг асосида ўзбек дostonларига хос бўлган
бадий хусусиятларни ботирлар жири ва қозоқ шеър
тузилиши унсурларига мослаштирдилар, асосий матнни
қисман қисқарттирдилар ёки қайта ишладилар, шу та-
риқа уни қозоқ фольклорининг жонли оғзаки ижро ва
ижод муҳитида "миллийлаштирдилар". Эпоснинг Раҳ-
мат Мазхўжаев, Жақан Сиздиқов каби таниқли жиров-
лар вариантлари буни тўла тасдиқдай олади. Шу сабаб-
ли уни "бул эпос 1885 йили Қозонда босилган текстдан
олинди" деган изоҳ билан эмас, балки Жақан Сиздиқов
варианти тарзида нашр этиш лозим эди. Чунки ҳар ик-
кала матн бир-бирини такрорламайди, балки бадий-
эстетик жиҳатдан турлича ҳодисалардир.

"Ҳикояти Гўрўғли султон" халқимизнинг севиб ўқиган
китоби бўлиш билан бирга бахшилар ва қиссахонлар
орасида ҳам кенг тарқалди. Атоқли дostonчи, шоир-
қиссахон Раҳматулла Юсуф ўғли бу тўғрида шундай гу-
воҳлик беради: "Маълумки, Гўрўғлибекнинг Авазхонни

олиб келгани" деган дoston инқилобдан аввал Қозон ва Тошкентда савдогарлар томонидан нашр қилиниб, тезлик билан бутун ўзбеклар элатига тарқалган эди. Мазкур китобнинг Тошкент босмаси бўлган "Ўрўғли султон ботасвир" бизнинг овулга ниҳоят 1927 йилда етиб, ўша вақт- даги ҳамма дostonчи-бахшиларнинг, ҳатто араб ҳарфида ёзилган китобларнинг ҳаммаси рост деб тушунган улўғ Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳам замирига сингиб, мазкур дostonни аввалдан ҳар бирлари турлича айтиб юрганлари ҳам йўқолиб, китобникини айтмоқ керак, деган фикр барча бахшиларга ёйилиб, ўша нашрдан чиққанига ўхшаган қилиб айтмоқ одат бўлиб кетди. Ҳозир, масалан, кичикроқ бир бахшидан: "Мазкур дostonнинг бошқа хили ҳам илгари айтилармиди?" — деб сўралса, қисқача: "Йўқ", деб жавоб беради. Аслида, яъни яқингинада мазкур дostonнинг бир-икки хилда куйланишини шундайдан шундайга унутишиб юборганлар. Мен шу аввалги ариқларни қазиб, мазкур дostonнинг бошқа бир хилини баёнга келтирмоқчиман. Албатта эшитганларга раҳмат ва майда бахшилар учун кўмилган ариқларни очиб берсам, шунинг ўзи менинг учун катта бир шарафдир²¹.

Раҳматулла Юсуф ўғлининг бу ифторини "Ҳикояти Ўрўғли султон" нашридан кейин ўзбек дostonчилигида анъанавий дostonларни ўзлаштириш ва уларнинг ижросида бир хиллик кучайди, илгаригидагидек хилма-хиллик камайди тарзида қабул қилиш тўғри эмас. Шоир-қиссахон бу ўринда китобнинг бахшилар орасида ҳам кенг тарқалганлигини тўғри кўрсатган ҳолда унинг дostonчилар эпик репертуарига таъсирини бироз ошириброқ баҳоламоқда. Масалан, Пўлкан шоирдан ёзиб олинган "Авазхон" дostonи китобдаги биринчи дoston сюжети билан айнан, ҳатто энг майда тафсилотларгача ўхшаш. Лекин бадийий матн бир-бирини такрорламайди. Пўлкан варианты ҳажм жиҳатидан катта.

Китобдаги нусха 1600 мисрадан кўпроқ шеърӣ сатрларни ўз ичига олган бўлса, Пўлкан шоирда 2200 мисрага яқиндир. Худди шундай, насрий қисмларда ҳам жиддий ўзгачаликлар мавжуд. Бирида китобийлик устунлик қилса, иккинчисида оғзаки нутқ устувордир. Буни ёрқинроқ тасаввур қилиш учун биргина мисол келтирайлик:

"Ҳикояти Гўрўғли султон"да:

*Суриш бўлса, ширин жондан кечдингиз,
Душманларни найза билан санчдингиз,
Силаб-силаб қизларини қучдингиз,
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?*²²

Пўлкан шоирда:

*Ҳар уруғдан азаматни жиймоқдан,
Хитойи косага майни қуймоқдан,
Қиз ўрнига парилардан суймоқдан,
Ҳар ранг тўнни яшнатиб киймоқдан,
Суймоқдан камлигинг борми, қирқ йигит?*²³

"Мен аввалги ариқларни қазиб, мазкур дostonнинг бошқа бир хилини баёнга келтирмоқчиман", деган Раҳматулла Юсуф ўғли вариантида ҳам китобнинг маълум бир таъсири сезилиб туради. Тўғри, Раҳматулла Юсуф ўғли варианти сюжети воқеаларининг бошланиши, унинг айрим ҳалқалари бошқачароқ ўзанда давом этади. Унда янги эпизодлар мавжуд. Матн ҳам ўзгача талқин қилинади. Шу билан бирга сезилар-сезилмас китобнинг таъсирини ҳам кўраимиз. Мисоллар:

"Ҳикояти Ғурӯғли султон"да:

— *Сени деб сарғайди юзим,
Чўлларда ахтардим ўзим,
Хаёлингга на сўз келди,
Менга айтгил, жоним қўзим.
Кел, Аваз, мингил Ғиротга.*

— *Эшитганман сенинг зотинг,
Элни босган сиёсатинг,
Эрлигингни қўзим кўрмай,
Не деб минай сенинг отинг,
Минмайман Ғурӯғли отига²⁴.*

Раҳматулла Юсуф ўғли вариантида:

— *Хунлар бизга қойил бўлсин,
Кўнглинг отга мойил бўлсин,
Ҳар бир кунинг сайил бўлсин,
Кел, Аваз, мингин Ғиротга.*

— *Қўшин олдини бувмасанг,
Ғолиб кеб барин қувмасанг,
Қон билан ханжар ювмасанг,
Минмайман, номард, Ғиротга²⁵.*

Бу қиёслардан кўринадики, "Ҳикояти Ғурӯғли султон" нашрининг ўзбек бахшиларига муайян бир даражада таъсири бўлган. Чунки дostonчилар уни қиссахонлар давраларида эшитганлар ёки ўқитиб тинглаганлар, хат-саводлиларининг ўзлари ўқиб-ўрганганлар. Зероки, бахшиларнинг эпик репертуарни ўзлаштириши ва уни бойитиб ҳамда мукаммаллаштириб бориши жуда ҳам мураккаб бўлиб, устоз сабоғидан кейин ҳам уларнинг бутун умри

давомида кечадиган ижодий жараёндир²⁶. Аммо бундай таъсир ва ўқиб-ўрганишлар, "ўзлаштиришлар" эпик репертуарни ўзгартириб юбориш даражасида бўлмаган, балки бахшилар репертуарининг сон ва сифат жиҳатидан бойиб боришининг ўнлаб имконият ва манбаларидан биридир, холос. Бунинг устига, китобга асос бўлган матн XIX асрнинг 70-йилларида қайси бир бахшининг ижросида айнан ижро этилган ҳамда жонли оғзаки эпик анъаналарда кейинги йилларгача қуйланиб келинган. Шунинг учун унга мазкур дostonларнинг бир варианты тарзида қараш зарур. XX асрда Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бекмурод бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли каби улкан ижодкорлардан "Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши", "Авазхоннинг арази" каби дostonларнинг бадий юксак вариантларининг ёзиб олинганлиги бу фикрни тўла тасдиқлайди. Бунда "Ҳикояти Гўрўғли султон" муайян бир адабий таҳрирга учраганлигини ҳам унутмаслик керак. Аммо бу таҳрир унинг оғзаки адабиётга хос хусусиятларини йўқотмаган, балки бизга номатълум бахши варианты асос эътибори билан сақланган.

"Ҳикояти Гўрўғли султон" китоби, юқорида таъкидланганидек, икки дostonдан таркиб топган. Дostonлар номланмаган, аммо бир-биридан ажратилган ҳолда берилган. Уларнинг биринчисига "Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши", иккинчисига "Авазхоннинг арази" дея ном бердик. Чунки уларнинг мазмун-моҳияти шу номларни тақозо этади. Бахшилар орасида ҳам мазкур дostonлар "Авазхон", "Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши", "Авазхоннинг аразлаб кетиши", "Авазхоннинг дор остидан озод қилиниши" каби номлар билан юритилади.

Китобдаги "Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши" дostonи туркум бош қаҳрамони Гўрўғлибек эпик ҳаёти асосий нуқталарининг (ўн беш ёшида Чамбилга султон бўлиши, ўттиз ва қирқ ёшида пирларнинг икки марта

дуо бериши, эллик, эллик беш, олтмиш ёшларида унинг донғига ошиқ бўлган Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор париларнинг келиб, унга турмушга чиқиши, юз ёшида Исфаҳондан Ҳасанхонни олиб қочиб келиб фарзанд қилиши кабиларнинг) қисқача баёни билан бошланади. Бундай баёний маълумотлар умуман туркум дostonларида шу хилдаги тасвирларга мос келмайди, ҳатто замон ва маконда бир-бирига зиддир. Шунга қарамай, уларни бир версия сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки бундай баёний маълумотлар айна dostonда Авазхоннинг Чамбилга олиб келиниши заруратини бадий шартлилик асосида янада ёрқинроқ тасвирлашга имконият яратган.

Чамбил мамлакати ҳар жиҳатдан обод бўлиб, халқи фаравон яшаётган кунларнинг бирида Гўрўғлибек ўлтиришда "Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит", деб сўрайди. Шунда қирқ йигит: "Гуржистондан Авазхонни олиб келиб, ўғил қилсанг. Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур", дейди. Ҳукмдор Авазхонни олиб келиш учун асранди фарзанди Ҳасанхон бошчилигида қирқ йигитини жўнатади. Йигитлар Бадбахт тоғига етиб, унинг бошида қизил ола туман чўкиб ётганини кўриб, қўрққанларидан Ҳасанхоннинг ундовлари, ёлворишларига қарамай, орқага қайтадилар. Dostonнинг шу ўринларида Ҳасанхон тилидан тўртта шеърий монолог берилади. Уларда мард билан номардни фарқлаш, ботирлик ва қўрқоқлик, юртга садоқат, ҳукмдор-тарбиячи олдидаги бурч тўғрисидаги халқона қарашлар бадий гўзал сатрларда ўзининг ёрқин ифодасини топган:

*Эр йигит қойим урушга,
Кирмакка доим хурушга,
Баҳодирлар кирса урушга,
Ўнин санчиб, бешин кўзлар.
Номард одам ёвга борса,
Қочатурғон ерин кўзлар.*

Энди Авазхонни олиб келиш учун Гўрўғлибекнинг ўзи отланади. Бадбахт тоғига етгач, пирларнинг маслаҳати билан Авазхоннинг тоғаси Қўнғирбой қиёфасида шаҳарга кириб, Авазхонни қўлга киритади. Достонда Булдуруқ қассобнинг мол-дунёга ўчлиги, шу сабабли ҳам Авазхонни қўлдан бой берганлиги, Авазхоннинг онаси Гулойимнинг Қўнғирбой Гўрўғли эканлигини билгандан кейинги изтироблари ҳаётий лавҳаларда жуда ҳам жонли тасвирланган. Хунхоршоҳ лашкарлари билан бўлган жангда Гўрўғлининг мардлигини кўрган Авазхоннинг Чамбилга боришга рози бўлиши, юрти билан ғойибона ҳўшлашиши тасвирларида айрилиқ азоблари нақадар оғир эканлиги, киндик қони томган тупроққа меҳрмуҳаббат мотивлари баралла жаранглайди:

*Олдимда кўринур Бадбахтнинг бели,
Неча кунлик экан, билмадим йўли,
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,
Ўйнаб-ўсган она Гуржистон эли...*

*Учқуримда анотимдан қайрилдим,
Югругимда туёғимдан тойрилдим,
Омонда бўлинглар, барча оғайин,
Армон билан мен сизлардан айрилдим.*

"Ҳикояти Гўрўғли султон" китоби таркибидаги иккинчи достон — "Авазхоннинг арази" қизиқ бир мотив — ўлмай туриб йўқлаш билан бошланади. Юз йигирма ёшга етган Гўрўғли хотинлари Юнус, Мисқол, Гулнор париларга: "Эмди охир вақтим яқин етди. Сизлар анда мени нима деб йўқлайсизлар, ўз қулоғим билан эшитиб кетай", деб ўлиқдай бўлиб ётди. Париларнинг йўқлови Гўрўғли эпик ҳаёти асосий нуқталарининг чиройли тасвири бўлиши билан бирга достон сюжетидаги конфликтни юзага келтириш учун ўйлаб топилган ўзига хос бадийий усул ҳамдир:

*Ўн бешингда ғориллаған нор эдинг,
Ўттизингда Асқар тоғдай бор эдинг,
Кўп душманга оч бўридай доридинг,
Ёшинг етди юз йигирма, қаридинг,
Булут чайнаб, музни пурккан кунларинг...*

*Қозининг олдида бўлур нойиби,
Йигитга панд берар отнинг майиби,
Ўзинг ўтсанг бу Чамбилдан бир куни,
Ким бўлади тожу тахтнинг сойиби,
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.*

Бунни эшик орқасида туриб эшитган Аваз шунча хизмат қилсам ҳам, мени фарзанд ўрнида кўрмас эканлар, дея ниҳоятда хафа бўлади. Ана шу руҳий ҳолат билан майхонага кирган Аваз ногоҳ қўлидаги қадахни тушириб юборади. Авазнинг Гўрўғлидан арази сабаблари тасвирдан тасвирга кучайтириб борилади. Овга чиққан Аваз Аҳмад сардорнинг қизи Бўтакўзойим томонидан бир байталлик қул, дея камситилади. Гўрўғлибек Бўтакўзга совчи қўймоқчи бўлганда, Чамбилнинг оқсоқоллари Аҳмад сардор қулингга қизини бермайди, дея совчиликдан бош тортадилар. Бундай камситишлар Авазни Чамбилдан бош олиб кетишга ундайди.

Гуржистонга борган Авазни Хунхоршоҳ аввалига яхши кутиб олади. Кўп мамлакатларни кўрган жаҳонгашта Аваздан қайси юрт обод ва кўркемлигини сўраганда, Авазхоннинг:

*Бир тарафда Така-Ёвмит эли бор,
Бир ёнинда Ҳовдак деган кўли бор,
Ҳар йигитнинг сендай тўқсон қули бор,
Йигитнинг арслонин Чамбилда кўрдим, —*

деган таъриф-тавсифларини эшитгач, уни зиндон қилади. Бундан огоҳ бўлган Гўрўғли қирқ йигити билан биргаликда Авазхонни дор остидан қутқариб, Чамбилга олиб келади.

"Ҳикояти Гўрўғли султон" бадиий мукаммаллиги, хилма-хил шеърий шаклларга эгалиги, шеърий бандларнинг ўта ва тизимли муайянлашганлиги билан ўзбек фольклорида алоҳида ўрин тутади. Ундаги "Кунларинг", "Султоним", "Армоним қолмади", "Кел-ҳо, беклар, якка-якка", "Мадад берар кун эмди", "Соқие, абзаллаб келгил Фиротни", "Бахудо, навкар бўлмайман", "Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти" каби ўнлаб шеърий банд тузилишлари ўзбек фольклорида жуда кенг тарқалгандир.

Бу ўринда яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш зарур. Китобда диний-илоҳий қатлам тизимли бир тарзда намоен бўлган. Қўлимиздаги мавжуд дostonлар тўлалигича шўро даврида ёзиб олинганлигини ҳисобга олсак, "Ҳикояти Гўрўғли султон" китобида диний-илоҳий қарашларнинг нисбатан тугал бадиий ифодаланганлигининг нақадар аҳамиятга эгалиги ўз-ўзидан аён бўлади. Чунки доимо даврнинг кўз-қулоғи бўлиб келган бахшилар дostonларни ёздирган пайтдаги мафкуравий ҳолатни ҳисобга олмасликлари мумкин эмас эди. Шу сабабли дostonларни ёздирётганда, ундаги диний ўринларни қисқартириб айтганликлари ёки уларни бошқачарoқ ифодалаганликлари, ҳатто ташлаб кетганликлари табиийдир.

"Ҳикояти Гўрўғли султон" дostonлари матнини ўрганиш уни нашрга тайёрлашда муайян бир адабий таҳрирдан ўтказилганлигини ҳам тасдиқлайди. Аммо бундай таҳрир унинг оғзакилик асосларига зарар етказмаган, балки айрим ўринларинигина (бошланма, тугалланма, боғловчи насрий қисмларни) ўша давр қиссачилик услубига яқинлаштирган. Шу билан бирга баъзи бир маълумотлар ўзгартирилган ёки бошқачарoқ талқин

қилинган. Гарчи бу маълумотлар китобдаги ҳар иккала дostonга тегишли бўлмаса-да, "Гўрўғли" дostonлар сил-силасининг бош қаҳрамони эпик фаолиятига тўғридан тўғри алоқадордир. Шу сабабли уларга муайян бир изоҳ-лар бериш зарурдир.

Шундайлардан бири пирларнинг бош қаҳрамонга ҳомийлиги тасвиридир. Китобда: "Гўрўғли султон ўттиз ёшга келганда, Хўжаи Хизр алайҳиссалом қирқ чилтан, ўн икки имом бирла келиб, Гўрўғлининг ҳақиға дуо қилди... Қирқ ёшига келганда, яна Хизр алайҳиссалом билан қирқ чилтан, ўн икки имом келиб...", - тарзида маълумот берилади. Бу ахборот Гўрўғли эпик биографиясига мос эмас. "Гўрўғлининг болалиги" дostonида тасвирланишича, отни излаб юрган бош қаҳрамон ўн беш ёшида Афсар тоғида Хизр ва қирқ чилтанга дуч келади ва уларнинг дуосини олади. Халқ эътиқоди бўйича ҳам, дoston ва эртакларда ҳам ғойиб эранлар кишиларни (асар қаҳрамонларини) излаб, уларнинг яшаш маконларига келмайдилар, балки кўзга кўринмас бундай руҳий олам вакиллари танланганларга қадам-жоларда, йўл, чўл, тоғ ва ғорларда дуч келадилар. Шу билан бирга китобда пирлар дуосининг иккилантирилиши, Гўрўғли эпик ҳаёти саналарининг ўзгартирилиши ноўрин таҳрир натижасидир. ҳатто бундай "таҳрир" китобнинг бошидаги: "Ондин сўнг ўн беш ёшинда, тилла жигаси бошинда, қирқ йигити қошинда Гўрўғли султон ҳоким бўлди", деган маълумотга ҳам мос келмай қолганлиги яққол кўриниб турибди. "Гўрўғли" дostonларида тасвирланган эпик воқелик анъанасига кўра, Гўрўғли Афсар тоғида Хизр ва қирқ чилтандан дуо олиб, ғиркўк отига қайта эға бўлгач, пирлар башорати билан ўн беш ёшида Ёвмит мамлакатига подшо бўлади. Бу нарсa "Армонинг қолмасин" термасида шундай куйланади:

*Эр атандим олти ёшда,
Шер атандим ўн тўрт ёшда...
Катта тоғам Буғра ўлди,
Юртга ботир лозим бўлди,
Эл келиб валлами қилди,
Бўлдим, армоним қолмади,
Бўлгин, армонинг қолмасин.*

Шунингдек, китобнинг кириш қисмидаги: "Эллик ёшинда Гўрўғлининг донғига ошиқ бўлиб, Кўҳи қоф тоғининг подшоҳининг қизи Оға Юнус пари келиб тегди. Эллик беш ёшинда Ҳиндистондан Мисқол пари келиб тегди. Олтмиш беш ёшинда Ирам боғидан Гулнор пари келиб тегди", қабилидаги хабар ҳам дostonчилик анъаналарига мос эмас. Бош қаҳрамоннинг бўлғуси ёрлари пирлар томонидан илгаридан "белгиланган" бўлса ҳам, уларга эришиш учун жасорат, мардлик кўрсатиш лозим бўлади. Эпос қонуниятини шуни талаб қилади. "Юнус пари", "Мисқол пари", "Гулнор пари" дostonларида бу ҳолат кенг тасвирланган. Демак, париларнинг ўзлари, бунинг устига ёши анчага бориб қолганда, Гўрўғлига келиб тегмайдилар, балки Гўрўғли балоғат даврида курашиб, уларга эришади. Бу ҳол бахшилар томонидан Гўрўғли тилидан айтилган "Кунларим" термасида шундай куйланади:

*Оҳ дедим, мудомо кўнгилим ўсди,
Силтадим, қиличим ғанимни кесди,
Кўҳи қофдан олиб келдим Юнусди,
қора девман қон тўкишган кунларим.*

*Дарёга юзганлар кема ҳам солди,
Бедовга ярашган қуйруқ ҳам ёлди,
Боғи Ирамдан олиб келдим Мисқолди,
Париларман ўйнаб-кулган кунларим.*

Бу ўринда яна иккита изоҳга зарурат бордир. Улардан бири Гўрўғлининг одамзоддан тўққиз хотинга уйланишидир. Гўрўғлининг фарзандсизлигини кучайтириш учун буни эҳтимол бирор бахши ўйлаб топгандир. Аммо бу ҳақда дostonчилик анъаналарида бирор бир маълумот йўқ. Фақат Фарғона водийсидан ёзиб олинган айрим дostonларнинг кириш қисмида (масалан, Усмон Маматқул ўғлининг "Бўтакўз" ва "Шоҳдорхон" дostonларида) Гўрўғлининг одамзоддан тўққиз хотин олганлиги айтилади. Бу "Ҳикояти Гўрўғли султон"дан ўзлашган бўлиши керак. Эпик анъанага кўра, Гўрўғлининг икки (Юнус ва Мисқол парилар), Пўлкан варианты бўйича учинчи (Гулнор пари) хотини бор. Юқорида айтилганидек, бу париларнинг узоқ ўлкалардан олиб келиниши ҳақида алоҳида-алоҳида дostonлар мавжуд.

Иккинчи изоҳ шуки, "Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши" дostonида асар қаҳрамони ўн беш ёшдаги навқирон йигит сифатида тасвирланади. Орадан тўрт йил ўтгач, иккинчи дostonда ҳам Авазхон ўн беш ёшда, ҳасанхон ўн олти ёшдадир. Буни дostonларда вақт ўтиши билан юзага келган тафовут ҳисобга олинмаган экан, тарзида тушуниш тўғри бўлмайди. Чунки, анъанага кўра, Авазхон ҳамиша ёш ботир сифатида тасаввур қилинган. Бу, маълум маънода, ҳасан кўлбарнинг ўғли Самандар иштирок этган дostonларда ҳаммавақт "Етти яшар Самандар дев" тарзидаги тасвирга ўхшаб кетади. Иккинчидан, юқорида айтилганидек, "Гўрўғли" туркуми дostonларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида куйланганлиги сабабли бундай тафовутлар сезилмайди ҳам. Анъанада шундай ўрнашиб қолганлиги сабабли тингловчи ёки китобхон уни одатдаги ҳодиса сифатида қабул қила беради.

"Ҳикояти Гўрўғли султон" китобига кирган дostonларнинг Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли каби улкан дос-

тончилардан ёзиб олинган бадий юксак вариантлари бўлишига қарамай, уларнинг халқимиз эпик ижодиётида алоҳида ўрни бор. Шунинг учун ҳам бундай китобнинг қарийб юз йилдан кейин қайта нашр этилиши мамлакатимиз маънавий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Иқтибос олинган адабиётлар

1. Тахмасиб М. Проблема народности азербайджанских дастанов и современное состояние исследования их // Вопросы изучения эпоса народов СССР. Москва: Наука, 1958. - С. 180.

2. Абрамян А., Габриелян Д. Неизданные песни "Кёр-оглы" // Известия АН АрмССР. Общественные науки. - Ереван, 1954, №9. - С. 71-93.

3. Қаранг: Короглы Х. Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. - Москва: Наука, 1983. - С. 169-247.

4. Қаранг: Зарифов Х. Т. К изучению узбекского народно-го эпоса // Вопросы изучения эпоса народов СССР. - Москва: Наука, 1958. - С. 122.

5. Қаранг: Брагинский И. С. О таджикском эпосе "Гуругли". - Указ. сб. - С. 134-135.

Қуйидаги бир неча адабиётларни қайд этиш билан чекланамиз: Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. - Москва: ГИХЛ, 1947. - С. 165-279; Каррыев Б. А. Эпические сказания о Кёр-оглы у тюркязычных народов. - Москва: Наука, 1968; Короглу. Озарбайжон достони. - Баку: Элм, 1956; Героглы. Туркменский героический эпос. - Москва: Наука, 1983 (Туркман ва рус тилларида); Гуругли. Таджикский народный эпос. - Москва: Наука, 1987 (Тожики ва рус тилларида); Батырлар жыры, IV том, Коруглы. - Алматы: Жазуши, 1989; Карақалпақ фольклори, XV том, Горуғлы. - Нукус: Карақалпақстан, 1986; Metin Eki? i. Turk dunyasinda Kjröglü. - Ankara, 2004; Fuzuli В а у а t. Kuröglü destani. Istanbul: Otuker, 2009; Gorög'li. Türkmen halk destani. I-VIII жилдлар. - Анқара, 1996 (Туркман ва турк тилларида); Кёр оглы // Дестанлар. - Тошкент, 1980. - 49-63-бетлар. (Қиримтатар версияси); Мамедязов Б. Поэтика и современное бытование туркменского героического эпоса "Героглы". Автореферат док. дис. - Ташкент, 1990; Go'ro'g'li. Ўзбек халқ достонлари. - Тошкент: Шарқ, 2006 ва бошқалар.

7. Қаранг: Саидов М. "Малика айёр" достони. - Тошкент: Фан, 1964; Яна ўша. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат. - Тошкент: Фан, 1969; Муратов М. Образ Гороглы в узбекском народном эпосе. Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 1962; Яна ўша. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанoв "Гороглы". Док. дис. автореферати. - Тошкент, 1975; Умаров С. Трактовка главного героя в узбекских народных дастанах (на примере дастанoв народного поэта Мухаммедкула Джанмурад оглы Пулкана). Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 1974.

8. Қаранг: Абдусамедов А. И. Эпическое мастерство Фазыла Юлдаш оглы (сюжет и композиция). Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 1970; Миркамолова М. А. Место эпоса "Гуруглы" в фольклоре узбеков-лакайцев. Канд. дис. автореферати. - Самарқанд, 1972; Халикулов Дж. Х. "Рождение Гороглы" и его место в цикле дастанoв "Гороглы". Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 1984; Мирзаяева М. Ўзбек халқ дostonларида туркумлик. - Тошкент: Фан, 1985; Мамашукуров К. Идейно-художественные особенности цикла дастанoв "Нурали". Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 1986; Ҳайдаров Т. М. "Гуруғли" ва мифологик синкритизм. Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 1993; Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини. Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 1996; Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларида от образининг тарихий асослари ва бадий талқини. Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 2000; Сариев С. М. Хоразм "Гуруғли" туркуми дostonларининг қўлёзма вариантлари. Канд. дис. автореферати. - Тошкент, 2007; Жаббор Эшонқул. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. - Тошкент: Фан, 2011.

9. Ҳоди Зариф. "Равшан" достони ҳақида // Эргаш шоир ва унинг дostonчилигидаги ўрни. - Тошкент: Фан, 1971. - 61-бет.

10. Ҳоди Зариф. Ажойиб дoston // Фозил шоир. - Тошкент: Фан, 1973. - 47-бет.

11. Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. - Москва: ГИХЛ, 1947. - С. 453.

12. Райхл К. Тюрский эпос. Традиции, формы, поэтическая структура. - Москва: "Восточная литература", 2008. - С. 328-329.

13. Самуэлян Х. Предисловие // Кёр-оглы. Народный эпос. Ереван, 1941. - С. 27.

14. Каррыев Б. А. Эпические сказания о Кёр-оглы у тюркоязычных народов. - Москва: Наука, 1968. - С. 28-29.

15. Қаранг: Брагинский И.С. Таджикский народный эпос "Гу-
ругли" // Гуругли. Таджикский народный эпос. - Москва: Наука,
1987. - С. 10-11.
16. Ғу м а р о в а М. "Қуруғлы" эпосы // Батырлар жыры.
Тўртінші том. Қуруғлы. - Алматы: "Жазушы", 1989. - 7-бет.
17. Юқоридаги китоб, 397-бет.
18. Юқоридаги китоб, 397-бет.
19. Ҳикояти Ғуруғли султон. - Қозон, 1913. - 3-бет.
20. "Ҳикаят Қуруғлы" эпосы // Батырлар жыры. Тўртынші том.
- Алматы: "Жазушы", 1989. - 164-бет.
21. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер На-
войи номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архиви,
инв. № 1693. 1965 йил 12 февралда ёзилган.
22. Ҳикояти Ғуруғли султон. - Қозон, 1913. - 3-бет.
23. Авазхон // Гулнор пари. Достонлар. Тошкент: Фафур Ғулом
номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967. - 303-бет.
24. Ҳикояти Ғуруғли султон. - Қозон, 1913. - 34-бет.
25. Авазхон. Тошкент: "Ёзувчи", 1997. - 38-39-бетлар.
26. Қаранг: Мирзаев Т. Эпос и сказитель. - Тошкент: "Фан",
2008. - С. 161-203.

*Тўра МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
профессор*

ЛУФАТ

А

Абри навбаҳор йиғлаб - баҳордаги булутли ёмғирдай кўз ёши тўкиб маъносида.

Адра (арда) - ордона.

Адри - адири.

Азойил - азозил, азроил.

Ал - қўл.

Анқовсимон - анқовга ўхшаш, ўзни телбасифат қилиб кўрсатиш.

Арбаймизми - авраймизми.

Афт-андом - юз-башара, қад-қомат.

Ахбор - хабарлар.

Б

Бадрак (бадраг) - зоти паст; ярамас, ноасл.

Базўр - зўрға.

Баногоҳ - ногоҳ; кутилмаган вақтда, бирдан.

Байза (байзо) - ўта оқ, порлоқ. Яди байзо - оппоқ қўл. *Мажозан* куч-қудрат.

Барқ - чақмоқ, чақин, яшин.

Батар - баттар.

Баҳузур - бемалол, хотиржам.

Бий - бек. Уру\$ ёки қабила бошлиғи, оқсоқол.

Боз - *бу ерда*: лочин.

Ботмон - оғирлик ўлчови; бир ботмон 7,5 пудга ёки 120 килограммга тенг; турли ерларда бу ўлчов бирлиги хилма-хил: икки пуддан ўн бир пудгача ҳам ҳисобланади. Шунингдек, ерга нисбатан тадбиқ қилганда, бир гектарга тенг.

Боғиниб - боқиниб.

Бузруквор - улуғвор, *бу ўринда*: авлиёсифат маъносида.

Бувди - бўғди.
Буйтиб - бундай қилиб.
Буроқ - Муҳаммад (сав)нинг Меърож тунидаги мин-
ган отига ишора.
Бўнини сунмоқ - бўйнини чўзмоқ.
Бўқтариб - темир ҳалқачалардан иборат уруш кий-
имларини кийиб маъносида.

В

Во дариф - э, афсус; афсус-пушаймонлик, оҳ-воҳни
ифодалайди.
Ворса - эгалик, тегишли; келадиган даромад кимга-
дир тегишли эканлигини ифодалайди.

Г

Гажим - гижим.
Гида - гина демоқчи.
Гудираб - гул-гул ёниб.
Гунагун - (*аслида: гуногун*) — хилма-хил.

Д

Давот - (*аслида: довот*) - сиёҳдон.
Дарманда - бахтсиз; ҳимоясиз, кучсиз, қийин аҳволда
қолган.
Дарахшон - ярақлаган, порлоқ, равшан.
Дархон - эркин.
Даст - қўл.
Дастагул - *бу ерда: косагул*, соқи маъносида.
Дашига - даштига.
Даҳан - *бу ерда: оғиз* маъносида.
Довуш - товуш.
Долақат - тик қомат, адил қомат.

Доҳили нор - ўт-оловга доҳил.

Дурфи шаъним - *аслида*: дарафшоним, дарафшон
- яр- қироқ, равшан, порлоқ, ярқировчи.

Дўнон - тўрт яшар от.

Ё

Ёлдиروب - ялтираб.

Ёмилмоқ - ёпилмоқ.

Ж

Жавзо - қадимий астрономияда осмондаги ўн икки буржнинг бири шундай деб аталган. Бу буржни икки эгизак қиз шаклида тасаввур қилинган. Жавзо шамсия (кўёш) йил ҳисобида баҳор фаслининг учинчи ойи ва ёз фаслининг биринчи ойи - 22 май - 22 июнга тўғри келади.

Жайнаб - яшнаб. Жайнамоқ - яшнамоқ.

Жалбираб - ялпираб.

Жапсар - ўтовнинг увиқ ва керагалари туташган ерида қўйилган туйнук.

Желайин - елайин.

Жиба (жева) - металдан тўқиб ясалган уруш кийими.

Бу ерда: безак маъносида.

Жийиб - йиғиб.

Жилайди - йиғлайди.

Жиға - бош кийим ё тожга санчиладиган қимматбаҳо зийнат; уқпар.

Жовлик - ялли, ёппа.

Жонсиз - жосус.

Жонфишон - жонни фидо қилувчи; меҳрибон.

Жўйиб-қириб - маҳв этиб, йўқ қилиб.

Заифа - хотин.

Зарафшон салла - зардан ишланган ёки зар билан безатилган салла.

Зебу забар - араб имлосидаги ҳаракатлар.

И

Ижтиҳод - тиришиш, куч борица ҳаракат қилиш, ғайрат кўрсатиш.

Изо - изза.

Истихрож - чиқариш, чиқариб олиш. Бу ерда нашр этилиш маъносида.

Ияси - эгаси.

К

Кадхудо - эл-юрт орасида сўзи ўтадиган киши; оқсоқол; уй бекаси маъносида ҳам келади.

Калдирум (қалари) салла - салланинг қимматбаҳо, шоҳона хили.

Канора - қирғоқ, чет; тоғ ёнбағри.

Касак - кесак.

Кент - шаҳар. Баъзи фринларда қасаба маъносида ҳам ишлатилади.

Кировка - ҳимоя қуроли, совут остидан кийиладиган металлдан ишланган нимча, уруш кийими; хира, нурсиз. *Мажозан*: сарғайган.

Кунгира (кунгура) - қалъа, девор, том устининг қирғоқларига ишланган зийнатли панжара. *Бу ерда*: ўтов панжараси.

Кўканлаб - қуганлаб; боғлаб..

Кўкраклик қилмоқ - мардона турмоқ.

Кўрпа - бир текис ўсган майса. *Мажозан*: ёш йигит.

М

Маврид - фурсат, қулай бир пайт.

Матлаб - исталган нарса, мақсад, тилак.

Мингиз (менгиз) - ўхшаш.

Мини йўқ - тенги йўқ.

Моҳу сол - ой ва йил.

Мусаллам - маъқулланган; таслим бўлиш.

Муханнас - хунаса.

Н

Набот - новвот.

Намозшом - кун ботиб қоронғилик тушабошлаган пайт, оқшом; намоз вақти маъносида ишлатилади.

Наҳр - дарё; ариқ, анҳор.

Норимон беклар - оташқалб беклар.

Ноқилон - нақл қилувчилар, ҳикоя ва ривоят айтувчилар.

Нуш қилмоқ - ичмоқ.

О

Овут-овут - гоҳ у ёққа гоҳ бу ёққа, оға-оға, чайқала-чайқала.

Ода - адо, тамом.

Осор - асарлар.

Очувада - аччиқда, аччиқ билан.

П

Пир ҳақи бўлди - пир ҳимоясига олди маъносида.

Пургунҳ - гуноҳи кўп.

Р

Рамуз-равиш - хатти-ҳаракат, юриш-туриш.

Ровиён - ривоят (ҳикоя) айтувчилар.

Рахт - тахт. Боғда рахтим - боғдаги тахтли жой маъносида

Роят - байроқ.

Рӯд - ариқ, анҳор.

Рӯй - юз, афт.

Рӯпара - юзма-юз, бирор нарсага ёки сўзловчига қарши томон.

Рӯсиёҳ - юзи қора.

С

Сада - *бу ерда*: яланг маъносида.

Садда беклар - бир-бировидан кам бўлмаган баҳодирлар, жангчилар дейилмоқчи.

Сандалма - ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаш.

Сап - саф.

Саратон юлдузи - қисқичбақа; қадимий астрономия бўйича 12 та буржнинг тўртинчиси.

Сачоқли - полукли.

Сенгайиб - анграйиб.

Соғил - сўровчи, савол-жавоб қилувчи.

Сол - тахта-ёғочларни ёки сувда чўкмайдиган нарсаларни бир-бирига бириктириб ясалган қайиқсимон сузгич.

Суй - турк, жинс, насл.

Суйратмоқ - судратмоқ.

Суханвар - айтувчи, шоир, бахши.

Сўтилиб - титилиб.

Сўфинақш - сўфинамо, сўфига ўхшаш.

Т

Таблахона - отхона.

Тай урмоқ - белгиланган масофани шиддат билан ўтмоқ.

Тарахҳум - раҳм, раҳм-шафқат қилиш.

Таҳқиқ - текшириш, суриштириш.

Тош - тахминан 4-6 километрга тенг узунлик ўлчов бирлиги (масофа).

Тоғларнинг силаси - тоғлар силсиласи, тизмаси.

Тулум - меш, саноч.

Тумса - туғмас хотин.

Тўба - тепа.

Ф

Фарсанг - тахминан бир тош (4-6 километр)га тенг узунлик ўлчови (масофа бирлиги).

Х

Холиён - чилим.

Хома - қалам.

Хонашин - *бу ерда*: ҳукмдор, тахт эгаси маъносида.

Хушрўй - чиройли, гўзал.

Хуштор - бирор кишига кўнгил қўйган, ошиқ.

Ч

Чихилтан - қирқ чилтан.

Чуймоқ - олғир қушни овга йўлламоқ, овга қуш солмоқ.

Ш

Шабгир урмоқ - кечаси тинмай йўл тортмоқ.

Шибирлашмоқ - шивирлашмоқ.

Шираб - иморатнинг ички безаги.

Э

Энка - елка.

Энчи - ота томонидан фарзандларга ажратиб бериладиган мол; бош мол.

Юйиқ - юпун, ямоқли кийим.

Юкунмоқ - ялинмоқ, илтижо қилмоқ.

Я

Язна - почча, езна.

Қ

Қамчи бўлди - айтилган сўз қамчи билан ургандай бўлди маъносида.

Қарнаб-қартаймоқ - ўта қартайиб қолмоқ.

Қат - қават, қат-қат нарсанинг бир тахлами.

Қоғиниб - қоқилиб.

Қуртурғовчи - қутқарувчи.

Қуруғли - қурилган.

Ғ

Ғилмон - чиройли, гўзал. Мифологияга кўра, жаннатда хизмат қиладиган гўзал йигит.

Х

Ҳечнимарса - ҳеч нима.

МУНДАРИЖА

Тўра Мирзаев. Халқимиз севиб ўқиган китоб	3
Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши	4
Авазхоннинг арази.....	82
Луғат.....	215

Адабий-бадий нашр

Ҳикояти Гўрўғли султон (достонлар)

Нашриёт муҳаррири

Аброр Абдусамедов

Рассом

Уйғун Солиҳов

Саҳифаловчи

Алишер Султонов

Мусаҳҳиҳа

Гулчеҳра Жўраева

“Adabiyot uchqunlari” нашриёти.

Лицензия 41 №239 2013 йил, 4 июль

Манзил: 100027, Тошкент, Ўқчи кўчаси, 29.

Телефон: 244-28-84

Босишга рухсат этилди 15.07.2013.

**Қоғоз ўлчами 60x84 ¹/₃₂. TimesTad гарнитурасида терил-
ди. Офсет босма. Нашр ҳисоб табағи 5. Босма табағи 14.**

Буюртма №01.

Адади 1000. Баҳоси келишув асосида.

**“SHAMS-ASA” масъулияти чекланган жамият
босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент-95,
Бунёдкор кўчаси, 28. Тел: 276-89-09**